

ISSN 2181-8738

ВОДИЙНОМА

ЯНВАРЬ-МАРТ
2020 ЙИЛ
№1 (16)



▶ Капитуляция актини Берлиндан Москвага олиб келган
ўзбек учувчиси – Абдусамат Тойметов



«ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал
2020 йил №1 (16)

Муассис: «Мерос» халқаро илмий-амалий
экспедиция жамоат фонди

Ҳамкорларимиз: Андижон вилоят ҳокимлиги,
Андижон давлат университети

Бош муҳаррир:

Рустамбек Шамсутдинов

Бош муҳаррир ўринбосари:

Абдулла Шаропов

Таҳрир ҳайъати:

Азизбек Миркомиллов – Андижон вилояти халқ
таълими бошқармаси бошлиғи

Элёрбек Холмирзаев – Андижон вилояти ҳокимининг
ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва
маънавий-маърифий ишлар бўйича котибият мудир
Ақромжон Юлдашев – б.ф.д., профессор

Бахтиёр Ҳасанов – т.ф.д., профессор

Жамшид Жўразода – т.ф.д., профессор

Мамбет Койгелдиев – т.ф.д., академик

Маъмуржон Саидхонов – ф.ф.н., доцент

Мирсодиқ Исҳоқов – т.ф.д., профессор

Наим Каримов – ф.ф.д., академик

Нуриддин Холиқназаров – Тошкент шаҳар бош
имом-хатиби

Нурмонжон Фафуров – т.ф.д., профессор

Поён Равшанов – профессор

Ташманбет Кененсариев – т.ф.д., профессор

Шухрат Ризаев – ф.ф.н., доцент

Мусаҳҳиҳ:

Исломиддин Насиридинов

Техник муҳаррир:

Дилшодбек Хомидов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 2018 йил 5 июнда № 0975 рақам
билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 170112

Нашр учун масъул: Р.Т.Шамсутдинов

Таҳририят манзили: 170100, Андижон шаҳри,
Университет кўчаси, 129-уй.

Телефон: (99890) 253-26-32

Факс: (99874) 223-83-52.

Почта: vodiynoma@mail.ru

Босишга рухсат этилди: 16.03.2020 й
Қоғоз бичими 60x84 1/8 Босма тобоғи: 13,5
Офсет босма. Офсет қоғози. Адади: 600 дона.

Баҳоסי келишилган нарҳда. Буюртма № 75

Чоп этилган мақолаларда билдирилган фикр-
мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига мос
келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва
рақамларнинг аниқ ва холислиги учун муаллиф
жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет

«Akademnashr NMM» МЧЖ томонидан тайёрланган.

«Javoxir nashr» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани Зиёлилар
кўчаси 6-уй.

МУНДАРИЖА

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

«Ғалаба боғи» ҳар бир юртдошимиз учун ғурур, ифтихор ва ибрат
маскани бўлмоғи лозим2

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН БУЮК ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН МУНОСИБ ҲИССАСИ

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ, Дилшодбек ХОМИДОВ

Ўзбекистоннинг буюк ғалабага қўшган ҳиссаси ҳужжат ва
материалларда6
Бир қўлда автомат, бир қўлда қалам15

Миркарим МИРСОВУРОВ

Жанг майдонидаги ўзбек йигитлари қаҳрамонлиги40

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ

Минҳожиддин МИРЗО

Адабий алоқалар силсиласида миллий ўзликни англаш тамойиллари46

СОВЕТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚАТАҒОН СИЁСАТИ ВА УНИНГ ҒОЖИАЛИ ОҚИБАТЛАРИ

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ

Таниқли давлат ва ҳукумат арбоби Акбар Исломов52

Абдусамат ПОЛВОНЗОДА

Тарихий ҳақиқат изидан. «Пахта иши» қандай вужудга келган эди?60

ҚАДИМГИ ДАВР

Абдуманноб ЭГАМБЕРДИЕВ

«Сариқ аждар ҳамласи» китобидан парчалар. Ҳачир карвони. Бозғонлар
овози104



«ҒАЛАБА БОҒИ» ҲАР БИР ЮРТДОШИМИЗ УЧУН ҒУРУР, ИФТИХОР ВА ИБРАТ МАСКАНИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида 1941 – 1945 йиллардаги фашистлар Германияси босқинига қарши, жаҳон цивилизациясини фашизм балосидан сақлаб қолишдек буюк ғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ўзбек халқининг фронтда ва фронтортида кўрсатган мардонавор кураши, фидокорона меҳнати ҳақида тўхталиб шундай деган эди:

«2020 йилда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланади.

Бизнинг мард, енгилмас ва олижаноб халқимиз буюк Ғалабани таъминлашга беқиёс ҳисса қўшгани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Бу қонли урушда жами 1,5 миллиондан зиёд Ўзбекистон фарзандлари тинчлик ва озодлик учун мардона жанг

қилгани, уларнинг ҳар уч нафаридан бири ўз яқинлари бағрига қайтмагани, эл-юртимизнинг фронт ортида кўрсатган жасоратини халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Биз уруш ва фронторти фахрийларини фақатгина байрамларда эмас, балки доимо эъзозлаб, ардоқлашимиз, уларнинг соғлиги ҳақида ҳар куни, ҳар соатда ўйлашимиз лозим. Жорий йилда уларга ҳар томонлама эътибор янада кучайтирилади. Жумладан, мамлакатимизнинг энг яхши санаторийларида уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратамиз.

Уруш йилларида халқимиз кўрсатган ҳақиқий жасорат ва матонатни кино, театр санъати, бадиий-публицистик асарлар, илмий тадқиқотлар орқали кўрсатиш, аҳоли, айниқса, ёшларимизга таъсирчан тарзда етказиш бўйича катта ишлар олиб борил-





моқда. Хусусан, Тошкент шахрининг Олмазор туманида муҳташам «Ғалаба боғи» бунёд этилмоқда».¹

Шахсан Президентимизнинг ташаббуси билан яратилаётган «Ғалаба боғи» маънавий, маърифий ҳаётимизда жуда катта аҳамият касб этади. Чунки ўша машъум уруш, унинг аянчли хотиралари ҳали-ҳануз дилларни тилка-пора қилади. Чунки ўтган аср қирқинчи йилларидаги қирғин-баротларнинг оғир жароҳатлари излари ҳали битмаган. У келтирган кулфату йўқотишлар юртимиздаги миллионлаб хонадонларга ота-боболари, яқинларининг оғир қисматини ёдга солади.

Фидойи ва жасур аجدодларимизнинг ҳаёт йўли чинакам ибратдир. Шу боис уларнинг номини абадийлаштириш, хотирасига эъзозу эҳтиром кўрсатиш давлатимизнинг доимий эътиборида.

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда барпо этилаётган «Ғалаба боғи» ҳам айна шундай мақсадлар рўёбига қаратилган. Албатта, Олмазор туманидаги генерал Собир Раҳимов ҳайкали ўрнатилган хиёбонда барпо этилаётган мазкур маскан концепцияси тақдим этилган. У Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 75 йиллиги арафасида очилиши кўзда тутилмоқда. Шу муносабат билан мазкур боғдан нималар ўрин олиши ҳақида айрим фикр-мулоҳазаларимизни баён қилмоқчиман.

Аввало, боғнинг кириш қисмида давлатимиз раҳбарининг мана бу сўзлари акс эттирилиши лозим:

«Ҳеч шубҳасиз, бу даҳшатли уруш бутун инсоният қатори бизнинг халқимизга ҳам мислсиз кулфат ва йўқотишлар олиб келди.

Иккинчи жаҳон урушида юзлаб юртдошларимиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, минглаб оталаримиз, боболаримиз жанговар орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Халқимиз фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, уруш майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди.

Ўта оғир ва машаққатли йилларда халқимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари яққол намоён бўлди. Эл-юртимиз мамлакатнинг уруш бўлаётган ғарбий ҳудудларидан эвакуация қилинган турли миллатга мансуб 1 миллионга яқин болалар, аёллар ва кексаларга бошпана бериб, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди.

Ўзбекистонга кўчириб келтирилган заводларда кексалар, аёллар, ўсмир болалар туну кун машаққатли меҳнат қилгани – ҳақиқий фидойилик, қаҳрамонлик намунаси десак, асло хато бўлмайди.

Бундай мисоллар буюк Ғалаба биз учун нақадар қимматга тушгани, халқимиз дунёни фашизм балосидан халос этишга

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/3324>



қандай катта ҳисса қўшганини яққол кўрсатади.

Тарихнинг ана шундай бешафқат ва суронли синовларидан ёруғ юз билан, ҳар томонлама муносиб ўтган халқимизга ҳар қанча таъзим қилсак, ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди, албатта».

Иккинчидан, 22 июнда Германия қўшинларининг СССРга ҳужум қилганлиги ҳақидаги радиомурожаат ҳамда газетада эълон қилинган матнни бериш керак. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида бўлган митинг, йиғинлардаги фотосуратлар экспонат сифатида қўйилиши зарур.

Учинчидан, фашизмга қарши кураш умумхалқ ҳаракатига айланган бир пайтда Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоев, Абдували Мўминов, Абдужаббор Абдурахмонов ва бошқа таниқли шахсларнинг, шоир ва ёзувчилар, олимларнинг халққа муурожаати, портретлари, уларни тинглаётган аҳоли йиғинлари акс эттирилган ҳужжат ва материаллар музейдан ўрин олиши керак.

Тўртинчидан, республиканинг барча об-ластлари раҳбарларининг фронт ва фронт ортидаги ташкилотчилик фаолиятини акс эттирувчи стенд ва витриналар бўлиши жоиз.

Бешинчидан, ўша даврда халқ кучи билан барпо этилган Фарҳод ГЭСи ва Бекобод металлургия комбинати қурилиши жараёнини акс эттирувчи алоҳида стенд, витриналарга кенг ўрин берилиши ва деворий суратлар чизилиши керак.

Олтинчидан, урушнинг дастлабки кунларида Ўзбекистондаги ҳарбий комиссарликларга армия сафига юборишни илтимос қилиб 14 мингдан зиёд ватанпарварлар муурожаат қилганлар. Шу тарихий жараён вилоят, шаҳар ва қишлоқлар кесимида очиб берилиши лозим.

Еттинчидан, 1941 - 1945 йилларда мамлакатимиздан сафарбар қилинган «қуролсиз аскарлар», уларнинг қаҳрамонона ва фожиа-ли ҳаёти, ғалабага қўшган ҳиссаси Ўзбекистон тарихи фанида деярли ўрганилмаган. Шу боис мазкур мавзунини «Ғалаба боғи»да акс эттирувчи кичик бир музей ташкил этиш зарур. Бунинг учун Урал, Бошқирдистон, Перм, Чкаловск, Орск, Нижний Тагил, Свердловск,

Москвадаги архивлардан материаллар олиб келиш даркор.

Саккизинчидан, Ўзбекистондан Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистонга 1931 - 1933 йилларда сургун қилинган «қулоқ» хўжаликларидаги армия ёшида бўлган, ҳарбий мажбуриятни ўташга лойиқ деб топилган эркалар ҳам ҳаракатдаги фронтларга, ҳам фронт ортидаги муодофаа иншоотлари, меҳнат лагерларига сафарбар этилган. Мазкур мавзу ҳам «Ғалаба боғи» музейидан алоҳида жой олиши керак.

Тўққизинчидан, 1937 - 1938 йиллардаги «Катта террор»да қатағон қилиниб ГУЛАГ лагерларига узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилган маҳбуслар ҳам ватан муодофаасига сафарбар қилинган. Уларнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритиш талаб этилади.

Ўнинчидан, Иккинчи жаҳон уруши йилларида турли фронтларда ўзбек тилида чиқиб турган «Ватан учун», «Совет жангчиси», «Қизил аскар ҳақиқати», «Ватан шарафи учун», «Душманга қарши олға», «Фронт ҳақиқати», «Ғалаба байроғи», «Қизил Армия», «Бонг» газеталарининг ўзбекистонлик жангчилар қаҳрамонликлари, душманга қарши курашдаги жанговар ютуқлари, меҳнат фронтдаги фидойиликлар акс эттирилган саҳифаларини экспонат тарзида тайёрлаб қўйиш зарур. Айни вақтда, шу материаллар видеоэкранларда намойиш этилса, янада мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўн биринчидан, уруш йилларида Беларусь Фанлар академияси аъзолари ва бир қатор муассасалари Тошкентга эвакуация қилинган. Уларнинг 100 дан ортиқ ходимлари фронтда фашистлар Германияси босқинчиларига қарши кураш олиб борди, партизанлар отрядларида, яширин антифашистик ҳаракатларда фаол иштирок этишди. Ана шу инсонлар жасорати ҳам бу масканда ёритилиши жоиз, назаримда.

Ўн иккинчидан, ҳозирги кунда Ўзбекистондан урушга сафарбар қилинган кўплаб юртдошимиз тақдири аниқланган эмас. Бундай ҳолат тадқиқотчиларимизнинг масалага жиддий қарамагани натижаси бўлса керак. Масалан, Иккинчи жаҳон урушида асирга тушиш ҳолатлари жуда кўп бўлган. Янги тарихда ана шу инсонлар масаласига янгича нуқтаи на-



зардан қаралмоқда. Собиқ асирларни реабилитация қилиш жараёнлари ҳам юз бeryпти. Ҳарбий асирлар тақдири одилона ўрганилиб, бу ҳақда мақолалар, рисоалар, китоблар яратилмоқда.

Мустафо Чўқай рафиқаси Мария Чўқайга 1941 йил ноябрь ойида Берлиндан ёзган хатида мана бу сатрлар бор: «Мен бу бахтсиз одамларга ёрдам бера олмаганимдан жуда ҳам оғир ташвишдаман... Кеча 35 та одамни отиб ўлдиришларидан сақлаб қолдим, лекин улар ҳаётини қанчага узайтирдим экан? Ҳозир ноябрь, кимлардир ёзги кийимда, кимлардир ярим-яланғоч ҳолда совуқдан сақланиш учун қўллари билан ўра қазишга мажбур бўлишмоқда. Уларга нонни итга ташлагандек ташлашмоқда, сув ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Мен остларига тўшаш учун қандай бўлса ҳам тўшам беришларини жуда қаттиқ илтимос қилдим. Беришдими ёки йўқми, маълум эмас...»

Мен Қаюмхон билан биргаман... У орқали немислардан туркистонлик ҳарбий асирларнинг сақлаш шароитларини яхшилашни сўраган эдим. У менинг илтимосимни кимгадир етказди. Ўзгариш бўладими, буниси маълум эмас...»

Мустафо Чўқайнинг 12 жилдлик асарлари тўпламидан «Иқтисодиёт ва сиёсий фойдаланиш» номли ноёб материал ўрин олган, унда Германия концлагерларидаги туркистонлик ҳарбий асирларнинг исм-шарифи, маҳбуслик рақами, касби кўрсатилган. Немис тилидан ўзбек тилига ўгирилган бу ҳужжатда фашистлар концлагерларидаги 318 нафар туркистонлик ҳарбий асир рўйхати келтирилган. Улар ҳам фашизмга қарши курашчилар сифатида музейдан муносиб жой олишлари керак.

Бундай хайрли ишни Ўзбекистонда ҳам амалга оширишнинг вақти аллақачон етди. Бу ўринда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган инсонпарвар амалиётни, бизнингча, Иккинчи жаҳон урушида ноиложликдан асирга тушган ўзбекистонлик ҳарбий асирларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин бўлса керак. Улар тақдири тўғрисидаги масалага давлат ва кенг жамоатчилик нуқтаи назаридан янгича қараш, тарихий ҳақиқатни қандай бўлса шундайлигича англаш, ёзиш, минглаб ватандошларимизни номма-ном

аниқлаш, уларнинг ҳам қаҳрамонона, ҳам фожиали фаолиятини, тақдирини ҳозирги ва келажак авлодларга етказиш кенг жамоатчилик, айниқса, тарихчиларнинг масъулиятли бурчидир.

Бунинг учун ҳозирда Москвадаги Россия ҳарбий давлат архивида сақланаётган ўлжага олинган 3-Рейх архиви фондларида, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати архивида сақланаётган, лекин ҳалигача илмий истеъмолга киритилмаган Туркистон асирлари, ҳарбий асирлар ҳақидаги ҳужжат ва материалларни зудлик билан очиш, ўрганиш ва улардан яратилажак «Ғалаба боғи» музейини ташкил этишда фойдаланиш лозим.

Шуни таассуф билан айтамикки, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида уруш даврида Ўзбекистонга эвакуация қилинган ярадор ҳарбийлар, депортация қилинганлар ҳақидаги материаллар «махфий»лик тамғаси остида тадқиқотчиларга берилмаётир. 2019 йил май ойида шогирдим Д.Хомидов билан Ўзбекистон Фанлар академияси бўлим мудирини, тарих фанлари доктори Мирзохид Раҳимов имзоси қўйилган алоқа хати билан тақдим этган талабномаимизга ҳам шундай муносабат билдирилди.

Булардан келиб чиқиб тегишли мутасадди идоралар орқали юқорида тилга олинган архивларга бориб, тезкорлик билан музей учун зарур ҳужжатларни олиш керак деб ўйлайман.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган буюк ғалабада Ўзбекистондаги диний идоралар ва уларнинг ходимлари, умуман, мусулмонларнинг ҳам ўрни бўлганлигини тарихий ҳужжат ва материаллар асосида кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Ўн учинчидан, «Ғалаба боғи»да Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ёшлар учун ўқ отиш тўғрагини йўлга қўйиш имконини берувчи очиқ ва ёпиқ типдаги полигонлар, ҳарбий-спорт клублари ташкил этилса айни муддао бўларди.

Бир сўз билан айтганда, пойтахтимизда барпо этилаётган «Ғалаба боғи» ҳар бир юртошимиз учун фахру ифтихор ва ибрат маскани бўлиши лозим.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ҲУЖЖАТ ВА МАТЕРИАЛЛАРДА

Рустамбек Шамсутдинов, Дилшодбек Хомидов

Маълумки, фашизм босқинига қарши кураш йилларида деярли Мҳамма ҳарбий фронтларда ўзбек тилида газеталар мунтазам нашр этиб турилган. Ушбу газеталарни ўқирканмиз, буюк ғалабани қўлга киритишда фронт ва фронтортининг мустаҳкам бирлиги таъминланганлигига гувоҳ бўламиз. Бу жараённи тасаввур этишда, англаб етишда 2017 йили «Akademnashr» нашриётида чоп этилган уч жилдлик «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» номли китоб муҳим аҳамият касб этади. Қуйида ўша давр руҳиятини акс эттирувчи, Ўзбекистон халқининг буюк ғалабага қўшган ҳиссасини кўрсатувчи ноёб ҳужжатлар келтирилмоқда.

Ўзбекистон КП(б) МК секретари Усмон Юсуповнинг Москвага, ВКП(б) МК раҳбариятига йўллаган хати:

«Ўзбекистон колхозчи хотин-қизлари олти кун бадалида «Ўзбекистон колхозчиси» номли танкалар ва жанговар самолётлар қуриши учун нақд пул билан 260 миллион сўм тўпладилар. Шу жумладан:

Бухоро области 1-Свердлов МТС трактор бригадасининг механиги Жўраева ўзининг иш нормасини доимий равишда 130 процентга қадар бажараётир.

Самарқанд области (обком секретари Ибраҳимов) 41 миллион сўм, Андижон области (обком секретари Бакулин) 36 миллион сўм, Бухоро области (обком секретари Исмолов) 35 миллион сўм, Наманган области (обком секретари Муқумбоев) 33 миллион

сўм, Тошкент области (обком секретари Мавлонов) 30 миллион сўм, Фарғона области (обком секретари Турдиев) 28 миллион сўм, Қорақалпоқ АССР (обком секретари Камолов) 22 миллион сўм, Сурхондарё области (обком секретари Саидов) 13 миллион сўм, Хоразм области (обком секретари Якубжонов) 17 миллион сўм тўпладилар.



Усмон Юсупов
(1900 – 1966)



Танкалар ва жанговар самолётлар қуриш учун тўпланган ҳамма пуллар Давлат банкаси бўлимларига топширилди. Пул тўплаш давом этмоқда.

Танкалар ва жанговар самолётлар қуриш учун пул тўплаш билан бирга республикамиз давлат олдигаги барча топшириқларни бажарган, колхозчилар саноат корхоналарининг ишчиларига ва шаҳар интеллигенциясига озиқ-овқат билан ёрдам бериш ҳаракатини авж олдирдилар. Колхозчилар бир неча кун ичида республика шаҳарларидаги саноат корхоналарининг ишчилари ва интеллигенциясининг овқатланишини яхшилаш учун 250 минг пуд ҳар хил озиқ-овқат тўплаб юбордилар. Давлат олдигаги бажарилган ҳар хил мажбуриятлар ва давлат нархи билан сотиб олинган озиқ-овқатлар бу ҳисобга кирмайди. Тўпланган озиқ-овқатнинг аксари колхозчилар ва колхозчи хотин-қизларнинг шахсий жамғармаларидан, меҳнат қуни учун колхозлардан олган ва томорқа ерлардан унган маҳсулотдан ажратилгандир.

Танкалар ва жанговар самолётлар қуришга сармоя тўплаш ва шаҳарлардаги са-

ноат корхоналари ишчиларининг ҳам шаҳар интеллигенциясининг овқатланишини яхшилаш учун озиқ-овқат тўплаш Ўзбекистон колхозчи хотин-қизларининг юртга чексиз садоқатининг ёрқин намоёйиши, колхозчи деҳқонларнинг жонажон армияга мадад бериш учун ватанимизнинг шон-шарафига, мустақиллигига суиқасд қилган немис-фашист босқинчиларини узил-кесил тор-мор қилиш ва йўқ этиш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилишга тайёр эканликларининг ёрқин ифодасидир».

Бу хатга жавобан Марказдан У.Юсупов номига мана бу хат келган:

«Ўзбекистон Республикасининг армия учун танклар ва самолётлар қуришга 260 миллион сўм пул тўплаган ва давлатнинг ҳамма топшириқларини бажариш билан бирга шаҳар меҳнаткашларига 260 минг пуд озиқ-овқат юборган колхозчилари ва колхозчи хотин-қизларига менинг қардошлик саломимни ва армиянинг ташаккурини етказинг».

**«Ватан учун» газетаси,
1942 йил 27 декабрь, 17-сон**

СОВЕТ ЭЛИНИНГ КУЧИ

Ўзбек халқи буюк мамлакатимизнинг бошқа халқлари билан биргаликда немис-фашист бандитларини тор-мор қилишда қатнашаётир. Ўзбекистон ўзининг экономикаси ва хўжалигини урушга мослаб қайтадан қурди. Улуғ доҳиймиз буйруғини бажо келтириб ўзбек халқи армияга яроғ-аслаҳа, ўқ-дори, саноат учун хомашё ва озиқ-овқатни кундан-кунга кўпроқ бермоқда.

Гитлер ўрдуларининг совет тупроғига босиб киришидан илгари Ўзбекистонда модофаа саноати, металлургия, тошкўмир қони йўқ эди. Ҳозир республиканинг барча саноати асосан фронт учун маҳсулот чиқаради.

Иттифоқнинг ғарбий областларидан Ўзбекистонга кўчирилган барча заводлар аллақачон янги жойда ўрнаштирилган ва тўла

суръат билан ишламоқда, уларнинг кўпи илгаригидан кўпроқ маҳсулот бермоқда. Ўзбекистонда қурилаётган биринчи металлургия комбинати яқин вақтларда маҳсулот бера бошлайди.

Республикамиз Иттифоқда вольфрам, молибден ва бошқалар каби қамқаб металлларни етказиб берувчи энг катта базаларнинг бири бўлди. 1942 йилнинг аввалида ишга киритилган «Тошкент-Сталинуголь» қонлари республикамизда энг катта Тошкент саноат районини тошкўмир билан таъминламоқда.

1943 йилда яна қатор тошкўмир, шу жумладан, Бойсундаги коксланувчи тошкўмир қони ишга киритилажак. Бу тошкўмир бизнинг қурилиб турган металлургиямиз учун



жуда зарур.

Ўзбекистоннинг нефть саноати 1942 йилда маҳсулот чиқаришни анча кучайтирди, кўпгина янги нефть скважиналари ишга киритилди; 1943 йилда нефть маҳсулоти яна ошади.

Ўзбекистон саноатининг гигант даражада ўсиши энергетика (электр кучи) базасини кенгайтиришни талаб қилди. 1943 йилда уч гидростанция қуриб битирилади ҳам яна бир неча гидростанциялар қурилиши бошланади.

Урушдан илгари Ўзбекистон Иттифоқнинг бошқа областларидан келтириладиган ғалладан фойдаланар эди, чунки республиканинг хўжалиги асосан пахта ишлаб чиқаришга қаратилган эди. Ҳозир эса у кўп ғалла ишлаб чиқарувчи республикага айланмоқда. 1942 йилда Ўзбекистонда ғалла экини майдонлари анча кенгайди, 1943 йилда у урушдан илгариги миқдорга нисбатан қарийб икки барабар кенгайди.

1942 йилда республикамизда янги экин – қанд лавлагиси экиш киритилди. Унинг барча ҳосили янгидан қурилган ва қурилаётган қанд заводларида ишланади. Мойли экинлар, тамаки ва сабзавот экинлари ҳам анча ошди.

Экин майдонлари янги маҳсулотларни экиш асосан колхозлар томонидан илгари экилмай ётган ерларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига кенгайди.

Ўзбек халқининг юз мингларча фарзандлари рус халқи билан ёнма-ён туриб буюк ватан уруши майдонларида жанг қилмоқда,

жангларда шижоат, моҳирлик ва қаҳрамонлик кўрсатган юзларча ўзбек жангчи ва командирлар ордени ва медаллар билан мукофотландилар, улардан энг баҳодирларига Қаҳрамон унвони берилди.

Кўнгли ватанпарварлик севгисига тўлган Ўзбекистон колхозчилари, ишчи ва хизматчилари Тамбов области колхозчиларидан намуна олиб «Совет Ўзбекистони» номида танкалар колоннаси ва авиацияси эскадрильялари қуриш учун 6 кун мобайнида 260 миллион сўм пул йиғиб топширдилар. Тошкент области Қорасув районидаги «Бирлашган» колхозининг раиси Турғун Тошматов ўзининг жамғарган шахсий сармояларидан 160 минг сўм топширди.

Фронтга байрам совғалари юборишда ўзбек халқининг қаҳрамон армияга бўлган муҳаббати равшан ифодаланади. 1942 йилда фронтга ҳаммаси бўлиб 340 вагон гуруч, гўшт, мева, вино ва бошқа совғалар юборилди. Ҳозир фронтга янги йил совғалари тайёрланмоқда.

Элимизнинг кучи уч дўстликда: фронт билан орқа дўстлиги, ишчилар билан колхозчилар дўстлиги, совет халқлари дўстлиги. Бу енгилмас дўстлик армиямиз ғалабасининг гаровидир. У бизнинг 1943 йилни фашист босқинчилар устидан узил-кесил ғалаба қилиш йилига айлантиришимиз учун барча имкониятларни беради.

Кабанов, Ўзбекистон ХКС раисининг ўринбосари

«Ватан учун» газетаси,
1942 йил 31 декабрь, 18-сон

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ КОМИССАРЛАРИ СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЎРТОҚ Я.АЛИЕВ БИЛАН СУҲБАТ

Ўзбекистон меҳнаткашлари армиянинг ҳар бир ғалабасини меҳнат, ишлаб чиқариш, маданий-маориф ва, умуман, бутун соҳаларда нишонлаб, мисли кўрилмаган ютуқларга эга бўлмоқда.

Ватан уруши кунларида республика пар-

тия ташкилоти ва ўзбек халқи олдида саноат тармоқларининг ривожланиб кетиши муҳим масалалардан бири бўлиб, қисқа муддат ичида қудратли энергетика базасини, янги гидростанцияларни вужудга келтириш вазифаси турарди. Бу масала ҳам



ҳал бўлаётир. Ҳозир Ўзбекистонни электрлаштириш учун бошланган умумхалқ юриши тез суръатлар билан давом этмоқда. Асрлар бўйи ўз жиловини бермаган Сирдарёга дамба солиниб, шу йил 19 декабрда ватан хизматига бўйсундирилди. Оққовоқ, Бўзсув, Солор гидроэлектростанциялари Тошкент завод-фабрикалари ва халқ эҳтиёжлари учун электрэнергиялар бермоқда.

Шу билан бир қаторда, республикамизда чорвачилик ва паррандачилик иши ҳам кундан-кун ривожланмоқда. Чорвачи колхоз ва совхозларимиз армия ва мамлакат ичкарасини лозим бўлганча гўшт, ёғ, сут, жун, тери, тухум ва бошқа шу каби чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаб турмоқда.

Ёзда бўлиб ўтган дон хўжалиги илғорларининг республика кенгаши Ўзбекистонда ғаллакорлик ишини яна ҳам кенгайтириш учун кенг замин ҳозирлади. Республикада 500 минг гектардан ортиқ янги ер ўзлаштирилди. 700 минг гектар ерга икки-уч қайтадан экилиб ҳосил олинади. Бу йил республикамиз атрофдан ғалла келтиришдан тамомила воз кечди ва, аксинча, армия то-

монидан озод қилинган районларга ёрдам бериб, дон ва бошқа керакли нарсалар бера бошлади.

Маданий-маориф ишларимиз ҳам тобора гулламоқда. Яқинда ташкил қилинган Ўзбекистон Фанлар академияси республиканинг маданий тарихига катта бир тантана ва ғалаба бўлиб киради. Ҳозир ўнлаб ўзимизнинг академикларимизга эгамиз.

Яқинда Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг декадаси бу борадаги ютуқларимизнинг бепоён эканини яна бир мартаба жамоатчилик олдида намойиш қилди.

Умуман, Ўзбекистонимиз кундан-кун гулламоқда, ўсмоқда. Олий бош қўмондон айтганидек, республикамиз армиянинг арсеналига айланиб, немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда маҳорат кўрсатаётган азамат ўғилларининг ғалаба билан қайтишларига лозим бўлган ҳамма нарсани етказиб бериш учун меҳнаткашларимиз бутун куч-қувватларини сарф қилмоқда.

«Суворовчи» газетаси,
1944 йил 1 январь, 1 (84)-сон

НЕМИС ОККУПАНТЛАРИГА ҲАМ

ВАТАН УЧУН

ҒАРБИ - ШИНОЛИЙ ФРОНТ ҚИЗИЛ АСКАРЛАР ГАЗЕТАСИ

№ 1

29 октябрь 1942 йил. Пайшанба.

„Зв Родину“
ва Ўзбекистонда

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЖАНГЧИЛАРИГА УЛАРНИНГ ЭЛ-ЮРТЛАРИДАН МАКТУБ

«Нурдийдаларимиз, жигарпораларимиз! Бу хатни сизларга ватан ёзади. Бу хат Волганинг шаҳри азими ва мустаҳкам қалъаси бўлган Сталинградга, ҳозир ватанимизнинг

тақдири ҳал бўлаётган ҳамма фронтларга қарата ёзилган. Бу хатнинг тагига бутун Ўзбекистон халқи қўл қўйгандир!

Ўғил ва укаларимиз, эр ва акаларимиз!



Биз сизлар билан фахрланувчи мўйсафид боболарингиз, юраклари фарзанд меҳри билан тўла ота-оналарингиз, сизни қўмсаб соғинувчи ака-укаларингиз, интизор кутиб турган хотинларингиз, ёру биродарларингиз, ўғил ва қизларингиздирмиз.

Сиз бизларни деб ўзининг азиз жонидан кечаётган, керак бўлиб қолса, шаҳид бўлишга шайланиб турган ва фашист жаллодларни қириб маҳв этаётган ғозийлардирсиз.

Бутун мамлакат билан бирга бизлар ҳам уйқусиз тунларда ва ташвишли кунларда умид тўла кўзларимизни сизларга тикмоқдамиз, сизларнинг шижоат ва ботирилингизни интизорлик билан кузатиб бормоқдамиз.

Сталинград атрофида ва ҳамма фронтларда отилаётган ҳар бир замбаракнинг наъраси гўё бизнинг қулоқларимиз тагида янграмоқда. Сизнинг қиличингиз билан калласи олингач ҳар бир душман худди йиқилгандек туюлмоқда. Сиз душманни орқага чекинишга мажбур қилар экансиз, биз ўзимизни ўша озод этилган ерлардан мағрурона қадам босиб бораётгандек ҳис қиламиз. Душман бизнинг бир қарич еримизни тортиб олар экан, юрагимизнинг бир парчасини узиб олаётгандек бўлади.

Азиз жигаргўшаларимиз!

Ватаннинг ҳар бир қисм тупроғи биз учун табаррук экан, унинг немис-фашист итвачалар оёғи остида мурдор бўлишига бепарво қараб турган кўзлар кўр бўлишга, бепарво эшитиб турган қулоқлар эса кар бўлишга лойиқдир!

Ҳозир улуғ ватан уруши майдонларида, айниқса, Сталинград, Шимолий Кавказ ва бошқа фронтларда совет халқининг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётир. Ана шу сариқ вабони йўқ қилиб ташлаш сизнинг қўлингизда. Ватаннинг буйруғи шу, барча совет халқларининг буйруғи шу, бутун илғор кишиликнинг,

фашист аблаҳлар томонидан босиб олинган бечора Европа халқларининг орзу-умидлари шу.

Бу улуғвор вазифаларни бажариш учун нималар талаб қилинади?

Бу вазифаларни бажариш учун ҳар бир жангчидан қўмондонликнинг барча буйруғини сўзсиз амалга ошириш, бир қадам ҳам орқага чекинмасдан она ватаннинг ҳар бир қарич ери учун маҳкам туриб курашув талаб этилади. Бу вазифани бажариш учун мамлакат ичкарасидаги ҳар бир кишидан фронтга керакли нарсаларни муттасил етказиб бериб туриш талаб қилинади.

Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ! Бу шиор ватаннинг иродасидир. Биз ҳозир орқага чекинмай, тупроғимизни, ер-сув, шаҳар ва қишлоқларимизни маҳкам сақлаб қолсак, пайти келганда олға юришимиз учун замин тайёрланган бўлади. Орқага чекинишни билмаган қадамлар олға боришни яхши билишлари керак.

Бу буйруқ фақат аскарларимиз, командирларимиз эмас, балки бутун ватанга, бутун совет халқига, ишчи, транспортчи, колхозчи ва интеллигентларга ҳам тааллуқлидир. Бизга бунинг тааллуқлилиги шундаки, аскарларимизнинг бир қадам ҳам орқага чекинмаслиги учун фронтга яна ҳам кўпроқ мадор ва қувват, қурол ва овқат, кийим-кечак юбориб туриш вазифаси бизнинг зиммамизга юклатилган.

Душман бизнинг фақат бир қисм еримизнигина эмас, балки анчагина саноат корхоналаримизни, конларимизни, ғалла, металл ва ёқилғимизни ҳам босиб олди. Аммо совет халқи ваҳимага тушмади ва умидсизланмади. У яна ҳам яхшироқ жипслашди ва қунт қилиб ўзининг ҳамма кучларини сафарбар этди, қаттиқ интизомни йўлга қўйди. Бунинг натижасида ҳозир мамлакатимизнинг шарқида, шу жумладан, сиз туғилиб, ўйнаб-кулиб ўсган озод Ўзбекистонда, Уралда, Сибирда шундай саноат ўчоқлари майдонга келтирилдики, улар қўлдан кетган ва нобуд



бўлган ҳамма корхона ва конларимизнинг ўрнини бемалол боса олади.

Тиш-тирноғигача қуролланган ёвуз душманга қарши туриш, уни улоқтириб ташлаш ва тор-мор келтириш учун ботирларимиз мукамал қурол-аслаҳага эга бўлмоқлари шарт. Душманга беҳато радду бадал бера билиш учун бизнинг аскарларнинг совут-қалқонлари ўқ ўтмас бўлмоғи лозим. Замонамизнинг ўқ ўтмас совут-қалқони қурол-аслаҳа, аэроплан, танк, тўп, миномёт, пулемёт, милтиқ, ўқ-дори, иссиқ кийим-бош деган гапдир. Буларни ҳарбий ва бошқа саноатларнинг ишчилари тайёрлашлари, транспортчилар эса уни фронтга етказиб беришлари керак. Ҳарбий заказларни бузув-

чи ва ёки кечиктирувчи ҳар бир кишига биз шунинг учун ҳам жанг майдонидан қочган хоин деб қараймиз.

«Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ!» деган шиорнинг биз – ҳарбий ва бошқа саноат ишчилари, транспорт ходимлари учун маъноси ана шундай, эшит, фронт!

Жанг майдонидаги фарзандларимизни яхшилаб тўйдириб туриш учун колхоз қишлоғи ва совхозларимиз жавобгар. Шу мақсад йўлида ишлаётган колхоз ва совхоз далаларида сизнинг ҳам нормангизни бажариш учун бошланган икки-уч нормачилар ҳаракати кун сайин қизиб бормоқда. Ҳозир далаларимизнинг мўл ҳосилини, оқ олтиндек очилиб ётган пахтани йиғиб-териб,

жамғариб олмоқдамиз. Пешана теримиз ва ҳалол меҳнатимиз билан ундирилган бутун маҳсулотни сизларга юбормоқдамиз, сизларнинг ота-оналарингизни, бола-чақаларингизни таъмин қилиб турмоқдамиз.

«Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ!» деган шиорнинг маъносини орденли Ўзбекистоннинг биз колхозчилари, совхоз ишчилари, барча қишлоқ хўжалик ходимлари ана шундай тушунамиз. Бу соҳада ҳам план ва топшириқларни бажармаслик аскарларимизни етарли даражада тўйдирмаслик ва кийинтирмаслик демақдир. Бу эса ватан, халқ манфаатига хиёнат қилишдир. Фронтни озиқ-овқат билан таъминлаш, саноатга кўпроқ пахта бериш – ватанпарвар колхозчиларнинг қилиб турган иши ва бажарадиган ваъдаси ана шундан иборат. Эшит, фронт!

Озод ватанимизнинг эрк ва иқболини таъминлаймиз десак гитлерчи жаллодларни юрт тупроғидан супуриб ташлашимиз шарт. Биз ўзимизнинг ҳаққоний



Ўзбек халқининг қаҳрамон қизи снайпер
Зеби Ғаниева

курашимиз билан бу ёвни албатта енгамиз. Бунга ишончимиз комил. Интеллигентларимиз: олимлар, ихтирочилар, инженерлар, докторлар, ёзувчилар, санъат арбоблари, агрономлар ва бошқалар ўзларининг илмий санъатлари билан ишимизнинг ҳаққонийлигини, курашимизнинг улуғворлигини, ватанимизнинг қудратини, кишиларимизнинг вазифаларини кенг тушунтириб, фронтчиларга ва мамлакат ичкарасидаги кишиларга яна кўпроқ шижоат, юракларга далда беришлари, ғалабага қатъий ишонч туғдиришлари лозим. Ғалабага ишонч бўлган жойда ваҳима ва иккиланишга ҳеч қандай ўрин қолмайди. Интеллигентларимиз ўз олдиларида турган вазифаларни уруш даврининг талабларига мувофиқ урушчан ва курашчан бир савияга кўтаришлари керак. Бу вазифани бажармаган интеллигент ўз она ватанининг шарафли фарзанди эмас, балки модаркуш ва хоиндир.

«Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ!» деган шиорнинг маъносини биз – совет интеллигенцияси ана шундай тушунамиз.

Ўзбекистонлик Зеби Ғаниеванинг Москва ҳимояси учун кўрсатган жасорати тилларда дoston бўлди. Зебихон халқ кўнгиллилари сафида Москва мудофаасига отланди. У ўз ҳаётини бир неча бор хавф остида қолдириб разведкачилар сафида 12 марта «тил» (душманнинг режалари-планини билиб олиш мақсадида тирик асир тутиб келиш) операциясида иштирок этиб шуҳрат қозонди. Зеби Ғаниева жанг майдонларида 28 фашист жаллодни ер тишлатди. «Қизил Байроқ» ордени билан мукофотланди.



Бухоро райони «Сталин» колхози стахановчиси
Ойзода Сафарова

Шоввоз ва азиз фарзандлар!

Ўзбек халқи сизни ёвуз душманга қарши кундан-кунга даҳшатли ва ғазаблироқ курашга чақиради. Ҳозир душманга нафрат, ўз ватанига муҳаббат ҳурриятпарвар кишилар оламига ҳурмат демақдир. Душманга нафрат уни ўлдириш, қириб ташлаш демақдир. Нафрат орқага чекинмаслик, олға босиш демақдир. Яна очиқ қилиб айтганда, одамгарчилигинг сен ўлдирган немисларнинг сони билан ўлчанади, чунки немисни ўлдириш – улуғ савоб. Биронта фашистни ўлдирмаган аскар жангчи эмас, номардир.



Ўғиллар ва эрлар, оға ва инилар!

Ҳозирги кунда сиз душманни Сталинград атрофида, у олға силжиш учун интилаётган ҳар бир ерда тўхтатмасангиз ва ер билан яксон қилмасангиз, гитлерчи аблаҳлар ўзбек халқининг бошига ҳам нақадар оғир кулфатлар келтириши турган гап. Гитлернинг қўлидаги ерлар халқлар қамоқхонасидир. Ўзбек фарзанди! Сен бу қамоқхонадаги тутқунларнинг яна биттаси бўлишни хоҳлайсанми? Сенинг ота-боболаринг қўлларини кишанга тутиб беришдан кўра энг қалин занжирларни ҳам қўл билан узиб, тиш билан синдириб ташлаганлар. Гитлер фақат Европа миллатларининг, славян халқларининггина душмани эмас, у Шарқ халқларининг ҳам душманидир. Шимолий Кавказ ва Қримдаги мусулмон шарқ халқларининг ҳам душманидир.

Шимолий Кавказ ва Қримдаги мусулмон шарқ қавму қабилаларига: адигейлар, татарлар, қорачойликлар, кабардин-болқарлар ҳамда чеченларнинг бошига тушиб турган кулфат ва мусибат, жабрлар бизлар учун яна бир огоҳлантириш эмасми?

Агар сиз душманни тезроқ тор-мор келтирмасангиз, каллакесар немислар мўйсафид ота-боболарингизнинг мўътабар соқолларидан ушлаб уларни хўрлаши аниқ гап... Оналаримизнинг оқ сочларидан ушлаб уларнинг ерда топталишини тамоша қилишга рози бўлган ўғилнинг кўзлари кўр бўлишга лойиқдир! Севгили қизларимизнинг ҳусни бўлган қирқ кокилига ёпишиб уларни зўрлашга рози бўлиш мумкинми? Бунга

рози бўлиш кўп асрлардан бери йигитларимиз учун ор-номус саналиб келган эмасми?

Озодлик гулини бир искаб олган киши уни умрбод унутмас. Юз йил умр кўрган қулдан кўра бир кун эркин яшашга улгурган киши бахтиёр ва беармондир. Ана шунга яраша урушингиз. Бизлар бу ерда кечани кеча, кундузни кундуз демай, куч ва қувватимизни аямай, ёшу қари фидокорона ишламоқдамиз, токи сизлар орқаларингизда қандай бир йиқилмас тоғ борлигини унутмангиз.

Душман маккор. У бугун алдаш, қўрқитиш, ваҳима солиш йўли билан совет халқлари улуғ оиласининг аъзолари ўртасида низо чиқармоқчи, бизнинг ғалабага бўлган иродаимизни синдирмоқчи, эртага эса юртимизга хўжайин бўлиб, колхозлар ва совхозларимизни немис баронларига – помешчикларига, корхоналаримизни немис капиталистларига хусусий мулк қилиб бермоқчи. Қул бозорларини ривожлантириб, эркин ўзбекларни молдай сотмоқчи. Меҳр билан қурган каналларимизни қон дарёларига айлантирмоқчи. У улуғ ўзбек шоири Навоийнинг, ўзбек мунажжими Улуғбекнинг Самарқандини, ўзбек шоири Муқимийнинг Фарғонасини, мўғул босқинчиларига қарши кураш қаҳрамони Таробийнинг Бухоросини ер билан яксон қилиб, бу ердаги хазиналарни очқўз Германияга ташимоқчи, мактабларимизни қамоқхонага, театрларимизни фоҳишахонага айлантирмоқчи бўлади».

**«Ватан учун» газетаси,
1942 йил 5 ноябрь сони**

ВАТАН ШАРАФИ УЧУН

ҚИЗИЛ АСКАРЛАР ГАЗЕТАСИ

Красноармейская газета «ЗА ЧЕСТЬ РОДИНЫ» на узбекском языке.

№ 62 (347)

ШАҒБА

1945 йил 13 ОКТЯБРЬ



СУРАТДА: Улуғ Ватан урушининг атоқли аскари, жангларда кўрсатган қоҳрамонлиги учун уч марта олий мукофотга — уч орденга лойиқ кўрилган гвардия капитани БУЗДОҚ НУРАЛИЁВ. О. ИГНАТОВИЧ сурати.

47 жондан
иборат оила
қолхозчи ўғилбиби
100 ёшга кирди
ТОШКЕНТ. Ўзбекистон-
нинг Избоскан районидаги
Янги қишлоқда яшовчи
Ўғилбиби Қулматова яқинда
100 ёшга кирди. У район-
нинг энг кекса қолхозчи-
сидир. Ўғилбиби кексайиб
қолганига қарамай ҳали ан-
ча бақувват ва қолхоз иш-
ларига қизиқади.


Бу бахтиёр аёлнинг оила-
си 47 кишидан иборат. Энг
кичкина набираси Маҳбуба
6 ёшга кирди. Тўнғич ўғли
тажрибакор аграном Ахмад-
дин Қўчқоров эса 70 ёшда.

Ўғилбибининг 15 набира-
си Улуғ Ватан уруши қат-
нашчиси. Уларнинг кўпчи-
лиги Совет Иттифоқининг
орден ва медаллари билан
мукофотланган.

Ҳозир бу кекса қолхозчи-
нинг оиласи яқинда аскар-
ликдан бўшаб келадиган ик-
ки фронтчи набирасини ку-
тиб олиш учун катта тай-
ёргарлик кўрмоқда.



БИР ҚЎЛДА АВТОМАТ, ҚЎЛДА ҚАЛАМ



Таниқли фут-бол шарҳловчиси, Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган спорт ходими Ахбор Имомхўжаевнинг 2018 йил 18 ноябрдаги Андижонга ташрифи қутлуғ келди. Шу куни вилоятимиз жамоаси «Андижон» саралаш босқичидан муваффақиятли ўтиб, мамлакатимиз чемпионатининг супер лигасида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритди. Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ.Абдурахмонов «Соғлом авлод» ўйингоҳида минглаб мухлислар олқишлари остида спорт ва жур-



Ахбор Имомхўжаев

налистика фахрийсига зарбоф тўн, бошига Андижон дўпписини кийдириб, қизгин муобрақбод этди.

Ўша куни эрталаб Ахбор Имомхўжаев Андижон давлат университети тузилмасидаги «Қатағон қурбонлари хотираси» музейига ташриф буюрди. Музей билан батафсил танишди, мамлакатимизнинг унутилмас сиймолари, футбол тарихи ҳақида суҳбат қурилди. Ахбор акадек мўътабар инсон, ўз соҳасининг фидойиси тарихимизга ҳам ғоят қизиқиши табиийдир. Бу ҳақда ҳам анча фикр алмашилди. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушида бир қўлда автомат, бир қўлда қалам билан душманга қарши курашган, фронт газетала-



рида ишлаган журналистлар ҳақида ҳам гап кетди. Бизнинг уч жилддан иборат «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» номли китобимизни кўриб хурсанд бўлди. Музейни зўр

иштиёқ билан томоша қилди. Қатағон қилинганлар орасида ўзига таниш журналистларни ҳам эслаб ўтди. Бизга ҳиммат кўрсатиб 1965 йили «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Ўткир эди қалами» («Пером и штиком») номи бир рисола эсдалик учун тақдим этди.

Ахбор ака доим ёнида олиб юрадиган, муқоваси титилиб, варақлари ҳилвираб кетган бу китобчадан Иккинчи жаҳон урушида немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда мардларча ҳалок бўлган бир гуруҳ ўзбекистонлик қаламкашлар ҳақида очерклар жой олган. Уларни Мумтоз Муҳамедов, Михаил Шевердин, Мирзакалон Исмоилий, Адҳам Раҳмат, Мели Жўра каби уруш қатнашчилари баён этганлар. Очерк қаҳрамонларининг чақмоқдай ёниб ўчган ҳаёти ҳар қандай таҳсин ва эҳтиромга лойиқ.



Ғулом Ғофуров
(1909 – 1944)

Мумтоз Муҳамедов «Муштум» журналининг муҳаррири, жангчи-сапёр Ғулом Ғофуровни фронтда кўргани ва унинг батальони дарё устидаги портлатилган кўприкни душман ўқлари остида тиклаб, пиёдаларимизнинг олға ҳаракатланишини таъминлагани ҳамда

фожиали ҳалок бўлганлиги ҳақида ёзган: «... гитлерчилар ўз позицияларини сақлаб қолиш учун ҳаводан ҳам ҳужум қилардилар, кеча қоронғу бўлишига қарамай, душман самолётлари кўприк устига, атрофига бомба ташларди.

Сапёрлар бўш келмади, ўқ ёмғири остида ҳаракат қилиб, бир хиллари кўприкни тuzатса, бошқалари шўмғиётган самолётларни пулемёт ҳамда автоматлардан отар, тегса-тегмаса, ўқ узишарди, ҳужум қатъий ва ҳал қилувчи, уни ҳар бир жангчи яхши биларди».

Очерк муаллифи дарё бўйидаги қирғинбарот жангларда ўз қаҳрамонининг аскарларни олға бошловчи хитобларини узоқдан эшитади, бу товушни танийди, кейинчалик учраш-

моқчи бўлади. Аммо рус йигити Борис взвод командири Ғофуров душман бомбаси остида қолиб ҳалок бўлганлигини йиғлаб хабар қилади.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг муҳаррири Обид Абдурахмонов жангларда ҳам қалами, ҳам автоматини қўлдан қўймаган. Фронтдаги ўзбек тилидаги газеталарнинг фаол ходимларидан бири журналист Мели Жўраев Обид Абдурахмоновнинг оғир



Обиджон Абдурахмонов
(1914 – 1943)

яраланиб, госпиталда битган сўнгги мактуби ҳақида баён қилган. Мактубда қуйидаги сўзларни ўқийсиз: «Кошки эди мард бўлиб қайтсам. Қайдам, ўзимни шунча тетик сезишга ҳаракат қилсам ҳам, аъзойи-баданим зирқирайди, мадорим кетяпти. Яхшиямки, журналистик касбим бор. Қуролим қўлдан тушса ҳам, қаламим тушгани йўқ... Дўстим, ҳозирча хайр, сенга атаган мактубим битди. Менинг адресим шу ерда, балки, абадий ўзгармас».

«Обиджоннинг мактуби менга тегди, – деб ёзади очерк муаллифи, – ўзи айтгандек, адреси ўзгармади. Калач ёнидаги номаълум солдатлар мазорида унинг қабри оғир урушнинг абадий ёдгорлиги бўлиб қолди».

«Николай Звёздин иқтидорли қаламкаш, у ажойиб асарлар ёзиши мумкин эди, – дея ҳикоя қилади М.Шевердин. – Уруш бошлангунга қадар у «Правда Востока» газетасида ишлаган. У фронтда танкчилар ҳақида мақола ёзмоқчи эди. Редактордан жанг қилаётган танкчилар ёнига юборишни илтимос қилган.



Николай Звёздин
(1907 – 1943)



Дам олиб турган, ҳатто фронтга яқин жойдаги танк қисмига бориш, танкчилар кўрсатган қаҳрамонлик тўғрисида суҳбат ўтказиб, газетага хабар ёзиши мумкин эди. Газетачидан, ҳатто фронтдаги газетачидан ҳам кейин ёзиладиган корреспонденция учун ўзини ўт-чўққа урушни ҳеч ким талаб этмасди. Лекин Николай Звёздин ҳамма нарсани ўз кўзи билан кўришни истарди. Жангчилар жасорати ҳақида очерклар муаллифи тушган танк душман позицияси рўпарасида айланма йўллар билан манёвр ясаб борарди, унга ёндирувчи снаряд тегиб портлади. Романтик ва шижоатли журналист Николай Звёздин танк экипажи билан ҳалок бўлди».



Зифо Шамсиддинова
(1926 – 1945)

«Қизил Армия» фронт газетаси ходимаси Зифо Шамсиддинова 17 ёшида фронтга ўз ихтиёри билан жўнаб кетган. У урушнинг энг даҳшатли жанггоҳларида газета таҳририяти билан бирга аскарларимизни ғалаба сари руҳлантириб борди.

Зифо редакцияга келган хатларни катта эътибор билан ўқиб чиқар, жангчиларнинг қаҳрамонлигидан ҳаддан зиёда қувонар, фашистларнинг ваҳшийлиги тўғрисидаги хабарлар эса уни қаттиқ ғазаблантирар эди. У дугонаси Бонуга ёзган мактубида шундай сатрлар бор: «Шу сатрларни ёзиб турганимда нақадар бахтли эканимни кўз олдинга келтира олмайсан. Сталинградда ғалаба қозондик! Биласанми, бу нима дегани? Энди ғарбга, лаънати гитлерчилар инига қараб юрамиз!»

«Биз навбатма-навбат олдинги линияга жўнаб кетардик, жангчилар орасида юриб газетага материаллар уюштирардик, – дея ҳикоя қилади очерк муаллифи Мирзакалон Исмоилий. – Зифо эса редакцияда қолар, ҳафтада икки марта чиқадиган фронт газетасининг бутун оғир ишларини бир ўзи бажарарди. Ҳарбий газетамизнинг аҳамияти жуда катта эди».

1943 йил 16 октябрда душман самолёти таҳририят жойлашган вагонга бомба ташлайди. Зифо Шамсиддинова гулгун ёшлик чоғида ҳалок бўлади.

Журналист Наби Юсуфий фронтда тарғиботчи сифатида танилган, шиддатли жангларда ўзини кўрсатган, тошкентлик ажойиб таржимон Сайидғани Валиев ҳақида ёзган. Унинг яқинларига бўлган меҳр-муҳаббати, душманга нафрати онаси, умр йўлдоши



Сайидғани Валиев
(1905 – 1942)

ва фарзандларига ёзган мактубларида ўз ифодасини топган: «...Мен соғ-саломатман. Жангга кирганимизга 15 кун бўлди. Фашистлардан ўч олаётимиз. Қаттиқ жанглар бўляпти. Бизнинг кўрганларимиз умр бўйи ҳикоя қилиш учун етади. Бомбалар остида қолиб омон чиқдим. Ҳамюртим Йўлдошев қаттиқ яраланди. Она Ватанни душмандан асраб қолиш учун жангларда ярадор бўлиш ҳам бахтли иш...»

Тошкентда хизмат қилган кўмондон Апанасенко бир куни Сайидғанини ўз ҳузурига чақириб: «Ўртоқ Валиев, сизни Тошкентга чақирингиз. Фарзандаларингиз кўп экан. Нима қилайлик?» – деди. Ватанпарвар ўзбек йигити шундай жавоб қилди: «Ўртоқ кўмондон, ҳаракатдаги армияга жўнатилинг, Тошкентга ғалабадан кейин бораман».

Сайидғани Валиев Сталинграднинг шимол-ғарбидаги шиддатли жангларда мардларча ҳалок бўлди.

«Белоруссия халқи, Речица тумани Козероги қишлоғи аҳолиси ўз халоскорлари бўлган жангчиларни асло унутмайди, – деб ёзади Адҳам Раҳмат. – Бу ерда



Султон Жўра
(1910 – 1943)

шоир Султон Жўрага ёдгорлик ўрнатилган. У Козероги ўрмонларидаги жангларида мардларча ҳалок бўлган».

Андижон педагогика билим юртини тамомлаб, фаол ижодкор ва тарғиботчи сифатида танилган Султон Жўра урушгача «Ҳурмат белгиси» ордени билан, Белоруссияни озод этишдаги қаҳрамонлиги учун эса II даражали «Ватан уруши» ордени билан мукофотланган.

Жангчи шоир окопларда туриб жанговар руҳдаги шеърлар ёзди, халқни ёвуз душманни ер билан яқсон қилиб ташлаш учун адолатли курашга чақирди. Унинг «Чавандоз», «Найзамиз», «Тўпчи Муҳаммад», «Жаҳон сени олқишлар», «Соғиниб», «Соғинчли салом» каби шеърлари фронтда ёзилган бўлиб, уларда ватанга муҳаббат, душман устидан бўлажак ғалабага ишонч ва ғалаба учун кураш ғоялари олға сурилган.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида бу оташқалб шоирнинг ҳаёт йўли қисқача шундай ифодаланган: «**Султон Жўра** (тахаллуси; асл исм-шарифи **Жўраев Султон**) (1910.15.1, Шофиркон тумани – 1943.10.11, Гомель ш.) – шоир. Бухородаги эрлар билим юртида ўқиган, сўнг мактаб ва билим юртида ўқитувчилик қилган (1930 – 1936). 1936 – 1939 йилларда Андижон педагогика институтида ўқиган ва шу ерда дарс берган; 2-жаҳон уруши қатнашчиси; урушда ҳалок бўлган. Султон Жўранинг «Фидокор» (1939), «Шодлигим», «Очиқ чеҳралар» (1939), «Москва» (1941) шеърини тўпламлари эълон қилинган. 1939 йил шоир ижодининг энг самарали палласи бўлиб, у шу йили «Парвознома» балладаси, халқ ривоятлари асосида «Зангори гилам», «Қалдирғоч», шунингдек, «Карим ва Қундуз» дostonларини ёзган. Шоирнинг машҳур итальян астрономига бағишланган «Бруно» дostonи (1938) 30-йилларда яратилган ўзбек дostonларининг энг яхши намуналаридан ҳисобланади. Бадиий соддалик, самимийлик, халқ оғзаки ижодига яқинлик Султон Жўра шеърининг энг яхши хусусиятларидир. Султон Жўранинг адабий меросида болалар ҳаётининг олинган асарлар алоҳида ўринни эгаллайди. Унинг сўнгги асари – «Иро-

да» драмаси (1942, Восит Саъдулла билан ҳамкорликда) Андижон вилоят театрида сахналаштирилган.

Шоирнинг жасади Белоруссиянинг Гомель шаҳри Лоев тумани Козероги қишлоғида дафн этилган. Андижон, Бухоро ва Шофиркон шаҳарларидаги кўчаларга, шунингдек, Шофиркон туманидаги мактаб, кинотеатр ва фуқаролар йиғинига Султон Жўранинг номи берилган.

Асарлари: Ёмғирдан сўнг. Т., 1965; Шеърлар. Т., 1973.

Адабиётлар: Мўминов Ғ. Оташқалб шоир. Т., 1970; Алиев С. Бухорода битилган байтлар. Т., 1992».¹

Урушнинг дастлабки кунлари фронтга отланганлар сафида «Қизил Ўзбекистон» газетасининг мухбири Ҳасан Иззатий ҳам бор эди. Унинг отаси – Иззат акани Фарғона водийсидаги Сўх қишлоғининг бойлари 1916 йилда мардикорликка жўнатдилар. Айни очарчилик пайтлари – 1918 – 1920 йилларда Ҳасан Қўқоннинг Ғалчасой гузаридаги Махсум ака тегирмонида ишлайди. Қўқон шаҳридаги интернатда тарбия олган йигит 13 ёшидаёқ ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этади, дастлаб у Риштон райони ижроия комитетида котиб бўлган. Шу вақтнинг ўзида у ёшлар ячейкаларини бирлаштириб, йирик таянч ташкилотини тузган. Унинг мухбирлик фаолияти ҳам худди шу даврдан бошланган.

Журналист Расул Муҳаммадий унинг инсоний фазилатлари, мардлиги ва вафоти ҳақидаги ҳақиқатни қуролдош дўсти Н.Каримовнинг мактуби орқали очиб берган: «Аёвсиз жангда Ҳасан ака душманга қарши тик борарди. Мен ундан 10 қадамча нарироқда эдим. Снаряд унинг ёнида портлади. Ҳасан Иззатий



Ҳасан Иззатий
(1909 – 1945)

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд / Таҳрир ҳайъати А.Азизхўжаев, М.Аминов, Д.Аминов ва б. – Тошкент: ЎзМЭ, 2004. – Б.124.



боши билан олдинга мункиб йиқилди. Мен пастлик билан унинг олдига бордим. Ҳасан ака инграрди. Кўкрагидан снаряд парчасини олдим, рўмолчам билан пешонасидаги қонларни артдим. У менга: «Ука, Қўқонга, болаларимга, Саломатхонга хат ёз. Мени ўз бурчини бажарди дегин», - деди.



Михаил Сувинский
(1909 – 1941)

куч-ғайрати, қобилияти билан алоҳида ажралиб турарди. 1932 - 1934 йилларда биз Михаил билан бирга «Узбекистанская правда» газетасида ишлардик. У қўнғир сочли, хуш қоматли, ғоят одампарвар, дилкаш йигит эди».

Михаил Сувинский нафақат Ўзбекистонда, балки Иттифоқда кўзга кўринган иқтидорли журналист ва шоир эди. 1941 йили фронтга кетган. «Фронтда Сувинскийнинг қалами янада ўткирлашди, - деб ёзади Маҳкам Маҳмудов ўзининг лавҳасида. – Мақолаларида публицистик руҳ кучайди».

Ҳаракатдаги армия қисмлари билан олдинги марраларда жанг қилган М.Сувинский 1941 йилнинг сентябрида мардларча ҳалок бўлди. Очерк унинг ўзи ёзган шеърий сатрлар билан яқунланган:

*Ўткир эди унинг қалами,
Ўлимга ҳам борди юзма-юз.*

«Абдулла Шарофутдиновнинг жанггоҳлардан ёзган хабар ва мақолалари нафақат ўзбек тилида чоп этиладиган «Қизил аскар ҳақиқати» газетаси, балки рус тилида чиқадиган «Красноармейская правда» фронт газетасида ҳам босиларди. Унинг «Тил овчиси» сарлавҳа-

ли мақоласи барча фронт газеталарида эълон қилинди», - дея ҳикоя қилинади рисоладаги «Редакцияга қайтиб келмади» сарлавҳали очеркда.

Ғарбий фронтнинг бир участкасида ўзбек офицери, майор Мирзоиоров батальони ҳужумга ҳозирлик кўраётгани ҳақида таҳририятга хабар келди. Шу куниниёқ Шарофутдининов ўша жойга жўнаб кетди. Ярим кечада телефон жириглади: «Майорнинг батальони ҳужумга тайёр, мен ҳам улар билан бирга жангга кириб кетяпман». Орадан икки кун ўтгач Шарофутдинов жангдан сўнг ёзилган мақола билан таҳририятга кириб келди.

Кичик лейтенант, журналист Абдулла Шарофутдинов Шарқий Пруссия томон олиб борилган жангларда 1945 йилнинг 17 январь куни хизмат вазифасини адо этаётган пайтида ҳалок бўлди. Қуролдошлари уни Неман дарёси соҳилидаги хушманзара жойга дафн этдилар.

«Ҳамиша тирик» сарлавҳали очерк «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳбири Неъмат Абдуллаевнинг Улуғ Ватан урушига жўнаб кетиши, бир қўлда автомат, бир қўлда қалам билан фашист газандаларига берилган қақшатқич зарбага қўшган муносиб ҳис-



Абдулла Шарофутдинов
(1910 – 1945)



Неъмат Абдуллаев
(1911 – 1942)

саси, мардларча ҳалок бўлганлиги ҳақидадир.

Мухбирларнинг кетма-кет фронтга жўнаб кетишларидан сўнг республикамизнинг нуфузли газетаси - «Қизил Ўзбекистон» таҳририяти ҳувиллаб қолди. Айниқса, иқтидорли ва тезкор қаламкаш Неъмат Абдуллаевнинг



йўқлиги билинарди. Аммо жангчи журналистнинг мардлиги, фронт газеталаридаги чиқишлари орзиқиб кутилган ғалабани яқинлаштирди.

Неъмат умр йўлдоши Азизахон билан хайрлашган кунни қизлари Элеонора бир ёшда, Сурайё ўн кунлик эди. Улар ҳам ўз оталарини обдан таниб олмаган, дийдорига тўймаган гўдак эдилар. Старший политрук Абдуллаевнинг Москва атрофида қилган биринчи жанги полкнинг шонли тарихидан фахрли ўрин олди. СССР Олий Совети Президиуми 1942 йил 30 январда Неъмат Абдуллаевни «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотлади.

Жанглар кетидан жанглар улашиб кетди. Неъмат бир гуруҳ совет жангчиларига бош бўлиб Баранцево қишлоғини гитлерчилардан ҳимоя қилиб турди. Бу қишлоқ Москва йўлини душманлардан тўсиб турувчи кўрғонга айланди. Жангларда ҳар икки томон катта талафот кўрди. Бироқ немислар енголмади, енгилди. Кейинги контратакалардан бирида Абдуллаев каттиқ яраланди. Уни дала госпиталига олиб кетишди. Душманнинг Москвага қилган ҳужумларини қайтаришда ботирлик кўрсатгани учун у иккинчи марта «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланди. Лекин бу мукофот унинг кўкрагига тақилмай қолди. Куролдошлари Абдуллаевни ўзлари ҳимоя қилган Баранцево қишлоғига дафн этдилар.



Раҳимжон Ғафуров
(1906 – 1943)

1943 йил кишида Қизил Армия қарши ҳужумга ўтиб, Сталинградда душман қисмларини қуршаб олди. Халоскорлар орасида Раҳимжон Ғафуров хизмат қилаётган алоҳида пулемётчилар батальони ҳам бор эди. Шу сайҳонликда немислар мададга етиб келган икки танк ёрдамида контратакага ўтдилар. Баҳайбат «Тигр» ва «Пантера»лар бизнинг окоплар томонга гумбурлаб келарди.

Душман ҳужумини перископдан диққат билан кузатиб турган Ғафуров танкка қарши ўт очишга буйруқ берди. Мўлжал аниқ нишонга олинди, танклар гусеницаси пачоқланди. Пулемётчиларнинг ўқ ёмғирига бардош бера олмаган душман сайҳонликда юзга яқин жасадни қолдириб ортга чекинди.

«Соф ўзбекча талаффузидан андижонлик эканлиги дарҳол сезиларди, – деб ёзади Маҳкам Маҳмудов жон олиб-жон бериб душманга қарши жанг қилган Раҳимжон Ғафуров ҳақидаги лавҳасида. – Урушгача очерк қаҳрамони Ўзбекистон давлат нашриётида, сўнгра Ўқув-педагогика нашриётида редактор, кейинчалик тарих-география бўлимининг мудри бўлиб ишлаганди. 1943 йил 19 июлда унинг умр йўлдоши Чиннихон аяга қорахат келди: «Сизнинг эрингиз, гвардиячи лейтенант Раҳим Ғафуров Ватан учун жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди».



Бурҳон Турсунов
(1916 – 1945)

«Жангчи шоир Бурҳон Турсунов 1916 йил Каттақўрғон туманидаги Тегирмонбоши қишлоғида туғилган, – деб бошланади «Оташқалб йигит» лавҳаси. – Унинг адабий фаолияти педагогика билим юртида камол топа бошлайди Бурҳон табиат манзараларини бениҳоя севар, тоғ қояларида ўтириб найчалишни яхши кўрар эди. Ҳаваскор шоирнинг онаси Бегимбойбиби халқ дostonлари ва эртакларини набирасига мароқ билан ҳикоя қилиб берарди. Б.Турсунов 1934 йили Каттақўрғон билим юртини битириб, шу ерда адабиёт ўқувчиси бўлиб қолади. 1937 йилда Навоий номли Ўзбекистон давлат университетининг тил ва адабиёт факультетига кириб ўқийди ва уни муваффақият билан тамомлайди. Сўнгра Самарқанд областидаги «Ленин йўли» газетасида, 1939 – 1940 йилларда «Каттақўрғон ҳовузи» газетасида адабий ходим бўлиб ишлайди.



1941 йили фашист босқинчилари СССРга хиёнаткорона ҳужум бошлаганида Б.Турсунов Намангандаги ҳарбий билим юртида таълим олиб, лейтенант унвони билан фронтга жўнади. 1945 йили 12 апрелда Берлин учун жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. У «Қизил Юлдуз» ва биринчи даражали «Ватан уруши» орденлари билан мукофотланган.

Очеркда жангчи шоирнинг шеърларидан парчалар келтирилган:

*Ҳаёт ширин инсон-чун, аммо
Қаҳрамонлик ҳаммасидан соз.
Душманга тиз чўкмайман асло
Олмагунча мен ундан қасос.*



Сафар Орзуметов
(1907 – 1943)

«Фахрий ёрлиғи» билан мукофотланган.

Сафар Орзуметов Ўзбекистон давлат нашретида муҳаррирлик вазифасида ишларди. У Ўзбекистон ССРнинг XV йиллиги муносабати билан социалистик қурилишда кўрсатган фаол хизматлар учун Республика Олий Совети Президиумининг «Фахрий ёр-

1941 йили Тошкентдаги пулемёт-минемётчилар ҳарбий мактабини битириб фронтга жўнади. 2-Украина frontiдаги гвардиячилар қисмининг минемётчилар батареясига бошчилик қилди. Кейинчалик «Суворовский натыск» фронт газетаси муҳбири сифатида душманга қарши курашди. У жанговар постида ҳалок бўлган. Сафар Орзуметов 1943 йил 26 октябрда Полтава областидаги Лашковск қишлоғига дафн қилинган.

Сафар Орзуметовнинг севимли ва меҳрибон турмуш ўртоғи Тожихон опа қаҳрамондан ёдгорлик бўлиб қолган фарзандларини меҳр билан тарбиялаб ўстирган. Катта ўғли Йўлдош Орзуметов врач, олим. Қизлари Клара ва Диёра тиббиёт институтини тамомлаб, халқ саломатлигини сақлаш йўлида хизмат қилмоқдалар. Кичик қизи Муҳаббат олий маълумотли муҳандис.

Буюк аллома Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида шундай сатрлар бор: «Умр бевафо, мардона ҳаёт абадийдир». Иккинчи жаҳон урушида фашист босқинчиларига қарши жангларда мардларча ҳалок бўлган қаламқаш ҳамюртларимиз хотираси қалбимизда мудом яшаяжак.

Мумтоз Муҳаммедов

Москванинг Подолск шаҳрида жойлашган СССР Мудофаа вазирлиги архивида (33-фонд, 686044-рўйхат, 36-иш) Мумтоз Муҳаммедовнинг Иккинчи жаҳон урушидаги жанговар фаолияти ҳақида маълумотнома сақланмоқда. Бу ҳужжатда Мумтоз Муҳаммедов 1908 йилда туғилгани, кичик лейтенант, 3-ўқчи батальон, 142-ўқчи полк, 5-ўқчи дивизияда взвод командири бўлгани, миллати ўзбеклиги, армияда 1942 йил 13 майдан хизмат қилаётгани қайд этилган. Армия сафига Тошкент шаҳри ҳарбий комиссариатидан чақирилгани, Куйбишев райони Тельман кўчаси 5-уйда яшагани айtilган. 1943 йил 13 – 26 февралгача бўлган даврда йирик аҳоли пункти – Городише узловой станциясидаги жанговар ҳаракатлар

вақтида М.Муҳаммедов мислсиз жасурлик ва жанговарлик намунасини кўрсатган.

Пиёдаларимиз ҳужумга ўтган участкада душманнинг учта пулемёт нуқтаси ўт очаётганди, кичик лейтенант М.Муҳаммедов ўз ҳаётини хавф остида қолдириб ажойиб топқирлик кўрсатди. У фашистларнинг кучли артиллерияси тинимсиз ўт очиб турган бир пайтда ўзининг замбарагини Ока дарёси қирғоғига яқин олиб боришга эришди ва душманнинг учала пулемёт нуқтасини аниқ мўлжалга олиб яқсон қилди. Бу билан пиёдаларимизнинг олдинга ҳаракатларини тезлаштирди.

Мумтоз Муҳаммедов СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1943 йил 8 июлдаги буйруғи-



Мумтоз Муҳаммедов

га кўра «Жасорати учун» медали билан мукофотланди.

Бу сурат тарихини кейинчалик Мумтоз Муҳаммедов ёзишга жазм қилган. Уни айнан келтирамыз:

«Қўлимда Улуғ Ватан уруши давридан хотира сифатида бир сурат сақланмоқда. Хаёл мени беихтиёр 1943 йил

августдаги Москвага етаклайди. Аксариятимизнинг эгнимизда оҳори тўкилмаган форма. Эндигина янги погонларни таққанмиз. Эски ҳарбий кийимларимизга оғир йўлларнинг чанги, порох ҳиди ўтириб қолган эди. Мен ҳам 5-Орёл дивизиясининг 142-ўқчи полкида эдим. Хужумга тайёргарлик кўриляётган пайт. Қўққисдан мени дивизия сиёсий бошқармаси бошлиғи полковник Молочков хузурига чақирди. У мени Москвага йўллади.

Шундай қилиб, янги формани кийиб, рус бўлмаган жангчилар орасида агитация ва пропаганда ишларини олиб бориш юзасидан Совет Армияси Бош Сиёсий бошқармаси томонидан чақирилган семинар-кенгашга йўл олдим. Ушбу суратда ана шу семинар-кенгаш қатнашчилари тасвирланган. Улар орасида республикамизнинг собиқ партия ва совет ходимлари, фан намояндалари, қалам аҳллари – уруш даврининг офицерлари, старшина ва сержантлари бор.

4 август кuni бизни Кремлда Михаил Иванович Калинин қабул қилди. Бутуниттифоқ оқсоқолини мен биринчи марта 1924 йилда кўрган эдим. Тошкентдаги Эски Жўва майдони одамлар билан лиқ тўла. Улар митингга тўпланишган. Ўзбекистон Шўролар Жумҳурияти ва Ўзбекистон халқи номидан Республика Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Файзулла Хўжаев Бутуниттифоқ оқсоқолини табриклар, унинг елкасига банорас тўн ташлаган эди. Ўшанда мен ўн яшар бола эдим.

Мана, энди Михаил Ивановични яна кўриб турибман. Ўша кўзойнак остидаги меҳри-



1943 йил 4 август. Кремлда бўлган кенгашдан чиқиб, Ленин номли сиёсий академиянинг ҳовлисида олинган сурат. Ўрта қаторда чапдан ўннга: 5-Ҳабиб Абдуллаев – ЎзССР ХКС раиси ўринбосари, 6-Собир Раҳимов – ўзбек генерали, 7-Фотима Йўлдошева – ЎзКомпартия Марказқўм секретари, Фотима Йўлдошеванинг ортида Мумтоз Муҳаммедов



бон кўзлар... Жангчилар унинг ҳар бир сўзини диққат билан тинглашяпти. У турли миллат жангчилари орасида сиёсий ишлар олиб боришнинг хусусиятлари ҳақида тўхталди, семинар қатнашчилари олдига муҳим вазифалар қўйди.

Биз Кремлдан қувонч ва фахр туйғулари билан жўшиб чиқдик. Ўша куни В.И.Ленин номли Сиёсий академия ҳовлисида суратга тушидик.

Бу суратда кўп миллатли Ватанимиз ўғлонлари орасида ўзбекистонлик йигитлар ҳам таллайгина. Уларнинг баъзилари жанг майдонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлишган.

Сурат ўртасида – генерал Собир Раҳимов, унинг теварагида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретари Фотима Йўлдошбоева, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети Раисининг ўринбосари Ҳабиб Абдуллаев, Ўзбекистон ҳукуматининг Москвадаги вакили Ёқуб Алиев, капитан Раҳим Қориев (ҳозир Ўзбекистон ССР Театр жамияти

раисининг ўринбосари), капитан Ориф Абзалов (Тошкент область Оржоникидзе район ижроия комитетининг собиқ раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони), майор Аҳрор Мухторов (қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, пенсионер), майор Салоҳиддинов (Партия тарихи институти ўқитувчиси, фан кандидати), камина ва бошқалар бор.

Кўп ўтмай ҳамма ўз қисмларига жўнаб кетди. Фотосуратдаги юртдошлардан кўпларининг тақдири қандай кечганини билмайман. Ушбу суратни кўриб ўзларини таниганлар жавоб берсалар, кейинги жанговар йўллари, Буюк Ғалабадан сўнги хатлари ҳақида ёзиб юборсалар, хурсанд бўлардим. Мумтоз Муҳаммедов».

Уруш йилларида ўзбек тилида чиққан фронт газеталарида Мумтоз Муҳаммедовнинг кўпдан-кўп мақола, шеър, интервью, хабарлари эълон қилинган. Улардан айримларини айнан келтирамиз.¹

¹ Мумтоз Муҳаммедовнинг шахсий архивидан.



«Суворовчи» газетасининг 1944 йил 1 январь 1 (84)-сонида Мумтоз Муҳаммедовнинг «Янги йил мадҳияси» номли мана бу шеър босилиб чиққан:

ЯНГИ ЙИЛ МАДҲИЯСИ

Жангчи ўртоқ,
Қутлуғ бўлсин
Янги йилингиз,
Немис «ови»
Ривож топсин,
Кўпрак қирингиз!

Янги йилда
Янгича иш,
Жангчи қалбида
Қасос ҳисси,
Тўлиб-ошсин
Маҳоратингиз.

Торт наърангни!
Ўртоқ жангчи,
Жаҳон тингласин,
Бер – зарбанга
Дош беролмай
Душман инграсин!

Мумтоз²

«Суворовчи» саҳифасида старший лейтенант М.Муҳаммедов, масъул муҳаррир Н.А.Бубнов, масъул муҳаррир ўринбосари Наби Юсуповнинг «Муқаддас бурч» номли очерки босилиб чиққан, унда ўзбек фарзан-

ди сержант Ҳайдаровнинг жанговар фаолияти ёритиб берилган. Ундан кичик бир парча келтирамиз. «...Қишлоқ қамал қилинди. Рота жангчиларининг олдинги қисми бугун эрта билан қишлоққа кириб келди. Бу тўлқин-

² Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Биринчи китоб. – Тошкент: Akademyashr, 2017. – Б.131.



лар халқнинг юрагидаги ҳовурни босди. Сўнган чироқ бирданига ёниб кетди. Армия жангчилари билан бирга ўзининг киндик қони тўкилган қишлоққа кириб келган қишлоқ советининг раиси партизан Михайлов тетик ва баланд қоматини кўтариб у қишлоқни кўздан кечирмоқда... энди у қайси кўзлари билан кўрсин? Катта тош йўлнинг икки томонига қурилган колхоз бинолари, мактаб, болалар уйи, клуб, амбулаторияларнинг алангаси осмонга чиқиб ёнмоқда. Халқ озод этувчи жангчиларни қутлаш учун пешвоз чиқди. «Топган бир даста гул, топмаган бир боғ пиёз», – дейдилар. Ана у уйнинг хўжаси Фросья Дмитриевна каттакон бир буханка нонни оқ дастурхон устига қўйиб отделение командири сержант Ҳайдаровнинг орқасидан ҳаллослаб чопарди.

Ўзбек фарзанди – Ҳайдаров миллионлар қаторида ватанни мудофаа қилиш учун: «Ўзбек, жангга!» – дегандаёқ ўз арғумоғи жоловини тутган, «Мен тайёр», – деб Сталинград, Москва бўсағаларида душманга қарши ҳамла қилган ўзбек йигитларининг биридир.

Мана, у бу сафар бу қишлоққа ҳам биринчи бўлиб бостириб кирди, душманнинг чекиниш йўллари кесди. Немисларни тутдек тўқди ва уларнинг мустаҳкам таянч пунктини эгаллаб, маҳкамланиб, рота командири ўрнашган команда пункти – тепаликка қараб йўл олди.

У ҳаддан ташқари шошилиб бораркан, Фросья кампир ҳам унинг орқасидан тез-тез юра бошлади.

Рота командири кампирдан кўзини узмай Ҳайдаровга:

– 17 минутдан сўнг сизнинг отделениянгиз ўнг томондан ҳужумга ўтади, – деди.

– Мен тайёр, ўртоқ старший лейтенант, – Ҳайдаров кўкрагини баланд кўтариб жавоб берди.

– Ким у? – сўради рота командири тепалик қирғоғида турган кампирни кузатиб ва унга

яқин борди. – Хўш, онажон, хизмат.

Кампир севинчидан кўзига беихтиёр ёш олди, унинг ўпкаси тўлган, тили сўзга келмасди. У зўрғатдан:

– Қишлоғимизни озод қилганларингиз учун менинг совғам бу! – деди ва қўлидаги нонни бир чимдим туз билан узатди.

Старший лейтенант қаҳқаҳа уриб кулиб, Ҳайдаровни ўз ёнига чақирди ва унинг елкасига қоқиб кампирга томон жипслашди.

– Қишлоғингизга биринчи бўлиб кирган қаҳрамонларнинг бири мана шу йигит, – деди.

Шошилиб қолган кампир Ҳайдаровдан кўзларини узмай унинг юзидан чўлп-чўлп ўпди:

– Раҳмат, ўғлим, раҳмат. Бу яхшиликларингизни халқ асло унутмайди. Сизлар келгунга қадар бизларнинг юрагимизга чироқ ёқса ёримас, дилимиз хуфтон эди, мана бу нонни енг!

Ҳайдаров кампирнинг ингичка қўллари-дан нонни олди ва пешонасига суртиб ўпди, узоқ қараб туриб:

– Онажон, ўзбеклар нонни ҳурмат қилади. Мурувватингизга қуллуқ. Ҳар қанча нон десаңгиз, халтам тўла, – деди ва таъзим билан нонни яна кампирга узатди-да: – Сизларни озод қилиш – кўп миллатли армиямизнинг бурчи... – деди.

Рота командири бошини қимирлатиб Ҳайдаровнинг сўзини маъқуллади ва бир қўли билан Ҳайдаровнинг елкасидан тутиб:

– Мана шуни айтишади-да халқлар биродарлиги бизнинг куч манбаимиздир деб, нима дейсан, ўртоқ сержант? – деди.

Сержант Ҳайдаров учун иккинчи жанговар топшириқни бажаришга оқ йўл!

Старший лейтенант М.Муҳаммедов

Масъул муҳаррир: Н.А.Бубнов
Масъул муҳаррир ўринбосари: Н.Юсупов³

³Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Биринчи китоб. – Тошкент: Akadempnashr, 2017. – Б.138 – 140.



«Суворовчи» газетаси, 1944 йил 12 февраль, 10 (93)-сон

ДУШМАННИ ҚУВИБ ЕТИБ БОРИБ УР! Яхши маневр натижалари

Старший лейтенант Рогачовский ротаси душманнинг олдинги маррасини ёриб ўтиб, чекинаётган немисларнинг изидан қувиб бормоқда эди. Қоронғи тушмоқда эди. Разведкачилар кичкина ўрмон ичида бир взвод немислар пистирма бўлиб ётгани ҳақида маълумот келтирдилар, командир бу маълумотни олгандан кейин яна разведка ташкил этиб, нарироқда яна икки немис взводи писиб ётганини аниқлади. Демак, яқин орада немисларнинг асосий кучлари бўлса керак деган хулосага келди командир. У бу ерга ўқчи ва миномётчилар группасини қолдириб, бошқа жангчилар билан душман кучларини ўраб олишга кетди.

Бир километрча йўл босилгандан кейин старший лейтенант Аҳмедов командирлиги остидаги взвод душман кучларига дуч келди ва жангга киришди. Икки қанотда ўринлашган пулемётлар душманни қаттиқ ўққа тутди. Немислар орқага қараб қоча бошладилар. Бироқ улар қочиб келиб пистирмада ётган Ҳаки-

мов взводининг ўтига дуч келдилар. Бу ерда немислар группаси батамом қириб ташланди.

Рогачевский ротасининг қолган қисми жангга кирмай олға силжиб кетди. Икки километр чамаси йўл юргандан кейин рўбарўдан қишлоқ кўринди. Бу ерда ҳам немисларнинг анча кучи сақланар эди. Лейтенант Шершенюк ўз взводи билан ўрмон оралаб бориб қишлоққа яқинлашди. Немислар буларнинг келаётганини сезиб қаттиқ ўт очдилар ва бор кучларини Шершенюк взводига қарши жангга ташладилар. Бироқ немисларнинг саросима бўлиб қолганидан фойдаланган лейтенант Ҳакимжонов взводи орқа томондан айланиб ўтди ва немисларни беҳосдан ўққа тутди. Немислар жанг майдонида кўп ўлик қолдириб яна чекинишга мажбур бўлдилар.

Душманни қувиб етиб бориб, майда группаларга бўлиб, тўсатдан зарба беришга ўрганган старший лейтенант Рогачевский ротаси кўп муваффақиятлар қозонмоқда.

Старший лейтенант М.Муҳаммедов⁴

Шу газетанинг 1944 йил 3 мартдаги 15 (98)-сонида Мумтоз Муҳаммедов жанглар районидан туриб «Ўзбек халқининг жангчиларига ёзган мактубидан» рукни остида «Ўзбек жангчиси! СССР оиласидаги ўғилларнинг сараси бўл, қардош халқлар ўртасида илғор баҳодирларнинг биттаси бўл!» деган даъват-иқтибосни келтириб, «Ўзбек халқининг ифтихори – снайпер Мамадали Мадаминов» номли мақоласини эълон қилган. Уни айнан келтирамиз:



Суратда:
Гвардия ефрейтори (чапда)
Мамадали Мадаминов

⁴Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Биринчи китоб. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – Б.146.



ЎЗБЕК, ЖАНГГА!

Кўк билан ўпишган кекса тизма тоғлар, шифобахш қайнар булоқлар, бепоён далалар, сув ўрнида шарбат оққан янги каналлар, серсув дарёлар, боринги, бутун коинот бош кўтарди. Ҳамма ерда уруш тревогаси. Далаларни кезиб юрган дайди шамоллар бу хабарни мамлакатнинг энг узоқ шаҳар ва қишлоқларига етказди. Бутун совет халқи оёққа турди: «Ўзбек, жангга!» – дейди.

Йигитлар дандон пичоқларини қайраб душманга ҳамла қилиш вақт-соатини пойлар эдилар. Улоқчилар эса бўрдоқи, семиз отларни совитиб эгар-жабдуқ тараддисига тушдилар.

Шарқдан юриш бошланди. Юз минглаб ўзбеклар муқаддас ватан мудофааси учун бел боғладилар. Кенг колхоз далалари ўзининг азамат йигитлари билан хайрлашар эди. Иш суръати яна қизиб кетди. Меҳнат билан суяги қотган ўзбек бу оғир кунни юқори ҳосил бериш билан нишонлаб, ўз азиз фарзандларини қизил армия сафига икки қўллаб тақдим қилди:

– Душманни от, ўлдир, ғалаба билан уйга қайт!

– Пешоналарингиз тошдан бўлсин!

– Сизнинг одамгарчилигингиз сиз ўлдирган немислар сони билан ўлчанади. Немисни ўлдириш – улуғ савоб!

Мамадалилар билан хайрлашган колхозчилар мана шундай деб наказ бердилар. Уруш оғир. У мамлакатнинг ва кишиларнинг ҳар

бир томонини синовдан ўтказди. Уруш қон тўкиш, ўт, олов демакдир! Булар ҳаммаси Мамадалининг кўз олдидан ўтди. Мана, энди у ҳақиқатдан жанг майдонига келиб кўрди ва жанг-манги ўчди (қўрқуви йўқолди – Р.Ш.). Ана осмонга буралиб кўтарилган қуйқа тутунлар. Ўқ, снаряд, бомба, миномёт, пулемёт овозлари, даҳшат... Ахир, бу тутунлар орасида кул бўлиб ёнаётган рус қишлоқ ва шаҳарлари-ку! Уни совет халқи барпо қилган-ку!

Буларнинг ҳаммаси Мамадалининг юраги билан ўйнашди. Душманга нисбатан қасос ҳислари тўлиб-тошди. У ўз қардош рус ўртоқларини кўриб тетик ва бардам бўлди.

– Итвачча немис! – деди. – Бугундан бошлаб уни қирмасам, отим Мамадали полвон эмас! – деб қасамёд қилди.

У душманга биринчи ҳамлани Ленинград бўсағаларидан бошлади. Шаҳарнинг деволлари остида бўлган жангларда қаттиқ туриб тирмашди. Унинг кўзига ўлим эмас, шаҳар барқ уриб кўринар эди. У бу шаҳарни совет ерининг дарвозаси деб атарди. Гўё ундан душман ўтиб кетса, менинг бепоён Ўзбекистонимнинг бойликлари, гўзал маликам, Қозоғистоннинг темир конлари, Кавказнинг нефтлари немислар оёғи остида топталади.

«Йўқ! Бунга йўл бермайман. Ҳаракатда баракат деганлар. Мен ёлғиз эмас. Урушамиз!» – деб ўз қасамини амалда намойиш қила бошлади.

БИРИНЧИ ТАШАККУР

1942 йил июль ойлари. Ҳаво иссиқ. Мамадали ўз юртида бундан ўткир иссиқларни кўрган. Шунинг учун ҳам бу ерларнинг ортиқча балчиқ ва тўқайзор бўлиши унинг учун даярли аҳамиятга эга эмасди. Энди у мустақил гвардиячи ефрейтор! У ростгўй ўзбек. Инсонлардек ўз ишига берилган ва шведлардек ҳалол, французлар сингари маҳкам иродали...

Солдат, унинг руҳи тобора ошмоқда. Кунлар ўтди...

Рота бўйича стрельбиш ўтказиш учун кенг бир майдонга келди.

Бошқа жангчилар қаторида Мамадали Мадаминов ҳам иштирок этди. Жангчилар-

нинг юраги така-пука эди. Мамадали салмоқдор, ўзининг эски оғир табиати билан взвод жангчилари қаторида турди.

Взвод командири ҳамманинг қўлига 3 тадан ўқ тақсим қилиб, Мамадалига ҳам берди ва 100 метр узоқликка бир патрон гилзасини қўйиб, шуни нишонга олишни буюрди. Мамадали ер бағирлаб ётиб олди, ўзини ўнгариб яхшилаб жойлашди. Бирин-кетин отиб учала ўқни жойига туширди. Взвод командири таажжубланди, шекилли:

– Қандай қилиб отдинг? – деб сўрай бошлади.

Мамадали кулди.



– Аввалари ҳам отганман, – деди.
– Армияга келибми?
– Йўқ, граждандликда, қўшоғиз ов милтиғим бўлгич эди. Унча-мунча ов қилиб машқ қилиб юрар эдим.

Уларнинг сўзи батальон командири гвардиячи капитан Дементьевнинг келиши билан бўлинди. Командир капитанга отиш натижаси ҳақида рапорт берди. Батальон командири Мамадалига томон борди, 3 та ўқ бериб, узоқдаги бир дўнгни кўрсатди ва отишга буюрди.

Нафасини ростлаб олган йигит бир кўзини қисиб, иккинчи кўзини юмди ва осойишталик билан ўқ бўшатди, нишонни қулатди. Бу аҳвол батальон командирини таажжубга солган бўлса керак. Фавқулодда талант деб хаёл қилиб индамай кетди.

Эртаси кун. Худди шу ернинг ўзида отиш давом этар эди. Бу сафар рота командири-

нинг ўзи стрелъбишга қатнашди ва у Мамадали билан узоқ суҳбат ўтказди. Командир йигитнинг ихчам, чаққон ҳаракатлари билан жуда яқиндан қизиқди. Айниқса, Мамадалининг қўлидаги милтиқни кўриб: «Милтиғинг ҳаммомдан чиққан қизга ўхшайди», – деб 100 метр узоқликдаги бир терак учини кўрсатди ва шунга учта ўқни тегизишни буюрди.

Ўзининг салобати билан юзи қизара бошлаган Мамадали нишонни пойлаб ён атрофда турган командирларни кузатар эди.

– Отсам мумкинми? – деб сўради рота командиридан Мамадали.

– Ўт очинг! – команда берилди кўққисдан.

Нишон қулади. Терак хивичлари чирс-чирс узилиб тушди.

– Раҳмат! – деди рота командири ва Мамадалини ўрнидан туришга буюрди. Ўзи билан бирга кетди.

НЕМИС «ОВИ»

Кунлар ўтди. У олдинги маррада немис «ови» билан банд эди. Уни истаб қаердандир майор ўртоқ Ҳамроев қидириб келди ва у билан кўришиб танишмоқчи бўлди. Майорни алоқачилар Мадаминов олдига бошлаб бордилар.

Йигитнинг тонг отишдан буён жуда машқи паст эди. У немис «ови»нинг бир оз ривож олмаганидан хафа эди. Майор яқин боргач, йигит ўрнидан турди. Салом берди. Майор кисасидан портсигарини чиқариб, Мамадалига папирос тутди.

– «Ов» қалай, йигит? – сўради майор.

– Яхши, ўртоқ майор. Бироқ бугун унча эмас, мўлжалга келмай турибди, – деди.

Орадан 3-4 соат вақт ўтди. Мамадали майор билан суҳбат ораси немисни кузатишдан кўзини узмасди. Мамадалининг юраги сиқилди. У бу ҳолатни мен билан кўришганда шундай деб ҳикоя қилар эди:

«Афтидан, ўртоқ майор жуда зерикди. Аксига, уруғинг қурғурларнинг битгаси ҳам кўринмаса бўладими. Майор кетиш-кетмаслигини ҳам билмасди. У ниҳоятда менинг немис «овим»ни кўришга ишқибоз эди.

Мен эса ундан баттар ўз санъатимни кўрсатишга интилар эдим, шунинг учун ҳам: «Ўртоқ майор, бир оз туринг, ҳали-замон овқат маҳали бўлиб, немисларнинг ини бузилади. Ана шунда қойил қилиб бераман, томоша қиласиз», – дедим ва биноклни қўлига бериб кузатиб туришни илтимос қилдим. Ҳайтовур, сўзимдан ёлғончи бўлмадим. Орадан 20 минут ўтар-ўтмас бир немис кўриниб қолди. Шартта отиб ташладим, йиқилди. Майор ўзбекчасига елкамга қоқди, «Раҳмат, яшанг, ука!» – деди ва кетмоқчи эди, «Бир нафас тўхтаг, ҳозир мана шу ўликни олишга келган немисни ҳам отиб ўлдираман», – дедим. Ҳақиқатан ҳам, узун бўйлик бир немис у ёқ-бу ёққа аланглаб, гўё ўзини ҳушёр сезиб мурда устига келди, отдим. Унинг орқасидан учинчи... тўртинчиси... қўйингки, ўртоқ майорни хурсанд қилдим. У мендан: «Ҳаммаси бўлиб нечта немис отдингиз?» – деб сўради. Мен: «Қизил армия 26 йиллиги кунига қадар 195 тасини қотириб ташладим», – дедим, майор мамнун бўлиб нималарнидир ёзиб қайтди.



461-МИЛТИҚ

Бугун Н.чи қўшилма командири снайперни қабул қилди. Ҳамма ўзининг уруш тажрибалари ҳақида ҳикоя қилди. Мамадали ўртоқ майор Ҳамроевни шу ерда учратди. У кулиб қўйди. Дўстларча сўрашди.

Мадаминов ўзини жуда қувноқ сезди. Унинг руҳи енгил, кўп кишилар билан танишди. Қозоқ халқининг содиқ фарзанди, снайпер Тилавғали Абдибеков, Нусунбоев билан кўришди, сўзлашди. Қўмондонлик Мамадалига махсус 461-номерли снайпер милтиғини топширди. У: «Қонхўр немисларни жонининг борича қираман», – деб ваъда берди.

Яқиндаги жанглarning бирида Мамадали рота командирининг немисларнинг пулемёт нуқтасини пачақлаб ташлаш ҳақидаги буйруғини олди. Йигит олға қараб сурилди ва пулемёт расчётини отиб ишдан чиқарди. Шу пайтда иккинчи бир томондан 15 га яқин немис солдатлари бизнинг ҳужумга бораётган бир бўлинмамизга халақит берар эди. Мадаминов автоматчи Абдукаримовнинг автоматини қўлга олди ва қатор ўқ узиб немисларни

қириб ташлади. Қолганларини қочишга мажбур қилди. Орадан кўп ўтмай немислар яна қарши атакага ўтдилар. Немис ДЗОТларининг бирига кириб маҳкамланиб олган Мадаминов гвардиячи старшина Адиков билан немисларга қирон келтирди. Атака қайтарилди.

Тонг отди. Аҳоли пункти ишғол этилди. Мадаминов ана шу жангдан бошлаб фақат снайпер милтиғи эмас, пулемёт, автомат ва миномётлардан отишни ўрганиб олди. Ҳозир у бу маслаҳатни ҳамма жангчиларга беради. У олий бош қўмондоннинг 16-сон буйруғини бажариш юзасидан ўз устида тинмай ишламоқда. У ҳарбий малакани ошириш учун зўр бериб тиришмоқда. Мадаминовнинг жанговар дўстлари – 29 немисни ўлдирган Усмоналиев, Ғойибов, Нуржонов, Қўнғирбоев жангда кундан-кун маҳорат кўрсатмоқдалар.

Ҳозир Мадаминовнинг кўкрагида «Қизил Юлдуз», III даражали «Шухрат» орденлари ялтирайди. Ўзбек халқининг ифтихори – снайпер Мамадали Мадаминовга шон-шарафлар!

Мумтоз. Жанглар райони⁵

«Суворовчи» газетаси, 1944 йил 19 июль, 45 (128)-сон

БИР-БИРИДАН БОТИР

Биз илонизи дала йўли билан ўрмонга яқинлашиш биланоқ бир тўда ўзбек жангчиларига рўбарў келдик, «Қани, бу ёққа – биз чойхона ташкил этганмиз, кириб кетинглар», – деб қистаб қолишди. Бу сўзни эшитиб ҳайратда қолдим: кўз ўнгимда Тошкент – шарқираган анҳор бўйидаги «толзор», Комсомол кўлидаги машҳур самоварчи Дадар тўриқ, пазанда Сойиб карвоннинг девзира паловлари... қўйинг-чи, урушга қадар бўлган ширин ҳаёт, озод меҳнат гавдалана бошлади.

– Ажабо, қаршингизда одамхўр, каззоб немислар турибди, чойхонангиз нимаси? – дедим.

– Чумчуқдан қўрққан тарик экмас, – деди шахло-қора кўзли йигит, – ўзбекнинг анъаналарини унутиб бўладими?

– Тўғри, – деди унинг сўзини тасдиқлаб бир сержант, – бизнинг немисдан қўрқадиган жойимиз йўқ!

Бу сержант тошкентлик экан. У 1939 йилдан бери Ўзбекистонни кўрмаган. Шундан бери армия сафида хизмат қилиб, ҳарбий санъатни пухта эгаллаб, тартиб-интизомда суяги қотган. Рус тилида бемалол гаплашадиган бўлиб қолибди. Бўлинмада энг яхши агитатор ҳисобланган бу йигит бўлинма жангчилари ўрта-сида жуда катта обрў қозонган. Ўзбек жангчилари уни «Ота» дейдилар. Ўрмон ичи билан бориб чойхонага кирдик. Арча шохларидан ясалган дарвозадан ичкарига қадам қўйишингиз биланоқ қизил алвонга ёзилган шиорга кўзингиз тушади: «Ғарбга томон олға!» Бир бурчакда қироатхона: стол устида қизил армияга оид қўлланма-уставлар, газета, китоблар. Ўртада кенг каравот, унинг устига қишдаги жанглр вақтида немислардан ўлжа қилиб олинган пат гилам ёйилган. Ҳар ким ҳар хил иш билан банд. Қироатхона ёнидаги ёзув столида

⁵ Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Биринчи китоб. – Тошкент: Akadempnashr, 2017. – Б.157 – 162.



энгашиб кимдир хат ёзиб ўтирибди. Хуллас, бу чойхона ўзининг ички кўриниши билан биринчи қарашдаёқ жонажон Ўзбекистонни хотирлатар эди. Биз фақат бунда «тайёр» деб бир сақраб тепангизда чойнак-пиёла тутиб турадиган Дадар тўриқни эмас, кўкрагида гвардиячи белгиси бўлган қизил аскар Марайим қўндоқни учратдик. У бу лақабни қишда ортирибди. Марайим қўндоқ немис траншеясида икки гитлерчини қўндоқ билан уриб ўлдирибдию «Ота» унга шу лақабни тақиб қўйибди. Марайим қўндоқ биз томонга қараб кулди ва ўз-ўзича сўзланиб самоварнинг жўмрагини бурай бошлади:

– Меҳмонларга қаранг, қўлбола, аччиқроқ, гапга тушунадиган бўлсин, ҳа!

Биз кулишдик. Марайим қўндоқ чойни келтириб бизнинг олдимизга қўйди.

– Пиёласига биз қарздормиз, Ўзбекистонга борганда кўк пиёлада кўк чой қуйиб бераман, – деди ва кружкага чойни қуйиб шопирди. Сержант Абдували Тўлаганов ёзув столи томонни кўрсатиб оҳистагина сўради:

– Йигитча ҳали ҳам шу ердами?

Марайим қўндоқ икки кафтини гиламга тираб сержантга яқинлашди:

– Ватандошимизнинг дарди зўр, ўртоқ гвардиячи сержант, чойхонага келганига салкам уч соат бўлди, шундан бери иягини столга тираб ёзгани-ёзган. Билмадим, битта-яримтага ишқи тушиб қолганми, ҳайтовур, бўш вақт топса югуриб чойхонага келадию столдан бошини кўтармайди.

– Ўзи яхши урушадими? – деб сўзга аралашиб қўйдим.

– Урушганда қандоқ, – деди сержант, – боласи тушмагурда тўртта одамнинг юраги бор.

Кечаги жанглarning ўзида немисларнинг ўлигидан тепалик ясаб юборди. Жуда яхши пулемётчи!

Марайим қўндоқ гўё бир махфий сирни менга изҳор этмакчи бўлган каби ҳалиги йигит томонга бир қараб, сўнгра эшитилар-эшитилмас қилиб пичирлади:

– Кўкрак тўла орден, ҳа!

Гвардиячи сержант Абдували Тўлаганов зийрак йигит экан. У ҳалиги йигитни кўришга қизиққанлигимни сизди ва Қодиржон деб қичқирди. Йигит бошини кўтарди. Ўрнидан турди. Унинг кўкрагидаги медаллар силкиниб жарангларди. Орденлари ялтираб кетди ва мийиғида кулиб биз томонга кела бошлади.

– Гвардиячи ефтейтор Қодир Маликов! – деб ҳест билан салом берди йигит.

Мен унинг қўлини қаттиқ сиқиб кўришдим. Марайим қўндоқ кружкани чертиб Маликовга узатди:

– Мана, чой ичинг, ўртоқ ефрейтор, қизларга хат ёзиб чанқаб чарчагандирсиз.

– Мана, сиз ичинг, Маъмуржон, – деди чойхонага кириб келаётган йигитга кружкани узатиб, – Қодиржон, немисларни пойлай бериб халқумингиз қуриб қолгандир.

– Салом, йигитлар! Ўрталарингиз тўлсин! – деди Маъмуржон кружкани Қодиржондан ола туриб: – Бугунги ов чакки бўлгани йўқ, иккинчисини қулатдим.

Бу йигит Маъмур мерган Зарипов экан. У 76 немисни қирган. Атрофимга назар ташласам, мен қаҳрамонлар орасига кириб қолган эканман. Булар бир-биридан ботир. Марайим қўндоқнинг ўзи ҳақида катта бир китоб ёзса арзийди.

Старший лейтенант М.Муҳаммедов⁶

«Суворовчи» газетаси, 1944 йил 12 август, 50 (133)-сон

ФЕЛЬДШЕР ЭРНАЗАРОВНИНГ ФИДОКОРЛИГИ

Бир темир йўл станциячи учун жанг борар эди. Медицина хизмати младший лейтенанти Эрназаров душманнинг қаттиқ ўт очганини кўриб, ўзи жанг майдонига кирди ва ярадорларни олиб чиқишда санитарларга ёрдам берди. Ёш ўзбек фельдшери Эрназаровга бу

жангда жуда кўп хизмат кўрсатишга тўғри келди. У немисларнинг ўқ ёмғири остида ярадор бўлган ўқчи ротанинг командири старший лейтенант Невскийга биринчи ёрдам кўрсатиб, дарҳол уни бошқа жойга олиб чиқди. Эрназаров бу жангда бир неча ярадорларни

⁶ Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Биринчи китоб. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – Б.220.



жанг майдонидан олиб чиқиб, тезлик билан санбатга жўнатишга муваффақ бўлди. Моҳир тиббий ходим Эрназаров ҳужум жангларида жасурлик намуналарини кўрсатди. У фидоко-

рона хизматлари билан бир қанча жангчи ва командирларнинг ҳаётини сақлаб қолишда катта жонбозлик қилди.

Старший лейтенант М.Муҳаммедов

«Суворовчи» газетаси, 1944 йил 12 август, 50 (133)-сон

Ҳужум жангларининг қаҳрамонлари УЛАР ЎН БИР КИШИ ЭДИЛАР

1. Жанговар буйруқ

Ҳужум давом этар эди...

Полк командири муккадан тушиб харитани кўздан кечирар ва нималарнидир ишора қилиб қўяр эди. У бир нуқтага келганда қаламни қора чизиқлар устига тортиб, қоматини кўтариб ростланиб олди ва кўзларини мудроқ босиб ўтирган батальон командири капитан Лишенкога ташлади.

– Кўринг, мана шу тепаликни эгаллашингиз керак. Мана шу ерда маҳкам мустаҳкамланиб олингиз ва немисларнинг бир-биридан чекиниш йўли бўлган чорраҳани ўққа тутиб уни қирқиб қўйингиз. Вазифа англашилдими? – сўради полк командири.

– Англашилди, ўртоқ подполковник, рухсат этинг бажаришга!

– Бажаринг!

Батальон командири оёқ қоқиб чиқиб кетди. У юрган йўлида жанговар топшириқни қайси йўл билан бажариш ва уни кимларга топшириш кераклигини ўйлаб борди. Унинг кўз олдидан батальоннинг азамат йигитлари, ҳужум жангларининг қаҳрамонлари пириллаб ўта бошлади. Старший лейтенант Новайдарский ротасининг отделение командирларидан Ҳаким Аҳматгалинни чақирди ва масалани тушунтиргач: «Жанговар ишларингизга муваффақият тилайман», – деб старший сержант Ҳаким Аҳматгалин ўз отделениясини саф бўлишга буюрди ва қаторда турган жангчиларга қараб олгач ўзида тўла қаноат ва ишонч ҳосил қилди ва: «Рухсат беринг, ишни бошлайлик, ўртоқ капитан», – деди. Батальон командири ўз солдатларини кўздан кечириб: «Шуни эсдан чиқармангизки, бу тепалик ва чорраҳалар немислар учун гўристонга айлантирилиши керак!» – деб уқтириб қолди.

2. Қасоскорлар, олға!

Тонг ёришиши биланоқ старший сержант Аҳматгалин ўзининг ўнта жангчиси билан чорраҳалардан ўтиб, полк командири ишора қилган тепаликка чиқиб ўрнашиб олди. Ҳаво иссиқ жанубдан кўтарилган шамол кўчани бунриқситиб келаётган немислардан дарак берар эди. Бирпасда ҳаммаёқни чанг ва тупроқ тўзони босди, аммо немислар ҳали йироқда эди. Жангчилар бу вақтдан фойдаланиб ўзларига окоп, ячейкалар қазий бошладилар. Аҳматгалин биринчи бўлиб ўз пулемётини ўт очишга тайёрлаган Тешабой Қорабоев, Чўтак Ўразовни кўриб мамнун бўлди. Одатда, ҳар қандай оғир ишнинг энгил кўчишидан хурсанд бўлар ва айтган нарсаси рўёбга чиқа қолса, терисига сиғмай, вақти чоғ бўлар эди.

– Яша, ўзбекистонлик йигитлар! – деб уларнинг елкасига қоқди ва атрофни кузатиб, бошқа жангчиларнинг ишларини ҳам кўздан кечира бошлади.

Ана, қорақалпоқ йигит, оддий қизил аскар Ўрин Абдуллаев, украиналик Петр Сироежкин, қирғиз Тўқимбой Тойғаев, татар Шакуров, рус Василий Антонович Андронов, Чернов, молдован Ошмаров ва Шкураков ўз позицияларини тайёрлаб, фақат ўт очишга команда кутадилар, тепаликда жимжитлик ҳукм суриб кетди. Бу сукунатни ҳужум қилаётган қисмларимизнинг милтиқ ва автомат, пулемётдан ёғилиб турган ўқлари ва миномётлардан отилаётган миналарнинг портлаш овозларигина бузар эди. Гитлерчиларнинг қорасини кўрган Аҳматгалин: «Тайёрланингиз!» – деди ва орадан бир зум ўтмай: «Ватан душманларига қарши ўт очингиз!» – деб овозининг борича кичқирди.

3. Ўн бир киши уч юзга қарши

Чорраҳа сув сепгандек жимжит бўлди. Йўл устида душман ўликларидан тепаликлар пай-



до бўлди. Гитлерчилар тумтарақай бўлиб қо-чишга тутиндилар. Улар беҳосдан берилган зарбанинг замирини англамай гаранг эдилар. Тепаликдан ҳеч қандай садо чиқмади.

Аҳматгалин ўз ишининг оқибатини кўздан кечириб атрофни кузата бошлади. У: «Душман учун йўл керак, албатта, йўлсиз қаёққа боради?» – деб ўйлади. Бас, шундай бўлгач, душман осонликча жон бермайди, яна атакага ўтади. У ётган қўйи пулемётчи Тешабой Қорабоев ва Ошмаровга далда берди:

– Барибир, немислар бу йўлдан ўта олмайдилар. Бу йўл улар учун мазор бўлади. Йироқлардан тепалик устига тушиб ёрилаётган душман миналари ўн бир жангчини ҳушёр бўлишга чақирар эди. Улар ҳар томонга ёйилиб, тепаликни чор атрофлама мудофаа қилиб турдилар. Душман миномётлари ўз шиддатини кучайтирди. 12 га яқин немис пулемёти ўқ ёмғирини ёғдирар эди. Ана, ўнг ва чап томонлардан тепаликка қараб гитлерчилар тўдаси судралиб келмоқда. Кўкат орасига ниқобланиб олган Аҳматгалин бошини кўтариб немисларни кузатди ва: «Тухуминг қурғурларнинг сони уч юздан ошади-ку», – деб аста пичирлаб қўйди. У совуққонлик билан, шошилмай, ўзини тўхтатиб олиб аввалгидек: «Ўт очингиз!» – деб қичқирди.

Биринчи бўлиб наманганлик йигит, пулемётчи Тешабой Қорабоев ўт очди. Унинг орқасидан Ошмаров чорраҳани мўлжаллаб туриб ўққа тутди. Ўн бирлар уруш қонунларини яхши билар эдилар. Улар кўпдан бери бир қисмда хизмат қилиб чиниққан, тажрибали жангчилар эдилар, шунингдек, улар немисларнинг сон билан уришишга уста эканликларини яхши билдилар. Гитлерчилар тепаликдан уларни қувиб тушириш ва чорраҳани бўшатиб олиш учун жуда кўп янги-янги кучларни жангга солдилар. Ўн бир киши уч юз кишига қарши! Баҳодирларнинг бу ҳисобини гитлерчилар ҳалига қадар ҳам билмайдилар.

4. Ғалаба ҳақида васият

Душман қисман тепаликка ёндашишга муваффақ бўла олди. Шу пайтда старший сержант Андронов:

– Дўстлар! Командиримиз тепаликни немислар учун гўристонга айлантингиз деб айтган. Биз бу тепаликдан немисларга қабр

ясаймиз! – деб овоз берди.

Жанг қизиб кетди. Ўразовнинг пулемёти ҳаддан ташқари тез сайрар эди. Дўстлар ҳар томондан ўқ узар эдилар. Душманнинг дайди ўқи Ўразовни сафдан чиқарди. Баҳодир йигит, оёғидан ярадор бўлишига қарамай, отишда давом этди. Шундай қилиб, душманнинг биринчи атаки қайтарилди. Тепаликда жимжитлик бошланди. Аҳматгалин автоматчи Андроновнинг олдига бориб, тепаликка яқин бир жойдаги уйни кўрсатиб, уни текшириш кераклиги ҳақида буйруқ берди ва ўзи биринчи бўлиб йўл бошлади. Улар ер бағирлаб уч юз метрча ерга судралиб боришди. Уй олдига келиб тўхташди ва бир немис мўрининг орқасидан қараб турганини кўриб қолишди. Немис турган жойидан граната ирғитди. Аҳматгалин ёнга қараб бурилар эди, иккинчи бир немис пулемётчисига кўзи тушди, дарҳол Андронов «қайт!» деб ишора қилди. Бироқ ўзи пана бўлишга улгуролмади ва тепаликни бир киши қолгунча мудофаа қилишни васият қилиб жон берди. У сўнгги нафасига қадар ўз қасмига содиқ бўлиб қолди. Ана шу вақтдан бошлаб тепалик устида қолган жангчиларнинг иши соат билан эмас, соғ қолган жангчиларнинг сони билан ўлчанадиган бўлди.

5. Ватандошлар

Андронов севиқли командир Аҳматгалинни опичиб бир чеккага олиб чиқди. Командирликни сержант Петр Сироевкин ўз устига олди. Душман яна қарша атака бошлади. Бу сафар оғирликнинг энг зўри пулемётчи Тешабой Қорабоев ва ярадор Ўразовнинг устига тушди. Немислар Қорабоев ишғол қилган ўт очиш маррасига яқин бориб граната ирғитди. Моҳир пулемётчилар душманни яқин келтириб туриб ўт очдилар. Бу ерда Қорабоев оқ яктакка ниқобланган бир немисни, Ўразов бир неча граната ирғитувчи гитлерчиларни отиб ўлдирди. Ўз ишларидан натижа чиқара олмаган немислар тепаликни миномётлардан яна минага тута бошладилар. Қорабоевга осколка тегиб унинг чап кўзини чиқарди. У чап қўли билан кўзини ўрнига босиб, ўнг қўли билан пулемётни отишда давом этди. Яна ўнларча гитлерчиларни қириб ўз пулемётини маҳкам ушлаган ҳолда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Баданлари илма-тешиқ бўлиб кетган Ўразов



судралиб-судралиб қуролдош ўртоғининг ёнига келди ва:

– Ватандошим Тешажон, чарчадингми, майли, бир оз ором ол, сенинг учун мен отаман, мен! – деди-да, пулемётдан немислар устига шиддатли ўқ ёғдира бошлади.

6. Тепалик – мустаҳкам қўрғон

Энди тепалик устида тўққиз жангчи қолган. Гитлерчилар эса қўрқоқ қуёнлар тўдаси каби гоҳ кўриниб ҳамла қилар, тепалик олдидаги саржин каби тахланган фрицлар мурдасини кўриб ботиниб кела олмас эдилар. Ҳали сафда қолганлар орасида комсорг Тўқумбой Тойғараев, старший сержант Чернов, сержант Сироежкин ва қизил аскар Шкураков, Ўрин Абдуллаев, Ошмаров ва Шакуров бор. Учинчи атакадан иш чиқаролмаган немислар дарахтзорлар орасида туриб тўртинчи атакага тайёрланаётган эдилар. Тўққиз қаҳрамон эса гитлерчиларни ўқ ёғдириб қарши олиш учун шай бўлиб турардилар. Тўртинчи атака ҳаддан ташқари шиддатли бўлди. Немислар тепаликни тўрт томондан ўққа тутиб, ҳатто артиллериядан ота бошладилар. Уй томондан тепаликка қараб келаётган немис пулемётчисига Ошмаровнинг кўзи тушиб қолди. У пайт пойлаб ўз автоматидан бир қатор отиб немис пулемётчисини қулатди.

– Яша, қойил қилдинг! – деди Сироежкин ва судралиб келаётган иккинчи немис пулемётчисини кўрсатди. Ошмаров уни ҳам отиб ўлдирди. Шу онда Ошмаров қаттиқ ярадор бўлди. Унинг ўрнини Тойғараев эгаллади, у 30 минутга қадар пулемёт ва автоматлардан отиб турди. Шакуров, Абдуллаев ва Черновга осколка тегиб ярадор бўлган бўлсалар ҳам, бир томчи қон қолгунча кураш ҳақидаги қасамларига содиқ бўлдилар. Тепалик бузилмас қўрғон сингари бизнинг қўлимизда эди.

7. Ҳужум давом этмоқда

Кечқурун тепалик устида икки киши – старший сержант Андронов ва сержант Сироежкин қолиб жанг қилар эдилар. Мустаҳкам қўрғонга айлантилган тепалик душман учун қабристонга айланди. Тепаликни қўлга киритиш учун юзлаб немислар ҳар томондан ҳаракат қилиб кўрдилар. Минглаб отилган

мина ва снарядлар, қаҳрамон жангчилар учун писанд бўлмади. Душманнинг чорраҳа орқали чекиниш плани пучга чиқди. Уларнинг асосий кучлари қирилди. Энди улар тепаликни ишғол қилиш учун майда-майда группаларни ишга солмоқдалар. Ўн бир киши ғолиб келиб сақлаб қолган тепаликни энди икки киши ҳимоя қилмоқда. Андронов ва Сироежкин бир-бирларидан 10 – 15 метр узоқликдаги позиция эгаллаб турардилар. Душманнинг дайди ўқи Сироежкинни ярадор қилди. Андронов унинг ёнига келди. Аммо Сироежкиннинг ботир юраги уришдан тўхтамаган эди. У ўрнидан ирғиб турди. Бироқ отишга мадори етмади. Иккинчи бир ўқ тегиб астагина Андроновнинг тиззасига бошини қўйди. У кўзи юмуқ экан, қуролдош ўртоғи Андроновнинг автоматидан отиб турганини қулоғи билан эшитиб завқланиб ётар эди. Атроф тинчигандек бўлди. Андронов автоматни ерга қўйиб, пешонасининг терини сиртди. Сироежкин юзига томган тердан чўчиб:

– Андронов, тирикмисан, дўстим? – деди.

– Тирикман, Петя, тирикман ҳали...

Орадан бир неча мунутлар ўтди. Моҳир командир Сироежкиннинг овози бутунлай эшитилмай қолди. Андронов унинг ўнг қўлини ўзининг елкасидан маржон қилиб ўтказиб:

– Қадрдоним, нима қилди? – деди.

Сироежкин овоз бермай, Андроновни ўпмоқчи бўлгандек лабини чўччайтириб қўйди. Гўё бундан «чўлп» этгандек бир садо чиқди. Энди тепаликнинг жасур посбони бўлиб бир киши – старший сержант Андронов қолди. У қуролдош ўртоқларининг автомат дискаларини йиғиштириб, ўз олдига қатор қилиб отишда давом этди. У оёқларини бемалол чўзиб ўнгланиб ётиб олди. У ўлим ваҳминини кўз олдига келтирмас, балки ўлим унинг олдига келганда айланиб ўтиб кетгандек бўлар эди.

Рус солдати, рус ерининг қўриқчиси, тепаликнинг хўжайини, жанг ғалабаларининг қаҳрамони, ўн бир ботирнинг шон-шарафини сақловчи Василий Антонович Андронов атрофни кузатиб ҳужумни давом эттириб турар эди.



Немислар тепаликни ишғол қила олмадилар. Н-нчи қисм жангчиларининг рўбарўдан ҳужум қилиб келишлари вақтида уларнинг чекиниш йўли қирқилиб турар эди. Душман икки юзга яқин солдат ва офицерларининг ўлигини қолдириб ўрмонга қараб қочишга

мажбур бўлди. Бу ўн бир йигитнинг қаҳрамонона ҳаракати ватан урушининг тарихига ўчмас саҳифа бўлиб киради.

**Майор И.Канцеров, старший лейтенант
М.Муҳаммедов⁷**

«Суворовчи» газетаси, 1944 йил 19 сентябрь, 59 (142)-сон

ЗОКИР ҚОДИРОВ ПИСТИРМАДА

Гвардиячи капитан Большов бўлинмасининг жангчилари чаққонлик билан олға босиб немисларни қулай маррадан суриб чиқардилар. Бу жангда гвардиячи қизил аскар Зокир Қодиров маҳорат кўрсатди. У немисларнинг ўрмон ичидаги йўллар билан чекинаётганини кўриб, ён томондан айланиб бориб душ-

маннинг чекинаётган йўлига пистирма бўлиб ётди. Гвардиячи ботир немисларни яқин келтириб автоматдан қаттиқ ўт очди. Қўққисдан берилган зарбадан саросима бўлган немислар йўл устида 18 ўликларини қолдириб ҳар томонга қочдилар.

Капитан М.Муҳаммедов⁸

«Суворовчи» газетаси, 1944 йил 24 сентябрь, 60 (143)-сон

КОММУНИСТ КАРИМОВНИНГ ЖАСОРАТИ

Младший сержант Асад Каримов қўл пулемётчи бўлиб ишлайди. Атакага кўтарилишга сигнал берилган вақтда: «Ватан учун олға, урра!» – деб қичқириб ўрнидан турди ва ҳамма жангчиларни ўз орқасидан эргаштирди. У югуриб кета туриб ўқ узиб душманнинг ўт очиш нуқтасини маҳв этди ва жангчиларимизга йўл очиб берди. Унинг қўл пулемёти тўхтовсиз ва пухта ишлайди. Унинг ўқидан душманнинг кўп солдатлари ажал топдилар. Душман қўлдан берган позицияни қайтариб олиш учун бир неча бор контратакага келганда пухта ниқобланган Каримов душман усти-

га ажал уруғини ёғдирди. Коммунист жасур жангчи Каримов ўз жанговар ҳаракатлари билан бошқаларга намуна бўлиб келмоқда. У чекинаётган немислар ўтмоқчи бўлган кўприк устида пистирма бўлиб ётди. Немислар яқинлашганда тўсатдан ўқ узиб уларни қириб ташлади. Бу ишда унга миномётчи дўсти старший сержант Кузнецов кўмаклашди. Коммунист Каримов агитаторлик ҳам қилади. У ўткир сўзлар билан жангчиларни ғалабага руҳлантиради.

Капитан М.Муҳаммедов⁹

НЕМИС ОФИЦЕРИНИНГ ПИЧОҚЛАНИШИ

Душманнинг мудофаа чизиғи олдида шиддатли жанг бўлди. Бирдамлик билан атакага кўтарилган жангчиларимиз пулемётларнинг ҳимояси остида душман окопларига яқинлашдилар. Улар аввал гранаталар ирғитиб, сўнгра гитлерчиларнинг устига ёпирилдилар. Отделение командири сержант Ортиқ Йўлдошев,

айниқса, эпчиллик билан ҳаракат қилди. У автоматдан шиддатли ўқ узиб, қийқириб немисларни шошириб қўйди, бир қанча душман солдатларини отиб оғдарди ва окопга сакраб тушди. У ён томондан ўзига пичоқ ўқталиб сакраган немис офицерини кўриб қолди. Куч ва эпчилликни синаш бошланди. Йўлдошев қай-

⁷ Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Биринчи китоб. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – Б.234 – 240.

⁸ Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Биринчи китоб. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – Б.250.

⁹ Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Биринчи китоб. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – Б.257 – 258.



рилиб қаради, ўйлаб турмасдан автоматнинг қўндоғи билан унинг қўлига уриб пичоқни туширди. Немис жон аччиғида Йўлдошевнинг кекиртагига чанг солди – бўғиб ўлдирмоқчи бўлди. Бироқ арслондек ўзбек йигити билан олишаётган немис маллавои чучварани хом санаган эди. Йўлдошев гитлерчининг юзига қақшатқич калла урди. Гитлерчининг оғзи-бурни қонга буланди, шилқиллаб ёнга ағдарилди. Ортиқбой сакраб ўрнидан туриб,

ҳалиги пичоқни олиб немиснинг устига келди ва унинг кўкрагига оёғини қўйиб сўйиб ташлади – офицернинг калласини танасидан жудо қилди.

– Пичоқлаш мана бундоқ бўлади, – деди каллага қараб Йўлдошев ва уни копток қилиб бир тепдию пичоқни қўнжиги солиб жангчиларга етиб олиш учун автоматнинг дискасини янгилаб олға қараб чопиб кетди.

Капитан М.Муҳаммедов¹⁰

«Ватан шарафи учун» газетаси, 1945 йил 11 сентябрь, 56 (341)-сон

ФРОНТЧИ ЁЗУЧИ БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Ўзбекистон Совет ёзучилари союзида пойтахт ёзучиларининг Қизил Армия қаторидан қайтиб келган ёзучи капитан Мумтоз Муҳаммедов билан учрашувлари бўлиб ўтди. Орденли капитан Муҳаммедов бу учрашувда Улуғ Ватан уруши фронтларининг хотираларидан сўзлаб берди. Унинг, айниқса, Ватан уруши майдонларида қаҳрамонларча кураш-

ган ўзбек баҳодирларидан – шахрихонлик майор Дониёр Абдурахмонов, андижонлик старший сержант моҳир разведкачи Аҳмедов, душманнинг 15 тўпини яксон этган довюрак тўпчи Маъди Султонов ҳақидаги ҳикояларини ёзучилар зўр қизиқиш билан тингладилар. Учрашувда Шайхзода, Ж.Шарипов, Сайдаҳмад ва бошқа ўртоқлар сўзладилар.¹¹

УНИ УСТОЗ ДЕРДИЛАР



**Рустам
Абдурахмонов**

Рустам Абдурахмонов 1905 йили Бухоро вилояти, Гиждувонда камбағал деҳқон оиласида туғилган. 8 ёшидан новвойга шогирд тушиб, бу касбда 9 йил меҳнат қилган. У Бухородаги 2 йиллик педагогика курсини битириб ўзи туғилиб ўсган қишлоғида муаллимлик қилган. 1913 йил отаси вафот этгач, ама-

кисиникида ишлаб, ҳеч қанақа ҳақ олмай хунар ўрганган. Новвойлик касбини эгаллаган. Бироқ ўқишга чанқоқ бўлган Рустам Бухорода ўрнашиб қолган Михаил Никитин ва унинг аёли Варвара Михайловналарнинг яқиндан беғараз ёрдамида русчани ўрганади. Таржимонлик сирларини ўрганади. 1928 йилда Ўрта

Осиё коммунистик университетига ўқишга кирган, уни битиргач матбуотда хизмат қила бошлаган. Бу ўта оғир, лекин шарафли касбга меҳр қўйган, бу соҳани пухта эгаллаган, унинг журналистик, публицистик фаолияти барқ уриб ривож топган, ўзи ҳам камол топган.

«Озод Бухоро» газетасида Р.Абдурахмоновнинг «Мандатли хулиганлар», «Шаллақининг амакиваччаси», «Корхонадан чиққан қораялоқ», «Бир тилла халта эртаги», «Катта йўлнинг пойлоқчиси ёки қалбаки прокурор», «Ваҳшийлар», «Ғойиб ёки тасодиф», «Қирғизистоннинг султони» мақолалари жамоатчиликка маъқул бўлганди. Тез орада у Самарқанд, Сурхондарё ва Андижон областлари газеталарида муҳаррирлик қила бошлади. Уни «Қизил Ўзбекистон» республика газетасига ҳам таклиф қилишган. ЎзКомпартия Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтида таржимон, таҳрирчи, катта илмий ходим бўлиб меҳнат қилган. 1959 йилдан Ўзбекистон Журналистлар союзининг

¹⁰ Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Биринчи китоб. – Тошкент: Akadempnashr, 2017. – Б.266.

¹¹ Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Иккинчи китоб. – Тошкент: Akadempnashr, 2017. – Б.329 – 330.



масъул секретари, «Партия турмуши» журна-
лининг муҳаррири бўлиб фаолият кўрсатган.
Унинг таҳрири остида 1954 йили 50000 сўзлик
«Русча-ўзбекча лугат» нашр этилган. У «Қизил
Юлдуз», 2-даражали «Ватан уруши» орденла-
ри ва медаллар билан мукофотланган.

Фашистлар Германияси босқинига қарши
бошланиб кетган уруш гирдобига бошқа жур-
налистлар каби у ҳам тортилган.

Рустам Абдураҳмонов 1942 йил ноябридан
1946 йилгача Воронеж фронтида ўзбек тилида
чиқарилган «Ватан шарафи учун» газетасида
муҳаррир ўринбосари бўлиб фаолият кўрсата
бошлаган.

«Ватан шарафи учун» газтасининг 1944
йил 2 – 8-, 13 – 15-, 17 – 18-, 20-, 22-, 25 – 32-, 34-,
36 – 45-, 50-, 52 – 60-, 71-, 73-, 76 – 77-, 79 – 81-,
85 – 97-сонлари, 1945 йил 1 – 19-, 21 – 66-, 68 –
70-сонлари, яъни жами 124 сони ушбу кито-
бимиздан жой олган.¹² 1944 йил 13 январдаги

2 (192)-сонида газетанинг масъул муҳаррири
С.И.Жуков, муҳаррир ўринбосари Р.Абдурах-
монов бўлган. 1944 йил 5 декабрь 91 (279)-со-
нидан газетанинг муҳаррир ўринбосари этиб
Т.Соатов тайинланган. 1945 йил 28 январь 6
(291)-сонидан Р.Абдураҳмонов яна газетанинг
муҳаррир ўринбосари лавозимига тайинлан-
ган. 1945 йил 12 июль 41 (326)-сонига газетага
муҳаррир ўринбосари Р.Абдураҳмоновнинг
ўзи раҳбарлик қилган. 1945 йил 15 июль 42
(327)-сонидан масъул муҳаррир деб В.М.Гунин
кўрсатилган. 1945 йил 7 сентябрь 55 (340)-со-
нидан масъул муҳаррир сифатида С.И.Жуков
раҳбарлик қилган.

Мазкур китобдан Рустам Абдураҳмонов-
нинг кўплаб мақолалари босилган. Улардан
айримларини эслатиб ўтишни лозим билдик.
Чунки уларда ўзбекистонликларнинг буюк ға-
лабага қўшган муносиб ҳиссаси ўз ифодасини
топган.

«Ватан шарафи учун» газетаси, 1945 йил 1 май, 28 (313)-сони

«ЯШАСИН МҲНАТКАШЛАРНИНГ ЖАНГОВАР КУЧЛАРИГА КЎРУК КУНИ 1 МАЙ! Зафар байрами»

Биз ҳозир тарих саҳифасида олтин ҳарф-
лар блан ёзиладиган ажойиб кунларни ке-
чирмоқдамиз. Совет кўшинлари Берлинда.
Германиянинг марказида совет кўшинлари са-
мимият билан учрашиб, Гитлер Германиясига
биргаллашиб зарба бермоқда. Озодликни се-
вучи мамлакатларнинг вакиллари Сан-Фран-
цискода йиғилишиб, инсоният оламини
тинчлантириш, тинчликни бузучиларни
нуқталаб қўйиш учун ақл югуртириб, режалар
чизмоқдалар.

Дарҳақиқат, қувончли, тантанали кунлар!
Биз Берлинда бўлсак, армонимиз йўқ деган
эдик. Шунга аҳд қилган эдик. Муқаддас тила-
гимизга эришдик – армонимиз йўқ.

Берлинда санитария қисмларимиздан би-
рида бош ва бети бойланган бир жангчини
кўрдик. Унинг бетини снаряд парчаси шилиб
кетган, лекин унинг госпиталда ётгиси кел-
майди. Жанг майдонига боришга тиришади.
У айтади: «Мен москвалиман. Немислар Мо-
сква яқинига бостириб келганида биз уларни
уриб қайтарган эдик. Ўша вақтда мен Берлин-

да бўлишга ва уни тамоман қўлга киритгунча
жанг қилишга аҳд қилган эдим». Ҳар бир со-
вет аскарининг кўнглидаги аҳди шундай эди.
Ҳеч ким аҳдидан қайтмайди.

Биз Ватанимизнинг энг жанубидан келган
Ўсар Қиличовни Берлинда учратдик. У развед-
качилар билан бирликда Тельтов каналидан
биринчи бўлиб ўтган ва Лихтерфельде кўча-
ларидан бирида бир уй деворига ўз номини
ёзган. Ефрейтор Бойжигит Қўйқадамов ик-
кинчи бир уйнинг деворига «Москва – Берлин.
Қўйқадамов» деб ёзиб қўйган. Буларнинг ҳам-
маси совет аскарларининг ўз қувончларини
юрақларига сиғдиролмай ўз ғалабаларидан из
қолдиришни истаганликларини кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам тантанали ғалаба кунлари!
Биз Берлин устида зафар байроғини тиклашга
аҳд қилган эдик. Ҳозир у байроқ совет куро-
лининг ва совет кишиларининг ғолиблигидан
шаҳодат беручи зўр тимсол бўлиб мағрур ҳил-
пираб турмоқда. Бу байроқни биз тикдик, уни
улуғ рус халқининг баҳодир фарзандларидан
бири сержант Иван Яковлев, украин йиги-

¹² Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – 730 б.



ти Тарас Петренко, қозоғистонлик ефрейтор Молдабоев, ўзбекистонлик қизил аскар Наби Қодировлар тикдилар. Улар генерал Рибалко-нинг даҳшатли танклари олдида шу байроқни кўтариб шаҳарга кирдилар.

Душман жон аччиғи билан қаршилик кўрсатмоқда. У шаҳар кўчаларида кучли баррикадалар қуриб ва истехкомга айлантириб жон сақлаб қолишга уринмоқда. Беҳуда уриниш! Совет аскарларининг иродасига, шаштига ҳеч қандай нарса тўсиқ бўлолмайди. Улар шиддат билан олға босмоқдалар. Шаҳар марказига етиб бордилар. Герман пойтахтининг санокли кунлари қолди. Бу тош ва темирга ўралган баҳайбат шаҳарнинг хўмрайиб бош эгиши турган гап. Ундан кейин бошқалари ҳам, бутун Германия ҳам бош эгишга мажбур. Бошқа чора йўқ!

Бу баҳор мислсиз бўлди. Ватанимиз қуёш нурига тўлган, гулларга безанган, ватандошларимизнинг чеҳраларида ғалаба баҳори ўз аксини намоён қилмоқда. Биз совет аскарларининг ҳам чеҳрамиз очиқ, ғайратимиз тошган.

Байрам устига байрам, тўй устига тўй бўладиган кунлар келди.

Бу улуг айёмга биз даҳшатли ўт бўронларидан кечиб эришдик...

Рустам

«Ватан шарафи учун» газетасининг 1945 йил 13 октябрь сонида «Ватанимизда» рукни остида берилган «47 жондан иборат оила колхозчи Ўғилбиби 100 ёшга кирди» номли хабарни айнан келтирамиз:

«ТОШКЕНТ. Ўзбекистоннинг Избоскан районидаги Янгиқишлоқда яшовчи Ўғилбиби Қулматова яқинда 100 ёшга кирди. У районнинг энг кекса колхозчисидир. Ўғилбиби кексайиб қолганига қарамай, ҳали анча бақувват ва колхоз ишларига қизиқди. Бу бахтиёр аёлнинг оиласи 47 кишидан иборат. Энг кичкина набираси Маҳбуба 6 ёшга кирди. Тўнғич ўғли тажрибақор агроном Аҳмаддин Қўчқоров эса 70 ёшда. Ўғилбибининг 15 набираси Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. Уларнинг кўпчилиги Совет Иттифоқининг орден ва медаллари билан мукофотланган. Ҳозир бу кекса колхозчининг оиласи яқинда аскарликдан бўшаб келадиган икки фронтчи набирасини кутиб олиш учун катта тайёргарлик кўрмоқда».

Масъул муҳаррир С.И.Жуков
Масъул муҳаррир ўринбосари Р.Абдурахмонов

Рустам Абдурахмоновнинг мақолалари, очерклари, хабарлари фронт газеталарида мунтазам босилиб турган. Улар ҳарбий ватанпарвар юртдошларимизга душманга қарши курашда далда бериб, фашизм устидан қозонилган буюк ғалабага муносиб ҳисса қўшган.

Ш.И.БЎЛАТОВ



Шарип Игнатуллин Бўлатов
(1905 йил, Уфа – 1968 йил 5 май, Тошкент)

Фронтлардаги ўзбек тилидаги «Ватан учун» (Шимоли-ғарбий фронт) газетаси 1942 йил 29 октябрдан чиқа бошлаган. Газетанинг масъул муҳаррири Д.Чекулаев, редактор ўринбосари Шарип Бўлатов бўлган. Ш.Бўлатов Иккинчи Беларусия fronti газетаси «Фронт ҳақиқати»да

ҳам ишлаган, газетанинг масъул муҳаррири Т.В. Миронов, Шарип Игнатулин Бўлатов унинг ўринбосари бўлган. Ш.Бўлатов Шимолий оккупацион қўшинлар гуруҳининг газетаси – «Ғалаба байроғи»да ҳам муҳаррир ўринбосари бўлиб фаолият кўрсатган.

1960 йилларда Москвада аспирантурадалигимда Тошкентга илмий сафарга келиб, ЎзКомпартия Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти архивида ишлаган эдим. Шарип Булатов ўша вақтда ўқув залининг мудири бўлиб ишлар экан. У новча бўйли, кўзлари катта, одамга рамз билан қарар эди. Ҳамиша тадқиқотчилар талаби ва таклифларига



жиддий қарар, имкон борича қўлидан келган ёрдамни аямайдиган, ўз ишига масъул ва пухта муносабатда бўлган бу инсон ҳақида барча фойдаланувчилар ҳамиша илиқ фикрларни айтишар эди. Шарип Игнатуллиннинг ёрдами билан олинган ҳужжат ва материаллардан диссертация ёзишда, мақолалар эълон қилишда фойдаланганман. Москвада давлат кутубхонасида Иккинчи жаҳон уруши даврида фронтларда чиқаётган ўзбек тилидаги газеталар билан танишиш жараёнида Ш.Бўлатов фронт газетасининг муҳаррир ўринбосари бўлганлигини билдим. Бу газеталар асосида уч жилдлик «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» китобимни яратдим. Булардан келиб чиқиб навбатдаги асаримизда ўзбек тилидаги фронт газеталари муҳаррирлари ва ўринбосарлари ҳақида маълумот беришимизга тўғри келди. Шу муносабат билан Президент Девони архивидагилар билан музокаралар олиб бордик, лекин бу натижа бермади. Шундан сўнг 2019 йил 17 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарига хат билан мурожаат қилдим. Уни айнан келтираман:

«Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи ходимлари Беларус Республикасидаги «П.Бровки номидаги Беларус миллий энциклопедияси» нашриёти тайёрлаётган беларуслар ва ўзбекларнинг Улуғ Ватан уруши йилларида фашизмга қарши умумий курашдаги ҳамкорлиги ҳақида китобни яратишда иштирок этишмоқда. Белоруссия frontiда ўзбек тилида ҳафтасига икки марта нашр этиб турилган «Фронт ҳақиқати» газетасининг муҳаррири Т.Миронов ва унинг ўринбосари Ш.Бўлатов бўлган. Газета саҳифаларида ўзбекистонлик жангчиларнинг жанговар фаолияти акс эттириб борилган. Бир қатор мақолалар Ш.Бўлатовга мансуб бўлган. Ш.Бўлатов урушдан кейин собиқ ЎзКомпартия Марказий Коитети ҳузуридаги Партия тарихи институти архивида бўлим мудирини бўлган, архив ўқув залида тадқиқотчиларни ҳужжат ва материаллар билан таъминлаш билан шуғулланган. Душманга қарши беларус ва ўзбекларнинг олиб борган жанговар фаолияти газета саҳифаларида мунтазам бериб борилган. Бўлажак китобда Ш.Бўлатовнинг сурати ва Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаги

меҳнат фаолияти, кейинги тақдири ҳақидаги ҳужжат ва материаллар ўз ифодасини топиши керак. Шу боис мазкур китобни яратишга жалб этилган «Ўзбекистон тарихи» кафедраси таянч докторанти (PhD) Балтабаева Манзурахон Мирзажоновнага архивдаги Ш.Бўлатовнинг шахсий ишига оид ҳужжатлар билан танишишга, суратидан ксероносуха олишга амалий ёрдам беришингизни сўраймиз». Натижада М.Болтабоева архивда бўлиб, бизга керакли ҳужжатларни тўплади.

Унинг 1968 йил 7 майда ёзган таржимаи ҳолида 1905 йили Уфа губернияси Стершбоши уезди Дедов волости Балиқчи қишлоғида ҳунарманд оиласида туғилгани, отаси этиқдўз, онаси уй бекаси бўлгани қайд этилган. Шарип 3-4 ёшлигида уларнинг оиласи Тошкент темир йўли Оқбулоқ станциясига кўчиб келган, онаси 1911 йили вафот этган. Отадан ажраб қолгач Шарип Оқбулоқ қишлоқ матлубот жамиятида 1919 йил сентябригача фаррошлик қилиб кун кечирган. Қишлоқ ўқитувчиси Мертил Гельмутникида яшаган. Бу ўқитувчи унинг Оренбургда ўқишига ёрдам берган, 1919 йил октябрдан 1921 йилгача Шарқ халқ маорифи институтида таҳсил кўради. 1919 йили комсомолга ўтган. Бу институт уни 1921 йили Туркистон халқ маорифи комиссарлигига ишга юборади, 16 ёшдалиги учун у Тошкент шаҳрига ўқишга юборилган. 1924 йилгача бу жойда ўқийган, бир вақтнинг ўзида комсомол ишини ҳам олиб борган.

Институтнинг 2-курсини тугатганидан сўнг Хоразмга юборилади, бу ерда 1924 йилдан 1931 йилгача хизмат қилади, орада 2 йил узилиш бўлади. Урганчда уезд комсомол ташкилотида, Хоразм область комсомол комитетида ишлайди. 1928 йилдан 1930 йил октябригача Хоразм округ совет партия мактабида ўқув бўлимини бошқаради.

1930 йил 1 октябридан «Инқилоб қуёши» газетасининг масъул муҳаррири бўлиб хизмат қила бошлаган.

Бу лавозимда унинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги янада ортиб боради. Хива район партия комитети пленуми, бюроси аъзоси сифатида ЎзКомпартиянинг V, VI, VII қурултойларида вакилликка сайланган.

1931 йили «Пахта учун кураш» кампаниясида фаол қатнашиб, “қулоқ” хўжалиklarини ту-



гатиш жабҳасида ҳам фаолият кўрсатган.

Тез орада «Ўзбекистон» давлат нашриётида ижтимоий-иқтисодий бўлимга мудирлик қилади.

1934 йил августидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети тавсияси билан марксизм-ленинизм классиклари асарларини СССР халқлари тилларига таржима қилиш курсига юборилади, курсни битириб ЎзКомпартия Марказий Комитети ихтиёрига олинади.

1937 – 1941 йилларда Ш.И.Бўлатов ЎзКомпартия Марказий Комитети Партия тарихи институтида партия нашриётида сектор муҳаррири бўлиб хизмат қилган.

1940 йил 2 октябрдан ҳарбий қайта тайёрловдан қайтиб келиб марксизм-ленинизм классикларини ўзбек тилига таржима қилиш секторида муҳаррир сифатида фаолият кўрсата бошлайди.

1941 йил июлидан 1947 йил июлигача Ш.И.Бўлатов фронтларда сиёсий бўлим бошлиғи вазифасида бўлган.

ЎзКомпартия Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти директори ўринбосари Т.В.Миронов 19-сон Ленин ордени тоғ отлиқ дивизияси штаби маълумотида ва Ш.И.Бўлатовнинг рапортига асосланиб 1940 йил 2 октябрдан Ш.И.Бўлатовни ҳарбий қайта тайёрловдан келганини эътиборга олиб марксизм-ленинизм классиклари асарларини таржима қилиш бўйича сектор муҳаррири этиб тайинлаган. Бу вазифада ибратли фаолият кўрсатгани Ўзбекистон партия нашриёти директори Ҳабибов, партия ташкилоти раҳбари Ардинянц, маҳаллий комитет раиси Бойков имзолари билан тасдиқланган тавсифномада шундай кўрсатилган:

«Ўртоқ Бўлатов ўтмишда оғир ҳаёт кечиргани ҳолда ўзининг қатъиятлилиги, чидамлилиги туфайли олий маълумотга эга бўлди ва ўзидан меҳнаткаш халқ ишига садоқат билан хизмат қиладиган иродали ходим ярата олишга эришди.

1921 йилдан Ўзбекистонда ишлаётган Ш.Бўлатов 1931 йилдан таҳририят ишида ўзига топширилган ишларни ҳалол ва ибратли бажариб, жамоа ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиб келмоқда. Маҳаллий комитетнинг доимий аъзоси, партия тарихи тўғараги раҳбаридир.

У кўп йиллардан бери комсомол ва партия ташкилотларида фаолият кўрсатиб, ҳар доим ўзини садоқатли ва қобилиятли ходим сифатида намоён этиб келмоқда.

Ўртоқ Ш.Бўлатов сиёсий жиҳатдан тайёрланган ва ҳозиржавоб ҳамдир».

Шарип Игнатуллин Бўлатовнинг 1941 – 1947 йиллардаги фаолияти ҳақида архивда мана бу қисқа маълумот бор:

277-ўқчи дивизия, 114-ўқчи полк, 114-ўқчи рота сиёсий бўлим раҳбари, Шимоли-ғарбий фронтдаги ўзбек тилидаги «Ватан учун», Иккинчи Белоруссия фронтидаги «Фронт ҳақиқати», Шимолий оккупацион қўшинлар гуруҳининг «Ғалаба байроғи» газеталари муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлаган.

Бу соҳада Ш.Бўлатовга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Тарих институти директори ўринбосари бўлиб хизмат қилган Т.В.Миронов яқиндан ёрдам берган. Бу ҳар икки инсон ўзбек тилида чиқаётган фронтлардаги газеталарни ташкил этишда катта хизмат қилганлар. Иккинчи Белоруссия фронти газетаси – «Фронт ҳақиқати»да масъул муҳаррир Т.В.Миронов, редактор ўринбосари эса Ш.И.Бўлатов бўлган. Бу газетанинг 1944 йилдаги 36-сонидаги мақолалар, материаллар, фотолавлар эълон қилинган.

Коммунист Ш.Бўлатов 1933 йили Ўзбекистон давлат нашриёти партия ташкилотида партия тозаловидан ўтган. Ленинграддаги редакторлар-таржимонлар курсларида ва Ленинград шарқшунослик институтида 1934 йилгача курсда ўқиган. У миллий кишилардан муҳаррир кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшганлардан бири эди.

Ленинград шарқшунослик институти ҳузуридаги марксизм-ленинизм классиклари асарларини СССР халқлари тилларига таржима қилиш курсларини битиргач Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ихтиёрига юборилган.

Ўзбекистон КП (б) Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти директори, тарих фанлари доктори, профессор М.Ғ.Ваҳобов, партия ташкилоти бюроси секретари Ф.Ғ.Малыхин, маҳаллий комитет раиси Х.Солиҳов томонидан Ш.И.Бўлатовга берилган партиявий-ишлаб чиқариш характе-



ристикасида бу инсон мазкур институтда 1952 йилдан бери ишлаётгани, иш учун қайғуради-ган, ҳалол, мулоҳазакор экани таъкидланади.

1947 йил июнида армия сафидан чиқарилиб Тошкентга келган Ш.И.Бўлатов ЎзКомпартия МКнинг матбуот секторини бошқаради, 1949 йили эса Хоразм область партия комитетининг секретари этиб тасдиқланади, бу лавозимда 1952 йил сентябригача фаолият кўрсатган.

Ўша йил октябридан ЎзКомпартия Марка-

зий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтида илмий ходим бўлиб хизмат қила бошлаган. 1957 йилгача марксизм-ленинизм классиклари асарларини таржима қилиш секториди муҳаррир, 1957 йилдан эса партия архиви ўқув зали сектори мудури вазифасида фаолият кўрсатган. 1962 йилдан республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер сифатида меҳнат фаолиятини давом эттираверган.



ЖАНГ МАЙДОНИДАГИ ЎЗБЕК ЙИГИТЛАРИ ҚАҲРАМОНЛИГИ

МИРКАРИМ МИРСОВУРОВ,
*истеъфодаги полковник,
«ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди
Тошкент шаҳар филиалининг
жамоатчилик асосидаги директори*

Истеъфодаги полковникман. Фаолиятимни ҳарбий мухбир бўлиб Кавказда бошлаганимга ҳам ярим аср бўлиб қолди. Ўшанда отамнинг акаси қабрини роса қидиргандим. Урушда бе-



дарак кетган амакимни – отамнинг яккаю ягона акаси қабрини XX аср ниҳоясигача Иттифоқ ва Европа бўйлаб кўплаб сафарларимда изладим, афсус, тополмадим. У «номаълум жангчи»-лигича қолди. Деярли

ҳар бир шаҳардаги қардошлар қабристонида бўлиб, гулчамбарлар қўйдим.

Отамнинг ушбу йўлланмаси ҳаётимда Иккинчи жаҳон уруши мавзуси билан шуғулланишга туртки берган эди.

1964 йилда бир гуруҳ ҳарбий мухбирларнинг Ботуми-Киев-Ленинград-Москва-Тбилиси сафари чоғида Киевдаги «Ватан уруши музейи»да фронт, партизан газеталари намуналарини учратдим. Диққатимни бир газета тортди. У ўзбек тилида эди. Илтимос қилдим. Ҳарбий мухбирлигим ҳурмати ушбу газетанинг архивдаги бир неча сонини танишишга бердилар. Майор Рустам Абдурахмонов масъул муҳаррир бўлган «Ватан шарафи учун» фронт газетаси эди у. Варақладим. Бир пайт «Зиямат Ҳусанов барҳаёт» мақоласига кўзим тушди ва шошилиб ўқий бошладим.

... 228-гвардиячи ўқчи полки сержанти Зиямат Ҳусанов «пулемёт тили»ни пухта ўрганиб, «Курск ҳалқаси» жангларига кириб борган, 1942 йилда эса Москва остонасида мардлик кўрсатган. Оғир ярадор бўлиб, даволанган. Яна жанггоҳга қайтган. Ўз пулемёт қисмига етолмасдан бошқа қисмда «Курск ҳалқаси» жангларида қаҳрамонлик кўрсатган.

У 4 марта душман пиёдасининг ҳужумини даф қилгани, кўплаб фашистларни қириб ташлагани айтилади. 1943 йил августидаги жанг тафсилоти ниҳоясида охирги гранатани ярадорлиги сабабли узоққа ота олмай ўзи ҳам портлаб кетгани ҳикоя қилинади.



Зиямат Ҳусанов



Ушбу жасорати учун З.Хусановга (ўликлар қаторида) «Қаҳрамон» унвони берилгани таъкидланади. Мақола жангчиларни бу ўзбек халқининг ботири, Алпомишдан ўрнак олиб фашистларни тезроқ қувиб чиқаришга ундайди.

Уйга хат ёзиб, отамдан ушбу ҳикоя мактабдаги математика муаллими ҳақида ё бу бошқа кишими деб сўрадим. Йўқ, айна ўзи экан. Ўлмаган экан. Уни ҳушсиз ҳолда немислар олиб кетишган. Бироз вақт ўтиб, анча соғайгач, асирлар орасидаги 28 та осийликлар билан концлагердан қочишади, югослав-болгар партизанларига қўшилиб, немисларга қарши ўша халқларнинг озодлик курашида мардлик кўрсатади. Оғир ярадор бўлади. Уни Италиянинг Торонто шаҳридаги госпиталга ётқизишади. Қулоқдан кирган ўқ оғизни тешиб ўтган, жароҳатни даволаш жараёни узок – 1945 йилгача давом этади.

Зиямат ака уйга қайтади, лекин ҳукумат уни қаҳрамон эмас, балки хоин сифатида қабул қилади. У маънан эзилган.

ТошДУда ўқиган йилларим Зиямат ака билан кўп суҳбатларда бўлдим. Энди унинг дарди меникига айланганди, адолат тантана қилиши шарт деган фикр миямга ўрнашиб олиб, тинчимни бузарди.

Факультет ёшлар етакчиси сифатида ҳамкасбларнинг ҳарбий фронт газеталари ходимлари бўлган домлаларим Расул Муҳаммадиев, Тўғон Эрназаров ва ёзувчилар Адҳам Раҳмат, Зиннат Фатхулин, Назир Сафаров, Назармат билан учрашувини уюштирдим.

Ўшанда Адҳам Раҳмат ўзининг «Улар Ленинградни ҳимоя қилган эдилар» китобини ҳадя қилганди.

Назармат ака ўша куни учрашувда ўзининг «Қоладур» шеърини ўқиганди:

*Умр ўтар, жаҳон қоладур,
Бунёдингдан эҳсон қоладур.
Ойдин бўлса юрган йўлларинг,
Изингдан нур, нишон қоладур.*

*Элга ҳиммат азму заҳматинг,
Қадринг бўлиб виждон қоладур.*

*Бу дунёда она Ватан бор,
Унда марду мардон қоладур.*

*Инсон қалби – буюк бир дунё,
Унда меҳру имон қоладур.
Иш тушганда марднинг бошига
Вафоли дўст, инсон қоладур.*

*Назар куйлар азиз эл қадрин,
Ундан шеъру достон қоладур.
Ўтар умр, жаҳон қоладур,
Фарзандларга эҳсон қоладур.*

Учрашувдан сўнг уларга Зиямат ака Хусановнинг аянчли тақдири ҳақида сўзлаб бердим. Маслаҳатлари билан Москвага ҳарбий архивга ва мукофотлар бўлимига, Низомий номидаги Педагогика институтидан хизматга чақирилгани учун Ўзбекистон, Сайрамлиги боис Қозоғистон Олий Советига, Болгария Улуғ Ватан уруши партизанлари ҳаракати қатнашчилари қўмитасига хатлар ёздик. Пировардида ҳақиқат юзага чиқди.

Зиямат Хусанов билан югослав-болгар партизанлар отрядида жанг қилган генерал Боян ва ёзувчи Йордан Милов уни қидириб келди,





Ўз давлатининг «Болгария партизанлар ҳаракати қатнашчиси» медалини, жумладан, Зиямат Ҳусанов жасорати ҳақидаги «Шарқ повестлари» китобини тақдим этди. Софиядаги мактаблардан бири унинг номи билан аталганини маълум қилди.

Кейин Болгария раҳбарияти Софияга тақлиф қилиб, унга «Болгария Миллий Қаҳрамони» нишонини топширди. Ниҳоят, 1968 йил 23 февралда Олма-отада Динмуҳаммад Қунаевнинг ўзи унга «Қаҳрамон» нишонини тақиб қўйди.

Мен эса руҳланган ҳолда Ўзбекистон телевидениеси «Ёшлик» студияси муҳаррири Рўзимат Мадатов раҳбарлигида «Мардлик – мангулик» эшиттиришини тайёрладим. 1970 йил 9 майдаги ушбу телекўрсатувда қаҳрамоним Зиямат Ҳусанов, «Суворов натиски» фронт газетаси масъул муҳаррири, профессор Тўғон Эрназаров, генерал Собир Раҳимов дивизияси разведка бўлими жангчиси бўлган Ашуоров иштирок этдилар.

Зиямат Ҳусанов билан биргаликда ўша телекўрсатувдан сўнг «Қаҳрамон» нишонини фахр билан кўз-кўз қилиб Тошкентнинг Навоий кўчаси бўйлаб саёҳат қилганимиз, Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўйганимиз, янги чиққан «Улуғ Ватан уруши» фильмининг томоша қилганимиз, Низомий пединститутига ташриф буюрганимиз эсимда.

Лекин бу воқеалар ҳам ўша давр тузуми унинг қалбига етказган хўрликларни юва олмади.

Хатларимиздан бирига Ленинград тарих музейидан олган хатда Зиямат Ҳусановга алоқадор маълумот топилмагани, лекин Ленинград мудофаасида жангларда бедарак йўқолган, музейда ўқ тешиб ўтган комсомол билети сақланаётган Тошканбой Раҳимжонов қидирилаётганини маълум қилиб, ёрдам сўрашибди. Адҳам Раҳмат «Жасур пулемётчи» лавҳасини кўрсатди ва Тошкентдан 1940 йилда 10-синфда ўқиётганида кўнгилли бўлиб армияга отланган ушбу қаҳрамоним хонадонига, Тошкентдаги Қорасой кўчаси 272-уйга боришимни тавсия қилди. Тошканбой

ака суҳбат чоғида уруш даврида бир неча бор ярадор бўлгани, 1942 йил 12 мартда Луга шаҳридаги жангда ярадор ҳолда кўмилиб қолиб кетгани, Анна исмли рус санитар аёл топиб олиб, бир рус хонадонига қолдиргани, улар даволаб оёққа турғизгани, ўша йил 25 октябрда ногирон ҳолда уйига қайтганида унга ҳарбий қисмдан жўнатилган «Бедарак йўқолгани ҳақидаги хат»ни кўрсатишгани, ҳозир 10 та фарзанди борлиги, «Гулистон» ресторанида бош бухгалтер бўлиб ишлаётганини сўзлаб берди.

Ленинградликлар уни эслашаётганидан руҳланиб кетди. Музейга унинг армия китобчаси, «Бедарак йўқолгани ҳақидаги хат», уруш ва ундан кейинги давр фотоларини юбордик. Музей ходими З.Пивень бу тарихни сўзлаб 1984 йилда «Навечно в памяти народной» китоб-очеркини ёзган ва Тошканбой акани Ленинградга тақлиф этиб, совға қилган.

Ўзбек жангчиларини Ўзбекистон ҳаёти билан таништириш, ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган, ҳарбий тайёргарликда намуна кўрсатган, жангда душманнинг адабини берган ўзбек жангчилари ҳақида сўзлаб, уларни ғалабага илҳомлантириш мақсадида фронт ичидан ўзбек тилида газета чиқариш тақлифини ВКП(б) Марказий Комитети 1942 йил бошида қувватлайди, ҳар хил миллатлар тилларида 50 та газета чиқаришга қарор қилади. Уларнинг 16 таси ўзбек тилида эди.

Ўша йили Москвада чиқадиган 4 та марказий ҳарбий газета ва 18 та ҳарбий журналдан ташқари ҳаракатдаги армияда мунтазам чиқадиган фронт, армия, корпус, флот, дивизия, бригада, партизан ва подполье газеталари сони 800 тага етган, адади 3 млн нусхада бўлган.

Ушбу нашрларнинг мақсади жангчиларни ғалаба сари ундаб, уларда қаҳрамонлик, душманга нафрат туйғуларини мустаҳкамлаш эди. Бу вазифани улар тўлақонли бажарганини вақт тасдиқлади.

«Ватан шарафи учун» газетаси 1942 йилдан 1946 йил бошигача мунтазам чоп этилган. Масъул муҳаррир майор Рустам Абдурахмонов, унинг ёрдамчиси Зийнат Фатхулин эди.



Зийнат ака билан Тошкентдаги ишчилар шаҳарчасидаги хонадониди кўп суҳбатлашганмиз. У бир гал «Қаҳрамон» унвонини олган ўқчи жангчи Бўтабой Содиков ҳақида газета учун материал тўплаганини ҳикоя қилиб берганди.

... Топшириқ бўйича жанг чизигига отланган мухбир З.Фатхулин дарё ёқасида жойлашган отлик корпуснинг сиёсий бўлинмасига келади, у ерда жанглар давом этаётганини билдириб боришга рухсат беришмайди. Корпус командири, урушдан аввал Қўқонда ишчи бўлган генерал Виктор Баранов унга йўл бошловчи беради.

Қош қорайиши билан йўл бошловчи Васянинг мотоциклида 50 км ча йўл босишади. Уларнинг атрофида ўқлар визиллаб учар, миналар портларди. Вася эса ҳозир мина портлаган ерга уловини ҳайдар, эпчиллик билан эгри-бугри из қолдириб илгари интиларди.

«У бир пайт яқинлашиб қолганимизни, бир оз юргач мотоциклни пана жойда қолдириб, ўзимиз эмаклаб передовойга боришимизни айтиб улгурганди ҳамки, яқинимизда мина портлади. Ўзимга келиб ён-атрофга назар солиб қарадим. Вася менга тикилиб ўтирибди. У портлаган минанинг каттароқ бўлаги мотоциклга келиб урилгани боис биз отилиб тушибмиз деб яна олға ишорасини қилди, илгари интилдик, тўғриси, тизза баробар қумда судралиб борардик.

Прожекторлар нурида душман бизни сезиб қолди, чоғи, пулемёт ўқи узун очердлари билан йўлимизни кеса бошлади. Ёш командирим пишиқ экан: у менга ўзининг ўнг томонидан боришимни, бошимни кўтармасдан эмаклашимни, орқада қолмаслигимни, у қайси ҳаракатни бажарса, шуни қайтаришимни буюрди. У ҳозиргина ўқ очерди «тилиб» ўтган жойга сакраб ўтиб олар, мен эса такрорлардим. Анча пайт ушбу «рақс»га тушдик. Эмиш, ҳозир ўқ тушган жойга яна ўқ тушиши ва шу пайтда бу ер яна нишонга олиниши эҳтимоли кам экан.

Хайрият, бир пайт Вася Бўтабой тўпчилар взводигача 300 метрча қолганини билдирди. Душман ўқи эса бош кўтартирмайди.

Жонсиз ётган йигитларимиз жасадлари бу ер яқинда катта жанггоҳ бўлганидан хабар қилиб турарди. Немислар тинмай отишяпти-ю, биз томон жимжит.

Прожекторлар ёрдамида «йўл харитаси»дан Б.Содиков йигитлари билан жойлашган «А-С» манзилни яна бир бор аниқлаб олдик-да, ишонч билан илгарига эмаккладик.

Афсус. Биронта тирик жон топмадик. Улар барчаси ҳалок бўлишибди-да деган хаёл билан маслаҳатлашиб, нафасни ростлаб олиб, орқага қайта бошладик.

Узоқдан прожектор ёруғида шарпа кўринди. Бу бизникилар! Шартта ўгирилиб, ушбу тепалик сари силжидик.

Душман қуршовга олиб, қўлга туширмоқчи деб фикрлаган жангчи бизга ўт очишга шайланган эди. Вася взвод паролни бақириб айтди, у жавоб берди...

Қучоқлашиб кетдик. Кўзларимизда ёш.

«Йигитларимизга раҳмат. Душманнинг учта атаксини мардларча қайтардик. Лекин немислар кўп ўтмай янги ҳужумни бошлашлари аниқ. Взводдан энди 3 киши тирикмиз, холос. Улар ҳув анави чангалзорда жангга тайёр ётишибди, биттаси ярадор. Сизлар тезроқ орқага қайтинглар, тез ёрдамга келишсин. Орқага бир метр ҳам чекинмаймизку-я, бироқ кучларимиз жуда оз қолди», – деди Бўтабой.

Бу шароитда ундан қандай «Қаҳрамон» унвонига сазовор бўлганини сўраш ўринли эмасди. Ўша мардлик хислатининг ўзимиз гувоҳига айланандик.

Ўзимиздаги ўқ-дорилардан уларга қолдирдик, фляжкалардаги сувини тўлдириб бердик, ярадор жангчи учун ҳам дори-дармон қолдирдик...

Тонг ота бошлади. Тирик кўришишга тилак билдириб хайрлашдик.

«Шарқдан Қуёш чиқади, Ўзбекистон иссиғини олиб келади. Демак, менинг вужудим яна бақувватлашади».

Бу «Қаҳрамоним»нинг лирик чекиниши эди.

Бўтабой қўлимга хат тутқазиб, уйига жўнатиб юборишимни илтимос қилди. Биз бу ал-



пқомат ўзбек йигитининг, ҳалок бўлиш эҳти-моли мавжудлигига қарамай, ўзини вазмин тутишидан анча тетиклашдик.

Келган изларимиз орқали орқага отландик.

200 – 300 метр қумда азоб билан эмаклаб ул-гурганимизда яна жанг бошланди. Ёрдам кучи юбориш ҳақидаги илтимосни бажаришнинг, қанча шошмайлик, энди иложи йўқ эди. Ўр-мон ортидан «Катюша»ларимиз «сайраб» қол-ди, самолётларимиз душман устига бомбалар ташлай бошлади. Бу ғалаба мушакбозлигига ўхшаб кетди. Аслида ҳам бу армиямизнинг ғолибона юришининг 1-Украина frontiдаги давоми эди.

«Ушбу сафар натижасида ёзилган «Қаҳра-моннинг янги жасорати» очерки газетамиз-да босилган эди. Бўтабой берган хатни эса шароит бўлиб уйига жўната олмадим. Унинг жангчи саси, меҳри келиб турган сатрларидан 2,5 минг ўзбек жангчиси қатори «Қаҳрамон» нишондори Бўтабой Содиқов ҳам қўл қўйган «Ўзбек халқига ўзбек жангчиларининг жавоб мактуби»да фойдаландик», – деб суҳбатдо-шим оғир тин олди.

«Бўтабой билан яна 1944 йилнинг 1 май-ида 1-Украина frontiда чиқаётган ўзбек, қозоқ, татар тилларидаги фронт газеталари-нинг жангчи мухбирлари кенгашида учраш-дик. Ушбу анжуман тавсияси билан битилган «Фронтдан ҳам» «Қизил Ўзбекистон» газета-сида 1944 йил августда босилганди. «Бўтабой билан оилавий борди-келдиларимиз бугунга-ча сақланиб қолган», – деб суҳбатимизга яқун ясаганди ёзувчи-драматург З.Фатхулин».

1970 йил 6 майдаги Зийнат ака ва Бўтабой Содиқов иштирокидаги телекўрсатувдан «Ва-тан шарафи учун» фронт газетасида Тўла-ган Соатов ва Зия Аминов ҳам ишлаганини, жангчи мухбирларнинг жанг майдонларидан юбориб турган хабар ва мақолалари жангчи-ларимизни ғалабага илҳомлантиргани, кучла-римизга куч қўшганини билиб олгандик.

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, «ЭКОСАН» экологик ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фон-ди бўлим бошлиғи Миркарим Мирсовуров ўз даврида ўзбек тилидаги фронт газета-лари тарихи билан қизиққан ва шу мав-

зуда 60-йилларда Ўрта Осиё давлат уни-верситетида диплом иши ёзиб, уни ҳимоя қилган. Бу тиришқоқ, изланувчи инсон кўплаб ҳарбий журналист, ёзувчилардан эсдаликлар олган. Жумладан, таниқли ёзувчи, уруш йиллари фронт газеталари-да масъул муҳаррир бўлиб ҳизмат қилган, фашизмга қарши олиб борилган жангу жа-далларда, урушларда иштирок этиб, буюк ғалабага қўшган ҳиссаларини ёритган, бу соҳада китоблар нашр этган Адҳам Раҳмат билан яқиндан мулоқотда бўлган, унинг эсдаликларини ёзиб олган.

Қуйида Адҳам Раҳматнинг хотиралари-дан айрим парчалар келтирилмоқда:

Редакция Москванинг Герцен кўчаси 7-уйда жойлашган бўлиб, у бомба ва миналар зарби-дан лат еган, 1942 йил киши эшик қоқиб кела-ётгани боис ҳаво совуқ, атроф нам, ёғин кўп эди. Ҳарфлар Тошкентдан етказиб келинган, қоғоз муаммоси ҳал этилди. 3 та ҳарф терув-чи билан иш бошладик. Газетанинг 1-сони ноябрда «Красногвардейская правда» газета-сининг давоми – 303-сони бўлиб «Известия»-нинг босмахонасида босилди, 1944 йилнинг 3 январидангина «Қизил аскар ҳақиқати»нинг алоҳида ва тўлиқ ўзбек тилидаги сонлари бо-сила бошланди. 58-сонидан бошлаб газета ға-лаба нашидаси билан илгарилаб бораётган Ар-миямиз билан бирга Ғарбий фронт таркибида йўл олди. 8-сонидан бошлаб газетани Абдулла Шарофиддинов, кейинроқ Иброҳим Раҳим, Калуга шаҳрида Наби Жабборов ва Ғани На-врўзбоев, Минскда Ҳамид Файзий ва Маъруф Ҳаким каби журналистлар тўлдирдилар. Жан-гларда бевосита иштирок этиб, душман би-лан юзма-юз туриб жанг қилиб чиниққан бу жангчи мухбирларга энди газета учун матери-ал тўплаш, жанггоҳлардан бевосита интервью уюштириб қайтиш унча муаммо туғдирмасди.

– Одатда, барча миллий фронт газеталари ҳар сонининг 1-бетидаги доимий рубрикасида «Совинформбюро»нинг «Армиямиз кундалик тезкор маълумотлари»ни, Олий бош қўмон-доннинг буйруқларини босарди. Масалан, 1945 йил мартдаги мана бу тезкор маълумот-да фронтлардаги аҳвол, ундаги ҳаракат баён этилган, тепасида эса «Жангчи! Душман ери-



да эканингни эсдан чиқармай, ҳушёрлигингни яна ҳам оширишинг керак!» шиори. Агар жой етса, ушбу бетдан «Фронтизмиз қаҳрамонлари» рубрикаси материаллари ҳам жой оларди. Бу ҳолатдан кўпроқ ҳамюрт жангчимиз жасорати, «Қаҳрамон» унвони ё орденлар билан тақдирланганда унумли фойдаланиларди.

1944 йил май сонида сержант Азим Рустамовга бир жангда 17 фашистни ўлдириб, 6 тасини асир олгани учун «Қизил Юлдуз» ордени берилгани қисқа баён қилиниб, фотоси ҳам босилган, июнь сонида кўп ярадорларни ва командирларни қутқарган оддий жангчи Қоратой Мақсудовнинг суврати остида унинг «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирлангани маълум қилинган.

– «Қаҳрамон» унвони сардорлари – ўзбек жангчилари ҳақида каттароқ хабар фотоси билан, албатта, 1-бетда босиларди. Мана, мисол: ўзбек жангчиси Тўхтасин Бобоев суврати остидаги хабарда қайд қилинишича, Қўқондаги «Ўзбекистон» тикув устахонаси ишчиси – Она уни фронтга жўнатаётиб: «Қаҳрамон бўлиб қайт!» – деган. Хизмати давомида ўғил Онаси насихатини бажаргани: Т.Бобоев 1942 йилнинг октябридаги жангда 2 та фашистни ўлдиргани ва 1 та (навбатдаги жанг тактикасида асқотган ахборот мавжуд) «тил»ни тутиб келтиргани учун «Жасорати учун» медали билан; кейинги жанглардан бирида разведкада шериги билан бирга 20 та гитлерчини қириб ташлагани ва 4 тасини асирга олгани учун «Ватан уруши» ордени, разведкада 4 та фашистни ўлдириб, 1 тасини асир олгани учун «Шуҳрат» ордени, таркибида у ҳам бор разведкачилар гуруҳи Днепр дарёсини биринчилардан бўлиб кечиб ўтиб, душманни уларнинг траншеяларидан қувиб чиқаргани ва 20 тасини ер тишлатиб, 2 та пулемёт расчётини яксон қилиб, асосий кучларимизга атакага йўл очиб беришгани учун «Қаҳрамон» унвонига сазовор бўлгани ҳикоя қилинган.

– 1944 йилнинг 22 июнидаги сонда уруш бошланганининг 3 йиллигига бағишланган махсус «Юбилей сон» бўлиб чиққан эди, – деб ўзбек ва қозоқ миномётчилари Ҳаким Эшжонов ва Мирғали Тунгатов фотоси, сувратнинг тагида эса уларнинг жангдаги жасорати ҳикоя

қилинган лавҳани кўрсатди. Газетанинг ўша йил 14 июнь сонидан ўрин олган «Матросов изидан» очерки «Қаҳрамон» нишони соҳиби Тоштемир Рустамовга бағишланган экан.

– Ўзбек жангчиларини Ўзбекистон билан боғлиқ материаллар ўта қизиқтиргани боис фронт газеталарида ЎзТАГ хабарларини босиб туришни ҳам йўлга қўйгандик. Мана, қаранг: «Қизил аскар ҳақиқати»нинг 1945 йил март сонларида Ҳамза номли театр жамоасига Ленин ордени, артистлардан Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятлов ва Сора Эшонтўраевага юксак унвонлар берилгани, «Похол ва сомондан қоғоз» хабарида Самарқанд, Жиззах ва Қўқонда ушбу хомашёдан қоғоз ишлаб чиқарувчи цехлар ташкил этилаётгани, «Музыка лекторийси очилди» лавҳасида Тошкент консерваторияси фаолияти ҳақида маълумотлар босилган.

– 1942 йилнинг ноябрь сонларида Тошкент тўқимачилик комбинати, «Сельмаш» заводи, Чирчиқ химия комбинати, Оҳангарон кўмир кони очилгани, Катта Фарғона канали қурилиши ҳақидаги хабарлар ниҳоясида: «Жангчилар, кўп қийинчиликлар билан қўлга киририлган муваффақиятларни асрангиз, немис босқинчиларини она Ватандан тезроқ қувиб чиқарингиз!» – деб хитоб берганмиз. 1945 йил сонларида Ўзбекистон санъат усталарининг фронтлардаги гастроллари ҳақидаги хабар ва сувратлар ўзбек жангчиларини соғинч билан кутишга, уйларига тезроқ етиб бориш хаёлларига ундаганди. «Муқанна», «Темур Малик», «Самарқанд» каби тарихий мақолалар ҳам босилганда ҳамюрт жангчиларимиз худди бир бор Ўзбекистонга бориб келгандай ҳиссиётга эга бўлишарди, Ватанига муҳаббати янада ошарди...

Умуман, ушбу ўзбек тилидаги фронт нашрлари она Ватан руҳини ўзбек жангчиларига етказишда муҳим аҳамият касб этган. Масалан, 1942 йил 25 октябрда «Қизил Ўзбекистон», кейин «Правда» газеталари босган тарихий «Ўзбек халқининг жангчиларига уларнинг эл-юртларидан мактуб»ни 3 ноябрда «Қизил аскар ҳақиқати» биринчилардан бўлиб чоп этганди.



АДАБИЙ АЛОҚАЛАР СИЛСИЛАСИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Минҳожиддин Мирзо,

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари

Озод ва обод жамиятнинг маънавий юксалиши йўлида фидокорона меҳнат қиладиган, миллий ўзлигини англаган ва қадрлаган авлодни тарбиялаш, вояга етказишда адабиёт ва санъатнинг ўрни беқиёсдир. Чунки ҳамма даврларда ҳам миллий ўзлик, инсоний қадр, шахс эрки ва камоли, умумбашарий гояларни тараннум этиш билан бирга дунёнинг олис ва яқин, турли қитъа ва минтақалари халқлари, миллатлари ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш, биродарлик алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутиб келган. Ўз миллати эрку саодатини, миллий камолини, инсоният ободлиги ва ҳамжиҳатлигини ўйлаган улуғ шоир ва ёзувчилар миллат тимсоли, фахру ифтихорига айланганлар. Шу боис ҳам миллат, адабиёт ҳақидаги ҳар қандай мулоқот шу миллатга мансуб ўтмиш ва яқин замонларда яшаб ўтган адиблар даҳосининг эътирофи ва эҳтироми билан бошланади. Ўзбекларда Алишер Навоий, озарбайжонларда Низомий Ганжавий, форсларда Фирдавсий, туркманларда Махтумқули, қозоқларда Абай, украинларда Тарас Шевченко, беларусларда Якуб Колас, догистонликларда Расул Ҳамзатов, қирғизларда Чингиз Айтматов каби даҳолар жаҳон миқёсида шундай ҳурматга муносибдирлар.

«Адабиёт яшаса, миллат яшайди», буюк ўзбек шоири Чўлпоннинг бу пурмаъно сўзлари ҳар бир миллат ўзлигининг шаклланиши, намоён бўлиши, унинг сақланиб, ривожланиб боришида адабиёт қанчалар муҳим аҳамиятга эга эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Бир пайтлар улуғ қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов штаб-квартираси Тошкентда жойлашган Ўрта Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси президенти сифатида куюниб шундай деган эди: «Биз бугун ма-

даният намояндалари билан янги, фаол алоқаларни йўлга қўйишга уриняпмиз. Бугун ёнбошлаб ётиб ўзимизча миллий маданиятлар ўз ҳолича гуллаб-яшнайверади десак янглишамиз. Албатта, биз учун доимий адабий алоқалар зарур. Тан олиш керак, ҳозир аввалгидай мунтазамлик касб этган мулоқотлар йўқ. Кўплаб ижодий уюшмаларнинг фаолияти сўнди. Ёзувчилар барча муаммолар ҳақида билишарди. Бир-бирлари билан мулоқот қи-



Беларусь Республикасида бўлиб ўтган «Беларусь ёзуви куни» байрам тадбирларидан лавҳа

ларди, баҳслашарди, турли масалаларни муҳокама қиларди. Балки давр келиб биздан кейинги авлод ўзаро мулоқотларнинг янгича кўринишларини топишар...»

Ўзбекистондаги янги давр руҳи, шиддати, давлатимиз раҳбарининг барча соҳалар қатори адабиётга, адабий алоқалар ривожига бераётган эътиборидан фахрланиб, унинг илҳомбахш эпкинларини илғаб беихтиёр машҳур адибнинг юқоридаги фикрларини эсладик. Бугунги кунда юртимизда миллат қалби ва руҳиятининг ифодачиси бўлган миллий адабиётимизни хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилишга, чет эл адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ўгириб ундан халқимизни баҳраманд этишга, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, юксак фазилатлар руҳида тарбиялашга, китобхонликка жуда катта аҳамият берилмоқда. Негаки аллақачон жаҳон халқларининг қалбидан мустаҳкам

жой олган, XXI асрда ўз ижоди билан инсониятни эзгулик, олижаноблик каби юксак ғоялар асосида ҳаёт кечиришга даъват этиб келаётган атоқли шоир ва ёзувчиларнинг асарлари юртимиз ва дунё халқлари ўртасидаги мавжуд маданий, маънавий кўприкларни мустаҳкамлашга хизмат этаётир.

Ўзбекистон ва Беларус давлати ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янги босқичда ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида халқаро ва иқтисодий муносабатлар қаторида маданиятлараро мулоқотлар, адабий робиталарни мустаҳкамлашга берилаётган эътибор юксак таҳсинга сазовордир.

Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашениннинг мамлакатимизга ташрифи чоғидаги олий даражадаги учрашувларда беларус адабиётининг таниқли намояндаси, шоир Якуб Коласнинг ўз-



бек тилига таржима қилинган «Қадрдон қўшиқлар» китобининг совға қилиниши, Тошкентнинг марказий хиёбонларидан бирида Якуб Колас бюстининг ўрнатилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Беларусга илк бора расмий ташрифи арафасида Минск шаҳрида ўзбек адабиётининг асосчиси, буюк шоир ва маърифатпарвар Алишер Навоий ёдгорлигининг очилиши, Беларус давлати йўлбошчисининг Ўзбекистон раҳбарига Иккинчи жаҳон урушида беларус тупроғини озод қилишда иштирок этган ўзбекистонлик жангчиларнинг жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи «Ғалаба ҳамма учун бир: Беларус – Ўзбекистон» номли китобни ҳадя қилиши нафақат икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг, адабий алоқаларнинг янги босқичга кўтарилишида, балки ўзбек ва беларус халқларининг бир-бирларига меҳр ва эзгулик ришталари ила боғланишида муҳим омил бўлди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, адабий дўстлик абадий дўстлик сари ташланган музаффар қадамдир. Ўзбек адиблари, китобхон халқимиз беларус халқининг тарихи, улуғ маданияти ва адабиётига катта ҳурмат билан қарайди. Беларусларнинг ҳам ўзбек халқининг қадимий ва бой маънавий мероси, замонавий адабиётига бўлган қизиқишлари йилдан-йилга ортиб бораётир. Иккинчи жаҳон уруши даврида кўплаб беларус зиёлилари, олимлар, ижодкорлар, рассомлар Ўзбекистонда истиқомат қилишди, ўзбек шоир ва ёзувчилари билан ижодий ҳамкорликда бўлишди. Таъбир жоиз бўлса, ўтган йиллар давомида икки халқ адабиётининг бебаҳо мулки бўлган қанчадан-қанча ажойиб асарлар таржима қилинди, бу борада ўзига хос мактаб ва анъаналар шаклланди.

Тарихга назар ташласак кўплаб ёрқин мисолларда бунинг исботини кўраемиз. Икки мамлакат адиблари ўртасидаги адабий алоқаларга салкам юз йиллар муқад-

дам тамал тошлари қўйилган. Беларус халқ шоири, академик Янка Купала ижодига қизиқиш Ўзбекистонда 1930 йилларда бошланган. 1932 йилда Ўзбекистонда меҳмон бўлган беларус ёзувчилари Петро Глебка, Илларион Барашка ва Микола Хведорович Янка Купала ижоди ҳақида ўзбек адабий жамоатчилигига янада кенг маълумотлар берадилар. Беларус адиблари Тошкент билан бирга Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Қўқон шаҳарларида бўлишади. Ана шу сафар давомида Микола Хведорович «Ўзбекистонга» номли шеърини ёзади.

Уруш йиллари Тошкентда яшаган Якуб Колас беларуслар учун қанчалар қадрли бўлса, ўзбеклар учун ҳам шунчалар ардоқлидир. Халқимиз Якуб Коласни ўзининг қадрдон шоири деб билади. Негаки у Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Зулфия, Миртемир каби ўзбек шоирлари билан яқин дўст эди ва улар қаторида ўзбек ва беларус адабиёти ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

Дарҳақиқат, Якуб Колас юртимизда жўшқин қалам тебратди. Унинг ижодида Ўзбекистон мавзуси алоҳида ўрин тутади. Шоир юртимизга бағишланган шеърларидан бирида тўрт фаслда ҳам оппоқ нурларга бурканган Чимён тоғларини, офтобда товланаётган Ўзбекистон боғларини ўзгача завқ ва меҳр билан тараннум этади:

*Ёдда бўлур сокин ором,
Оппоқ қорли, гўзал Чимён.
Сен ўзингга қилолдинг ром,
Эй тоғ юрти Ўзбекистон!*

Белорус халқ шоири Якуб Коласнинг энг гўзал асарлари, «Ўрмонда суд» (1943), «Қасос» (1943) каби дostonлари ҳам Тошкентда ёзилган. Ёки «Танланган асарлар»и 1943 йилда ўзбек тилида нашр этилди. Ўзбек ва беларус адабиёти намояндаларининг ижодий ҳамкорлиги, дўстона алоқалари ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бе-



ларус адабиётшунос олими Степан Лиходзиевский узоқ йиллар Ўзбекистонда яшаб, ўзбек адабиёти намуналарини рус ва беларус тилларига таржима қилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида машҳур адиба Эди Огнецвет ҳам юртимиздан паноҳ топди. Унинг бир қанча шеърий тўпламлари 1942 – 1946 йиллар оралиғида Тошкентда чоп этилди.

1942 йилда Янка Купала асарларидан ўзбек тилига қилинган дастлабки таржималар босилди. Ўзбекистон марказий нашрларида чоп этилган «Беларус партизанларига» номли машҳур шеъри чин маънода шуҳрат қозонди.

Беларус ёзувчи ва таржимонлари ҳам ўзбек адабиётини қунт билан ўрганишди. Ўзбек халқининг бой тарихи ва бугунги ҳаётини акс эттирувчи бадиий асарларни беларус ўқувчиларига етказишда фидойилик қилишди. 1946 йилда беларусларнинг «Чырвонаязмена» газетаси Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбекнинг «Навоий» романи ҳақида мақола босади. 1948 йилда ушбу давлатнинг иккита етакчи газетасида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолалар чоп этилди.

Икки халқ ўртасидаги адабий алоқалар мунтазам равишда ривожланиб, кенгайиб борди. 1959 йили Минскда ўзбек халқ эртаклари беларус тилида нашр этилди. 1966 йилда таниқли беларус ёзувчиси Алексей Кулаковский «Ўзбек ҳикоялари» тўпламини тузди. Айнан шу йили ўзбек шоирлари шеърларидан сараланган «Солнце в ариках» номли китоб беларус ўқувчилари қўлига етиб борди. 1967 йилда Минскда Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг «Лирика» номли шеърий тўплами Эди Огнецвет кириш сўзи билан нашр қилинди.

Ўз навбатида, кўплаб ўзбек адилари беларус адабиёти тарғиботи йўлида самарали ишларни амалга оширдилар. Ўша йиллари биргина шоира Зулфиянинг ўзи Янка Купала, Эди Огнецвет, Максим Танк шеърларини

ўзбек тилига ўгирди, Янка Купала ижоди ҳақида қатор мақолалар ёзди. 1981 йилда «Гулистон» журналида Янка Купаланинг машҳур «Ким келяпти?» шеъри чоп этилди. У Минскда уч марта нашр қилинди, жумладан, 2017 йилда Янка Купала шеърлари таржимаси жамланган муҳташам китобдан ҳам жой олди.

Ўзбек таржимонлари Владимир Корбан масаллари, Кастуся Киреенко, Владимир Короткевич, Ригор Бородулин, Павел Ковалёв шеърларини ҳам ўзбек тилига ўгирдилар. 1985 йилда беларус тилида Зулфиянинг «Менинг юрагим шундай» номли шеърий тўплами чоп этилди.

2019 йилда Беларуснинг «Даля гляди» нашрида Чўлпон, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Али ва Сирожиддин Саййид шеърлари таржимаси босилди. Ўз навбатида. Ўзбекистондаги болалар адабиёти нашрлари учун Алесь Карлюкевич ва Геннадий Авласенко ҳикоялари таржима қилинди. Людмила Рублевская ва Алесь Бадак ҳикоялари «Жаҳон адабиёти»дан ташқари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Китоб дунёси» газетасига, «Саодат» журнаliga тақдим этилди. «Жаҳон адабиёти» журналида Якуб Коласнинг «Семён мусиқачи» поэмаси, Светлана Бикова ва Мария Кобец шеърлари таржимаси амалга оширилмоқда.

Яқинда Беларусда чоп этиладиган «Бярозка» болалар журнали бош муҳаррири Кацярина Каплундан ижодий ҳамкорлик ҳақида таклиф келди. Бунда ушбу журналда чоп этилган ҳикоя ва шеърлардан намуналарни таржима қилиб, Ўзбекистондаги болалар нашрларида босиш, ўзбек болалар адабиёти намуналарини эса беларус тилида чоп этиш назарда тутилган. Шу ўринда таниқли беларус болалар ёзувчиси Алесь Карлюкевичнинг «Шубуршун ва унинг дўстлари» номли саргузашт эртақ-қиссасининг «Ижод» жамоат фонди ҳомийлигида ўзбек тилида чоп этилганини алоҳида қайд қилиш лозим.



Қувонарли жиҳатлардан яна бири шуки, беларус ва ўзбек адабиёти ўртасидаги дўстона муносабатлар нафақат таржима жараёнлари, балки ўзаро мулоқотлар, ижодий сафарлар асосида ҳам ривожланиб бормоқда. Ўтган 2018 йилда Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш масалалари» номли халқаро анжуманда беларуслик шоир ва таржимон Ганад Чарказяннинг иштироки икки томонлама адабий алоқаларнинг янада ривожланиб бораётганининг далилидир.

XX аср беларус адабиёти учун чинакам маънода миллий ўзликни англаш, янги фаол адабий жараёнларнинг бошланиши, адабиётда янги жанр ва услубларнинг пайдо бўлиши билан ажралиб туради. Булар ҳақида ўйлаганда беихтиёр машҳур беларус шоири, академик Якуб Коласнинг қуйидаги сўзлари ёдга келади: **«Инсон учун Ватандек муқаддас ва гўзал неъмат йўқ. Ватансиз инсон энг йўқсил кимсадир. Биз ҳамиша бахтли бўлишга интиламиз, ана шу маънода мен қачон бахтли бўлишим мумкин, қачонки атрофимдаги барча ўзини бахтли деб билса. Бу дунёда йўллар кўп, буларнинг ичидаги энг яхшиси ўзинг танлаган йўлдан юришингдир. Аммо бир нарса доимо ёдингизда бўлсин, доимо ўзлигингизни англаган ҳолда олға юринг!»**

Минск шаҳрида улуғ мутафаккир Алишер Навоий бюсти ўрнатилган кунлар башарият нафақат ўз халқи, балки дунё аҳлига яхшилик ва эзгулик соғинган улуғ диллар ҳамиша эҳтиром ва эъзоз қуршовида бўлишини яна бир карра ҳис этган бўлса ажабмас. Гўёки буюк бобомиз олис беларус заминидан туриб оламга эзгу хитоб қиларди:

*Олам аҳли билингизким,
иш эмас душманлиг,
Ёр бўлинг бир-бирингизгаким,
эрур ёрлиг иш.*

Таниқли беларус шоири Микола Метлицкийнинг «Ўзбекистон» шеъри гўё Якуб Колас юрагидаги она заминимизга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромнинг янги нафасда жаранглашидай эшитилади:

*Сенга салом йўллаيمان, эй Ўзбекистон,
Бағрикенг, муҳаббат, меҳр диёри!*

*Юртимни фашистлар топтаган пайтда,
Замин жароҳатдан титраган пайтда
Яқин жигарлардай бағрингга босдинг
Сен менинг эзилган қондошларимни.*

*Ўйга чўмиб турар Колас сиймоси,
Юксак Чимён сари боққандай кўзи.
Тошкентлик ёшларнинг меҳрини туйиб,
Ёришиб кетгандай шоирнинг юзи.*

Дўстлик – улуғ неъмат, давлат пешволари дўст бўлган, шоирлари биродар тутинган халқларнинг меҳри, оқибати, ҳамжиҳатлиги бардавом ва барқарордир. Мана шундай хайрли ишга биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшиш мақсадида Якуб Колас ва бугунги кунда фаол ижод қилаётган таниқли беларус шоирлари Микола Метлицкий, Юлия Алейченко, Виктор Шнип, Наум Гальперович, Татьяна Сивецнинг оламга мунавварлик соғинчи ила ёзган шеърларини ўзбек тилига таржима қилишга ўзимизни бурчли деб билдик. Бу шеърлар алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. Беларус шоирлари шеърляти юрагимизга жуда яқинлиги билан ҳам қадрлидир. Китобнинг «Салом сенга, меҳр диёри!» дея номланишида теран фалсафий маъно бор. Бу сўзни гўё олис Беларус тупроғида ҳазрат Алишер Навоий, Ўзбекистон заминида эса Якуб Колас тинчлик ва дўстликни улуғловчи эзгу ниятли икки улуғ халққа қараб шивирлаб тургандай.

Адабиёт, шеърят деган тушунчалар шу қадар улуғки, бу сўзлар қалбларда ҳам эзгулик эпкинлари янглиғ покиза тасаввур уйғотади. Токи миллат бор экан, токи бу дунёда



эзгулик ва меҳру муҳаббат, инсоний ғоялар барқарор экан, адабиёт, шеърият яшайверади. Ўз навбатида, бу ўлмас ғоялар, покиза туйғуларнинг боқийлигини таъминлаб, уларга янги куч, руҳ ва хотира бағишлайди. Ҳар бир миллат ўзлигининг, миллий қадриятларининг ёрқин ифодаси бўлиб камол топаверади.

Бир пайтлар исёнкор шеърияти билан миллионлаб дилларга ўз Доғистонини олиб киролган машҳур авар шоири билан мухбирлар ўртасида шундай савол-жавоб бўлиб ўтганди. Шоирнинг «Мен ўз гуноҳларим учун товон тўлашга тайёрман» деган фикрини эшитган мухбирлар: «Нима билан тўлайсиз, шеърларингиз биланми?» – дея савол беришади. Буюк Расул Ҳамзатов уларга шундай жавоб қайтаради: **«Йўқ, адабиёт, шеърият менга ҳар лаҳзада уқтириб турган тақдирим билан «тўлов» тўлайман. Шеърият тасалли эмас, у қалбан, руҳан покланмоқдир. У шоир ботинидаги бетизгин ҳолатни енгиш учун ёрдам бериш баробарида хотирани уйғотади. Хотира – бу виждондир! Унинг ҳукми ҳаққоний ва қатъийдир. Модомики шеърият мендан юз ўгириб, мени гунг ҳолда қолдирмаган экан, бунинг учун мен ун-**

дан миннатдор бўлишим, бу улуг ишонччи оқлашим керак».

Адабиёт оламида, асл ижод аҳли, хусусан, сўзон қалб шоирлар шеърият уларга гунглик қисматини эмас, куйлаш бахтини бергани учун ҳам ўз миллати ва башариятнинг куйчиси сифатида шуҳрат қозонадилар. Шеърият берган буюк ишонччи оқлаш учун ўзларини унутадилар, қайсидир маънода миллатнинг ўзлиги ва саодатига айланадилар.

Кейинги уч йилда Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда оламшумул ислохотлар амалга оширилмоқда. Маънавият ва маърифат, адабиёт ва маданият равнақига давлат сиёсати даражасида берилаётган эътибор Ўзбекистон тарихи ва тараққиётида янги саҳифа очди. Буюк Чингиз Айтматов башорат қилганидек, қалбларга фахр ва ифтихор туйғуларини бахш этиб, навқирон юракларни миллий юксалиш сари даъват этиб, бутун дунё адабиёт ва маданият намояндалари билан «янги, фаол алоқалар» ўрнатилмоқда. Ижодий ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланиб, бедор сўзнинг ўлмас нафаси, эзгу даъватлар, дўстона муносабатлар ҳамиша қалбларимизни мунаввар этиб тураверсин.



Акбар Исломов
(1896 – 1938)

ТАНИҚЛИ ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ АРБОБИ АКБАР ИСЛОМОВ

Советлар томонидан амалга оширилган 1937 – 1938 йиллардаги «Катта террор» ёки «Қулоқлар операцияси» деб номланган сиёсий қатағон кампаниясида Ўзбекистондан қатағон қилинган партия, давлат, ҳукумат, хўжалик, санъат, адабиёт, фан ходимлари ва арбоблари тақдири ҳал қилинган ҳужжат ва материаллар билан танишиш, ҳужжат ва материаллардан нусхалар олиш мақсадида 2011 йили Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлик Хизмати Марказий архивида изланиш олиб борган эдик. Изланишлар жараёнида СССР Олий судининг Ҳарбий коллегияси томонидан 1936 йил 1 октябридан 1938 йил 30 сентябригача 3051 киши отувга, 5643 киши 8 – 15 йиллик қамоққа ҳукм этилгани ҳақида маълумотларга эга бўлдик.

Жумладан, шу ҳарбий коллегия Бухарин-Риков ишларини, шу билан бирга, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, И.А.Зеленскийнинг ишларини ҳам кўрган.

«Катта террор» йилларида СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси раиси В.В.Улрих, унинг ўринбосарлари – корпус ҳарбий юристи И.О. Матуллаевич ва дивизия ҳарбий юристи И.Т. Никитеченко бўлган. Ҳарбий коллегиянинг 34 аъзоси ва 4 нафар секретари бўлган. Ҳарбий коллегия аъзоси, бригада ҳарбий юристи Г.А.Алексеев 1938 йил октябрида Тошкентда ўтказилган СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессияси йиғилишларига раислик қилган.¹

1938 йил 4 – 10 октябрь кунлари Тошкентда СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр

йиғилишлари ўтказилган. Бу йиғилишларда 507 нафар ўзбекистонлик шахснинг тақдири ҳал этилган. Қўлимизда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессияси раиси, ҳарбий юрист Г.А.Алексеевнинг 1938 йил 4 октябрда Ўзбекистон СССР ички ишлар халқ комиссари, Давлат хавфсизлиги майори Дереник Захарович Апрессянга йўллаган расмий талабномаси. Унда 1938 йил 4 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан 52 маҳбус олий жазога – отувга ҳукм этилгани айтилган, ҳукм ижросини зудлик билан таъминлаш талаб қилинган, 52 маҳбус номма-ном келтирилган. Д.З.Апрессян бу хатдаги талабномани ижро этиш вазифасини Давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Шишкин зиммасига юклаш ҳақида резолюция қўйган. Ўша кунгача ҳукм ижро этилиб, бу ҳақда далолатнома тузилган. Унда Давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Шишкин, ишчи-деҳқон қизил армияси бош ҳарбий прокурори ёрдамчиси, 1-ранг ҳарбий юрист Шульцан иштирокида ҳукм ижро этилгани қайд қилинган, қайднома юқоридаги икки шахс томонидан имзоланган. Хуллас, 4 октябрда 52 киши, 5 октябрда 36 киши, 7 октябрда 39 киши, 8 октябрда 40 киши, 9 октябрда 42 киши, 10 октябрда 33 киши, 11 октябрда 26 киши, 13 октябрда 42 киши, 14 октябрда 36 киши, 15 октябрда 25 киши отувга ҳукм этилган. Бундан ташқари, 4 – 15 октябрдаги йиғилишларда қатағон қилишнинг иккинчи тоифаси бўйича 70 маҳбус 10 – 15 йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Тошкентга келгач ана шу қатағон бўлган-

¹РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531 – 579-б.



ларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида изланишлар олиб бордик. 2012 йили «Шарқ» нашриётида «Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (Биринчи китоб)» номли китобимиз 1000 нусхада нашр этилди. Китобда ўша 4 октябрда отувга ҳукм этилган Акбар Исломович Исломов ҳақида маълумотлар берилган. Уни айнан келтирамиз:

«Исломов Акбар Исломович, 1896 йили Қўқон шаҳрида дурадгор ишчи оиласида туғилган, ўзбек, рус-тузем мактабида, янги усул мактабида таълим олган, Биринчи жаҳон уруши туфайли моддий аҳволи ночор бўлганлигидан Қўқон шаҳридаги Обиджон Маҳмудовнинг босмахонасига ишга киради, «Садойи Фарғона» мусулмон газетасида, кейин 1917 йил охирига қадар Бельский босмахонасида рус ва ўзбек тилида ҳарф терувчи бўлиб ишлайди. 1916 йил Чор ҳукуматининг мардикоролди сиёсатига қарши чиққан, ана шу сиёсатни фoш этувчи мурожаатлар ёзиб масжидларда тарқатган. Керенский ҳукумати даврида шаҳар хокимлигини сайлашдаги митингда маҳаллий ишчи ташкилотидан 6 ишчи ваҳшийларча ўлдирилган. Туркистон мухторияти очган янги босмахонада ҳарф терувчи ишчи бўлган. Қўқон воқеаларидан кейин босмахона бўлимида ишлаб, мусулмон ишчилар иттифоқига кириб, унинг раиси бўлади. 1918 йил августда большевиклар партиясига киради, Туркистон АССР Советларининг VI съездида Марказий Ижроия Комитети аъзолигига сайланади. 1918 – 1919 йилларда Тошкентда Ички ишлар ва Ташқи ишлар коллегияси аъзоси, 1919 йил январдан августгача РСФСРнинг Бухоро амирлигидаги доимий вакиллик раиси ўринбосари, 1919 йил август – ноябрь ойларида Фарғонада босмачиларга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг вакили бўлиб ишлайди. 1919 йил ноябрдан

1920 йил августгача Туркистон Республикаси Ички ишлар халқ комиссарлиги ўринбосари бўлиб хизмат қилган. 1920 – 1923 йилларда Ўрта Осиё давлат университети ишчи факультети, 1923 – 1925 йилларда Ўрта Осиё давлат университети талабаси, 1925 йил августидан 1927 йил январигача Тошкентда Сирдарё области ижроия комитетининг раиси, 1927 йил январидан 1929 йил январигача Москва шаҳрида Ўзбекистоннинг СССРдаги доимий вакили бўлиб хизмат қилган. 1929 йил январидан декабригача ЎзССР план комиссиясининг раиси, 1929 йил декабридан ЎзССР молия халқ комиссари лавозимларида ишлаган.

1932 йили ЎзССР Марказий Ижроия Комитети томонидан молиявий фронтдаги фаол ишлари ҳамда республика халқ хўжалигини мустаҳкамлашдаги иштироки учун «Қизил Байроқ» ордени билан тақдирланган. Айни вақтда, 1935 йил 8 июнда Ўзбекистон Коммунистик партиясига Марказий Комитети бюроси томонидан давлат маблағини шахсий мақсадларда ишлатгани учун қатъий ҳайфсан берилган.



Биринчи қаторда чандан ўнгга: Йўлдош Охунбобоев, Файзулла Хўжаев, Акбар Исломов. Иккинчи қаторда чандан ўнгга: Турсун Хўжаев – ташқи ишлар вазири, Абдулҳай Тожиев – Тошкент шаҳар совети раиси

1937 йил 21 июнда тўлғизилган кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақасида хотини, бир ўғли, бир қизи борлиги, Тошкент шаҳрининг



Оққўрғон кўчаси 5-уйда яшаётганлиги қайд этилган.²

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр йиғилишининг 1938 йил 4 октябрдаги йиғилишида Акбаров Исломович Исломов отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куннинг ўзида ижро этилган. У реабилитация қилинган, партиявий стажи тикланган».³

Маълумки, мустақил Ўзбекистон 1998 йили қардош Озарбайжон Республикасида ўз элчихонасини очган. Ўзбекистон элчихонаси Боку шаҳрида фаолият кўрсата бошлаган. Элчихона Боку шаҳри Бадамдар кўчаси 1-шоссе 9-тор кўча 427-уйда жойлашган. Ўшанда Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги элчиси Абдуғафур Сатторович Абдурахмонов бўлган. Элчихонанинг бош ҳисобчиси Саидолим Мажидхўжаев эди. Биз Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти Абдуазим Содиқов

ёрдамида Саидолим Мажидхўжаев билан телефон орқали танишиб олдик. Саидолимхон аканинг айтишича, Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги элчихонаси минтақавий бўлиб, Озарбайжоннинг ён қўшниси Грузия Республикасида ҳам элчихонанинг вакили фаолият кўрсатган. 1998 йил август ойида Озарбайжондаги элчихона ходимлари Грузияга борганлар ва Грузия Президентига Ўзбекистоннинг ишонч ёрлиғини топширганлар. Учрашувдан сўнг ўзаро суҳбатда Грузия диёрида ўзбеклар ҳам бор ёки йўқлиги суриштирилади. Грузияликлар Акбар Исломовнинг ўғли Темур Исломов яшаётганини айтадилар. Натижада Озарбайжондаги элчихона ходимлари Темур Исломов билан алоқа ўрнатадилар, ҳатто уни Ўзбекистон элчихонасининг Грузиядаги ходими сифатида ишга қабул қиладилар. Саидолим ака Мажидхўжаев биринчи бор маош



Ўртада Озарбайжон Республикасининг Президенти Ҳайдар Алиев, унинг ўнг томонида Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги элчиси Абдуғафур Абдурахмонов, чап томонида масъул ходим Саидолим Мажидхўжаев. Боку, 1998 йил июнь

олаётганида Темур Исломов бу маошни гўёки марҳум отам ўз қўли билан бераётгандек туюлмоқда деб кўзига ёш олганини айтиб берди. Саидолим ака билан Темуржон яқиндан дўст бўлишган. Бундан хабар топгач биз Саидолим акадан Акбар Исломовнинг мавзуга оид ҳужжатлар, расмлар бўлса, бизга юборишини илтимос қилдик.

Яқинда айтилган дамба Тошкентда истиқомат қилаётган Саидолим Мажидхўжаев билан учрашдик. У кишининг айтишича, 2008 йили Темур Исломов Бокудаги Ўзбекистон элчихонаси орқали

²ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-рўйхат, Акбар Исломовнинг шахсий делоси.

³РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 530-варақ; Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қатафон сиёсати ва унинг оқибатлари (Биринчи китоб). – Тошкент: Шарқ, 2012. – Б.61 – 62.



Саидолим акага отаси ва онаси ҳақидаги айрим ноёб ҳужжат ва суратларни Тошкентдаги музейга топширишни илтимос қилиб элчи-хонага топширган. Аммо бу вақтда хизмат муддати тугаганлиги сабабли Саидолим ака Тошкентга чақирилган эди. Темур Исломов

юрган ҳужжат ва суратлар 2011 йилдагина Саидолим акага юборилган.

Қуйида Акбар Исломовнинг Тбилисидаги оила аъзолари шахсий архивида сақланаётган ҳужжатлардан айримларининг асл нусхасини келтирмоқдамиз.

ВЫПИСКА НА ЖИТЕЛЬСТВО СЛУЖИТЬ НЕ МОИ

Народный комиссариат Внутренних Дел НКВД УзССР ОТДЕЛЕНИЕ МЕСТ ЗАКЛЮЧЕНИЯ Т В Р Ы М А г.Ташкент 5 февраля 1939г. № 1/9385 г.Ташкент	ПЕРИОДЫ 1939 Г. ПРОШЛИ ДОСРОЧНО
--	------------------------------------

СПРАВКА

ВЫДАНА гр-ке И С Л А М О В О Й Кетеваны Давидовны
1904 года рождения, уроженке г. Б а т у м и
в том, что она с 2 Октября 1937 года по 5 февраля
с.г. года содержалась под стражей в Ташкентской тюрь-
ме № 1 НКВД УзССР и еегя членка О С В О Б О Д
Н А.
Справка выдана для представления на место жительства.

НАЧАЛЬНИК ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ ТЮРМЫ № 1 НКВД Уз.	/АНДРЕЕВ/
НАЧАЛЬНИК УЧЕТА :	/МЕРКУЛЬЕВ/
/печать/	

ГЕНЕРАЛЬНОМУ ПРОКУРОРУ СЮДЗА ССР
товарищу РУДЕНКО

Кетеваны Давидовны КУДНАШВИЛИ-
ИСЛАМОВОЙ, прожив. в г.Тбилиси
по ул.Бакредзе № 16

Заявление

2-го августа 1937 года был арестован в г.Ташкенте органами ГПУ Узбекской ССР муж мой ИСЛАМОВ Акбар ~~Исламов~~ - узбек по национальности, рожденный в гор.Копет-Дане УССР 1896 года, перед арестом занимавший должность Народного комиссара финансов Узбекской ССР, одновременно состоявший членом Политбюро ЦК КП(б) Узбекистана, будучи членом ЦИК в СССР.

По официальной справке, полученной мною из органов НКВД, супруг мой осужден решением особого совещания сроком на 10 лет без права переписки.

Не имея понятия об официальной версии обвинения моего мужа, у меня осталось впечатление от газетной статьи, опубликованной о нем в августе месяце 1937 г. и от выступлений отдельных руководящих работников Узбекистана, проработавших его после ареста, что обвинение его состояло в переброске средств от просвещения на расширение ирригационной сети республики, равно как и содержание в доме немки воспитательницей ребенка.

Не зная материальных основ подобного обвинения, не могу не довести до Вашего сведения, что и по настоящее время воспитательница моего ребенка, жившая у нас в доме, Фиданх Мария Карловна ничем не запятнана и продолжает жить в Советском Союзе, пользуясь всеми правами гражданства.

Что же касается переброски средств с просвещения на ирригацию страны - в этом не должно содержаться элементов преступления, ибо всякое изменение бюджета не

2.

могло не подвергнуться правительственному решению, не говоря уже о целесообразности этих мероприятий в условиях безводной Средней Азии. К тому же спустя 2 года этот вопрос, расследованный Министерством финансов Союза ССР, как мне известно, нашел полное подтверждение в правильности действия моего супруга.

То, что все обвинения, предъявленные моему супругу были инсценированы и не содержали в себе истинной вины, следует заключить из того факта, что при проведении Бухаринского процесса в Москве - руководители Узбекского партии и правительства, привлеченные к уголовной ответственности по этому делу - Файзулла Ходжаев и Икрамов в своих показаниях широко рассказывали о своих преступных действиях и связях, - ни одним словом не зацели и не оговорили моего супруга, состоявшего на руководящих работах Узбекистана на протяжении более чем 2-х десятков лет.

Мнение мое о полной невинности Ақбара Исламова лично для меня подтверждено десятью годами совместной с ним жизни (с 1927 по 1937 г.г.). На протяжении этих годов, безотлучно находясь с ним, я при всем здравом смысле и при глубоком человеческом анализе его личности, вне всякого колебания уверовала в нем, в одном из самых культурных узбеков своего времени, высокопринципального, преданного партии и правительству человека. Такое же мнение о нем составила вся моя семья и в том числе мой отец - классик грузинской литературы, один из видных знатоков человеческой психологии - писатель Давид КЛДИШВИЛИ.

О том, что он буквально ни в чем не повинен и что подвергался гнусным издевательствам и унижению по поводу фабрикованных обвинений - он лично говорил мне в декабре месяце 1938 года - при наших случайных встречах 2 раза в условиях заключения после моего ареста в Ташкентской тюрьме.

Ақбар ИСЛАМОВ ни по своему внутреннему складу, ни по своим моральным качествам, ни по своим биографическим данным и происхождению не мог быть человеком, могущим быть изменником родины.

3.

Это был человек, родившийся в провинциальном городке Узбекистана Қўқанде в семье рабочего столяра; свою жизненную деятельность он начал со стенка рабочего-печатника и с первых же дней Советизации он один из активных руководителей по изгнанию из Средней Азии Эмира Бухарского, впоследствии - в самый трудный период после гражданской войны в борьбе по ликвидации белогвардейщины и банд басмачей, руководимых иностранными разведками - он Пред.ЧЕКА, ежедневно рискуя жизнью во имя идеи и родины.

Жадно впитывая познания и бесперебойно работая над собой - по окончании с/хозяйственного института он назначен ректором Среднеазиатского университета в Ташкенте. После чего он Предоблисполкома Ташкента, а затем с 1935/30 г. постоянный представитель узбекского правительства при правительстве Союза ССР в Москве, одновременно состоятельным Президентом Центрального Исполнительного Комитета Союза.

С 1930 г. он Зам.Председателя правительства и Пред. Госплана Узбекистана и, наконец, перед арестом - Министр финансов.

Этот долгий, тяжелей и честный путь труда от рабочего со стенка до члена правительства был пройден в большой любви, в безукоризненном знании интересов и чаяния своего народа. Это всегда подтверждалось истинной его дружбой и взаимным признанием с ведущей интеллигенцией и особенно поэтами и писателями не только Узбекистана, но и России и Грузии.

Спустя месяца два после ареста моего мужа 2/Х-37 г. был арестован и я, и в результате единственного допроса, при котором просто были выполнены сведения о моих демографических данных, я была заключена как член семьи Усламова Ақбар. Семья наша была до дна разорена - была отобрана наша квартира, а потом и единственная комната, оставленная нам, были унесены буквально все вещи, накопленные за десять лет трудовыми сбережениями, совсем маленький мальчик мой остался на улице, в последующем нашедший приют у моих родственников в далекой Грузии.

4.

Но как видно не очень тяжелы были обвинения моего супруга, ибо я, подвергшаяся аресту как член его семьи, была освобождена с прекращением моего дела через один год и ~~четыре~~ ^{два} месяца, и после этого, постоянно интересуясь судьбой своего супруга, безизменно получаю один ответ, что "он в ссылке без права переписки" и я, смирившись, терпеливо каждый раз ожидала очередного такого-же ответа.

А на этот раз, имея при себе уже 22-летнего сына Ақбар Ақбаровича ИСЛАМОВА, преподавателя Института физкультуры, чемпиона Грузии по фехтованию, того самого, что 18 лет назад был оставлен на улице, обречаюсь к Вам с просьбой истребовать дело моего мужа ИСЛАМОВА Ақбара Исмаиловича с целью его пересмотра и при установлении в нем отсутствия состава преступления - войти с протестом в Коллегию по уголовным делам Верховного Суда Союза ССР для прекращения его уголовного дела и полной его реабилитации, чем будет предоставлена возможность и мне и моему ни в чем не повинному сыну снять с себя ярмо стыда за отца и мужа, а может быть и увидеть его.

При этом хочу заметить, что 10 лет наказания закончены еще в 1947 году.

К.Д.Исламова-Клдишвили

" " июля 1954 года



Мазкур ариза қуйида ўзбекчада берилмоқда.

ССР ИТТИФОҚИ БОШ ПРОКУРОРИГА

Кетевани Давидовна Клдиашвилидан
Тбилиси ш. Бакрадзе к. №16

АРИЗА

1937 йил 2 августда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ССР ГПУ органлари томонидан турмуш ўртоғим Исломов Акбар Исломович қамоққа олинди. Миллати – ўзбек, 1896 йили ЎзССР Қўқон шаҳрида туғилган. Қамоққа олинганга қадар Ўзбекистон ССР молия халқ комиссари лавозимида ишлаган, бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон КП(б) МК сиёсий бюроси, СССР Марказий Ижроия Комитети аъзоси бўлган.

НКВД органларидан олинган маълумотга кўра, турмуш ўртоғим тезкор мажлис қарорига асосан хат ёзиш ҳуқуқи чекланган ҳолда 10 йил муддатга ҳукм қилинган.

1937 йилнинг август ойида турмуш ўртоғим ҳақида ёзилган газета мақоласи ҳамда қамоққа олингандан сўнг унинг иши билан шуғулланган Ўзбекистоннинг айрим раҳбар ходимлари чиқишларида айтилган гаплардан ташқари турмуш ўртоғимга қўйилган айбловлар тўғрисида бирон-бир расмий маълумотга эга эмасман. Айтилишича, унинг айби маорифга ажратилган маблағларни республиканинг ирригация тармоқларини кенгайтириш мақсадларига суриб юборганлиги ва бола тарбияси учун уйда немис аёлини ушлаб турганидан иборат бўлган.

Бундай айбловнинг моддий асосини кўрмаган ҳолда сизга шуни маълум қиламанки, боламнинг тарбияси билан шуғулланган Фридик Мария Карловна ҳозир ҳам ўзига доғ туширмай, фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланиб Совет Иттифоқида яшаб келмоқда.

Маорифга ажратилган маблағларнинг мамлакат ирригациясига ўтказиб юборилганлигига келсак, бу ерда жиноят аломатлари бўлиши мумкин эмас. Ўрта Осиёнинг сувсизлик шароитида бу тўғри қарор эканлиги айтилмаганда ҳам, бюджетдаги ҳар қандай ўзгариш ҳукумат учун хатарли эмас. Менга маълум бў-

лишича, 2 йил ўтгач бу масала ССР Иттифоқи Молия вазирлиги томонидан ўрганиб чиқилган ҳамда турмуш ўртоғимнинг бу ҳаракати тўғри бўлганлиги ўз тасдиғини топган.

Турмуш ўртоғимга қўйилган айб кимлар томонидандир ўйлаб топилган уйдирма, унда айбдорлик даражаси йўқ эканлигини Москвада бўлиб ўтган Бухарин билан боғлиқ жараёнда унинг иши юзасидан жинойий жавобгарликка тортилган Ўзбекистоннинг партия ва ҳукумат раҳбарлари – Файзулла Хўжаев ва Икромов ўзларининг жинойий фаолияти ва жинойий алоқалари тўғрисидаги кўрсатмаларида 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида Ўзбекистоннинг раҳбарлик лавозимларида ишлаган турмуш ўртоғим ҳақида биронта ёмон гап ёки тухмат сўзлари айтмагани фактидан ҳам кўриш мумкин.

Акбар Исломовнинг тўла айбсизлиги ҳақидаги фикрим у билан бирга яшаган ўн йил (1927 – 1937) мобайнида ўз тасдиғини топган. Шу йиллар мобайнида ундан сира ажралмаган ҳолда яшаб, соғлом ақл, инсонийлик нуқтаи назари билан яхши ўрганар эканман, унинг шахсида ўша даврдаги энг маданиятли ўзбекни, партия ва ҳукуматга содиқ, ўта жиддий одамни кўрганман. Менинг бутун оилам, шу жумладан, отам – грузин адабиёти классиги, инсон руҳиятининг машҳур билимдонларидан бири, ёзувчи Давид Клдиашвилининг фикри ҳам шундай.

Мен қамоққа олинганимдан кейин, яъни 1938 йилнинг декабрь ойида Тошкент турмасида у билан икки марта тасодифан учрашган пайтимизда турмуш ўртоғим ҳеч нарсада айбдор эмаслигини ва асоссиз айбловлар туфайли таҳқирлаш ва хўрлашларга дучор бўлганини айтиб берган.

Акбар Исломов ички дунёси, ахлоқий қарашлари, биографик маълумотлари ва келиб



чиқишига кўра ҳам Ватанга хиёнат қилувчи инсон бўлиши мумкин эмас.

У Ўзбекистоннинг кичкина шаҳарчаси – Қўқонда дурадгорлар оиласида туғилган. Ўзининг ҳаётий фаолиятини чоп этиш дастгоҳини бошқаришдан бошлаган. Советлаштиришнинг биринчи кунларида Ўрта Осиёдан Бухоро амирини қувиб чиқариш жараёнининг фаол раҳбарларидан бири бўлган, кейинчалик эса, яъни хориж разведкаси томонидан бошқарилган оқ гвардиячилар ва босмачиларни тугатишга қаратилган фуқаролар урушидан кейинги энг мураккаб даврда Фавқулодда Комиссия раиси сифатида жонини аямасдан хизмат қилди. Барча билимларни чанқоқлик билан ўзлаштириб, ўз устида тинимсиз изланди. Қишлоқ хўжалик институтини тамомлагач, Тошкентдаги Ўрта Осиё университетининг проректори этиб тайинланди. Шундан сўнг Тошкент область ижроия кўмитасининг раиси бўлади. 1925 – 1930 йилларда Москвада ССР Иттифоқи ҳукумати ҳузурдаги Ўзбекистон ҳукуматининг доимий раиси, бир вақтнинг ўзиде Иттифоқ Марказий Ижроия Комитети Президиумининг аъзоси сифатида фаолият кўрсатади.

У 1930 йилдан Ўзбекистон ҳукумати раисининг ўринбосари ва қамоққа олинишидан олдин молия вазири лавозимларида ишлади.

Станок олдидаги ишчи ҳукумат аъзолигигача бўлган оғир ва ҳалол меҳнат йўлини ўз касбига бўлган меҳр-муҳаббати билан, ўз халқининг манфаати ва орзу-умидлари билан бақамти яшаган ҳолда босиб ўтди. Унинг бу фазилатлари нафақат Ўзбекистондаги, балки Россия ва Грузиядаги илғор зиёлилар, айниқса, шоир ва ёзувчилар билан ўрнатган дўстлиги, уларнинг чин эътирофлари билан доимо исботланиб келган.

Турмуш ўртоғим қамалгандан сўнг икки ой ўтиб, 1937 йилнинг 2 октябрида мени ҳам

ҳибсга олишди. Фақат менинг демографик келиб чиқишим тўғрисидаги маълумотларни тўлдириш билан кифояланган ягона сўроқ натижаларига кўра мен Исломов Акбарнинг оила аъзоси сифатида қамалдим. Оиламиз ич-ичидан емирилиб кетди – квартирамизни, кейинроқ эса бизга қолдирилган биттагина хонани ҳам тортиб олишди. Ўн йиллик меҳнатимиз эвазига жамғарган барча буюмларимизни чиқариб кетишди. Кичкина ўғлим кўчада қолиб, охири олис Грузиядаги қариндошларимизникидан паноҳ топди.

Кўриниб турибдики, турмуш ўртоғимни осонгина айблашган. Мени унинг оила аъзоси сифатида қамоққа олишганидан 1 йилу 6 ой ўтиб озод қилишди. Шундан буён турмуш ўртоғимнинг тақдири билан доимо қизиқиб келар эканман, фақат битта жавобни эшитаман: «У хат ёзиш ҳуқуқисиз сургунда», бунга кўниккан ҳолда сабр билан яна шу жавобни кутиб яшайман.

Бу сафар ёнимда 22 ёшли ўғлим – Жисмоний тарбия институти ўқитувчиси, қиличбозлик бўйича Грузия чемпиони, бундан 18 йил муқаддам кўчага чиқариб ташланган Тимур Акбарович Исломов тургани ҳолда Сиздан турмуш ўртоғим Исломов Акбар Исмоиловичнинг жиноий ишини қайта кўриб чиқиш учун талаб қилиб олишингизни, жиноят аломати топилмаса, унга нисбатан жиноий ишни тўхтатиш ва тўла оқлаш бўйича ССР Иттифоқи Олий судининг жиноят ишлари бўйича Коллегиясига протест киритишингизни сўрайман. Бу менга ва мутлақо айбсиз бўлган ўғлимга ота учун ноҳақ азият чекиб яшашдан халос қилиш имкониятини беради.

Ўз ўрнида шуни эслатиб ўтмоқчиманки, 10 йиллик жазо муддати 1947 йилдаёқ тугаган.

К.Д.Исломова-Клдиашвили
1954 йил «» июль



Чапдан ўннга: **1. Исломов Нуриддин. 2. Тўрақулова Саидахон. 3. Исломова Кетевана. 4. Исломова Муқаддасхон.** Тера қаторда турганлар: **1. Муроджон Мусабоев. 2. Исломов Темур. 3. Исломов Баҳромжон. 4. Умаров Аҳмаджон.**

Сурат Тўрақулов Элёр Муродовичнинг шахсий архивидан



Акбар Исломовнинг ўгли Темур ва жияни Саида Тўрақулова (Тошкент шаҳри, 1937 йил)

Сурат Тўрақулов Элёр Муродовичнинг шахсий архивидан

К.О.П.И.Я

Пролетарии всех стран, соединяйтесь!

ИНСТИТУТ ИСТОРИИ ПАРТИИ ПРИ ЦК КП УЗБЕКИСТАНА –
ФИЛИАЛ ИНСТИТУТА МАРКСИЗМА – ЛЕНИНИЗМА ПРИ ЦК КПСС

№ 290

16 сентября 1966 года.

Уважаемый тов. Лексаев Ф.П.!

Для сведения сообщая Вам, что Институт истории партии при ЦК КП Узбекистана в связи с 70-летием Исламова А. вопел с ходатайством в ЦК КП Узбекистана о проведении следующих мероприятий:

1. В газетах "Правда Востока", "Совети Узбекистони" и Ферганских областных газетах опубликовать статьи о тов. Исламове А.

2. Его именем назвать типографию в городе Коканде, где он еще до революции работал рабочим.

3. Его именем назвать одну из школ или улицу в городе Коканде.

ДИРЕКТОР ИНСТИТУТА ИСТОРИИ
ПАРТИИ ПРИ ЦК КП УЗБЕКИСТАНА

М. ВАХАБОВ

Взято: *Ф. Лексаев*

пер. Касимов
25 сентября 1966 года

UZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY SUDI

Uzbekiston Respublikasi 700186
Toshkent sh. A.Qodiriy, 1. tel. 41-13-05

15 январи 1988 года № Р-08-88



SUPREME COURT
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

fax: (3712)
41-00-28

A.Kadiriy, 1. Tashkent 700186
Republic of Uzbekistan tel. 41-13-05

СПРАВКА
(о реабилитации)

Исламов Акбар Исламович, 1896 года рождения, уроженец г.Коканда, до ареста был Народным Комиссаром финансов Узбекской ССР, арестован 03.08.1937г., приговором Военной коллегией Верховного суда СССР от 04.10.1938 г. приговорён к смертной казни с конфискацией имущества за совершение преступлений предусмотренных ст.ст. 58, 63, 64, 67 УК Узбекской ССР (по политическим мотивам).

Определением Военной коллегии Верховного суда СССР от 29 июня 1956 года приговор Военной коллегии Верховного суда СССР от 4 октября 1938 года в отношении Исламова Акбара Исламовича отменен, уголовное дело производством прекращено за отсутствием состава преступления, то есть Исламов А.И. реабилитирован.

Заместитель Председателя
Верховного суда Республики Узбекистан



ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ИЗИДАН...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майда эълон қилинган фармойишида совет тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид зиёлилар хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-ижодий меросини ўрганиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Ўша йилнинг 22 июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «**Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида**» қарор қабул қилди. Бу ҳар икки давлат ва ҳукумат ҳужжати кўплар қатори биз – тарихчилар учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Андижон давлат университети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси мудири сифатида биз ҳали СССР қуламасидан олдиноқ шу совет режимининг қурбони бўлган ватандошларимизнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида илмий тадқиқот ишлари билан машғул эдик. Қатағон қурбон-



ларидан Иномжон Хидиралиев, Акбар Ўрозалиев, ака-ука Султонмасъуд, Шоҳрухмирзо, Султонмахмуд Холботировлар, Абдурахим Юсуфзода, Усмонхон Эшонхўжаев, Дмитрий Семёнович Урюпин, Вадим Афанасьевич Чайкин ва бошқаларнинг қисмати, тақдири, асоссиз қатағон қилинганликлари ҳақида матбуотда мақолалар эълон қилиб турардик. Бундан хабар топган ўша қатағон қурбонларининг авлодлари бирин-кетин бизга мурожаат эта бошладилар. Шундан келиб чиқиб 2001 йил 21 апрелда ҳозирги Андижон вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг фаоллар залида илмий конференция уюштирдик. Анжуманга Тошкентдан «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди раиси, профессор, ҳозирда академик Наим Каримов, адабиётшунос профессор Собир Мирвалиев, ҳозирда марҳум доцент Шерали Турдиев ташриф буюрган эдилар. Анжуманда қатағон қурбонларининг авлодларидан Маҳфиратхон



Хидиралиева, Жўрахон Холботирова, Сан-жарбек Ўрозалиев ва бошқалар ҳам иштирок этишган. Ҳатто Тошкентдан қатағон қурбони Ислонбек Арслонбековнинг бир гуруҳ қавм-қариндошлари ҳам анжуманга келиб иштирок этганлар. Шунда биз ана шу қатағон қурбонларининг ҳаёт йўли, фожиали тақдир ҳақида маъруза билан чиқиш қилган эдик. Кўплаб анжуман иштирокчиларининг чиқишлари ҳам бўлган. Улардан бири – Андижон давлат университети ўқув ишлари бўйича проректори, профессор Қодиржон Парпиев ўз нутқида Андижон давлат университети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси олиб бораётган илмий ишларни янада кучайтириш, қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш учун кенг жамоатчиликни жалб этиш, тегишли ҳудудларга илмий сафарлар уюштириш кераклигини, иложи бўлса, шу мавзунинг ўрганидан жамоат фонди ташкил этиш зарурлигини айтган эди. Натижада шу анжуманда «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фондидини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Биз тегишли ҳужжатлар билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирли-

гига муурожаат қилдик. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Абдусамат Полвонзода имзоси билан «Мерос» рўйхатдан ўтди.

Экспедиция аъзолари бу ҳуқуқий ҳужжат билан Ўзбекистон ва унинг ташқарисидаги архивларда, кутубхоналарда, музейларда бўлиб, 1920 – 1930 йилларда «қулоқ»қа тортилган, қамоқ жазосига ҳукм этилиб, ГУЛАГ лагерларига юборилган, 1937 – 1938 йилларда қатағон қилинган юртдошларимиз ҳақида кўплаб ҳужжат ва материаллар олишга муваффақ бўлди. «Мерос»дан, Андижон давлат университетидан алоқа хатларига салбий муносабат билдириб, ҳужжатлардан нусха олишга изн бермаганлар ҳам бўлган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивидан қатағон қурбони Ёқубжон Исақулов ҳақидаги 48 та делодан фойдаланиш илтимос қилинганда архив раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Олий судининг рухсати бўлсагина бу материаллардан фойдаланиш мумкинлигини айтган. Биз Олий судга борганимизда шу идора масъул ходимларидан Алишер Турғунов мени таниб қолиб: «Домла, қайси шамоллар





учириб биз томонларга келиб қолдингиз?» – деди. Мен Алишер Турғуновни танимас эдим, лекин у университетда ишлаётганимдан бо-хабар экан. У мақсадимни билгач, менга кўмак бериш учун Олий суд раиси ўринбосари Абдусамат Полвонзоданинг ҳузурига кириб, масалани баён этди. Раис ўринбосарининг хонасидан чиқиб, Ёқубжон Исақуловга тегишли 48 та архив ишини Андижонга олиб кетиб фойдаланишга розилик берганини айтди. Шу заҳотиёқ ариза ёздим, Алишер Турғунов аризамни раис ўринбосари Абдусамат Полвонзодага олиб кирди, у киши ёзма кўрсатма берди. Бу хатни Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивига бориб топширдим. Масала ижобий ҳал қилингач, 48 та ишни кунт билан ўргандик, Ёқубжон Исақуловнинг ибратли, шонли ҳаёт йўлини очиб берувчи, унга қарши советлар қўллаган қатағон амалиётини фош этувчи фактик лавҳаларни келтирдик. Натижада 2001 йили «Шарқ» нашриётида «Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар» номли 414 бетлик китобимиз нашр юзини кўрди. Бу китобнинг 152 – 199-бетларида «Ёқубжон Исақулов (1885 – 1931)» номли материал берилган. Бу китобдаги манбалар ҳозирда ҳам Тошкент ва Андижондаги «Қатағон қурбонлари хотираси музейи» залларига қўйилган, саёҳатчилар ундан баҳраманд бўлишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев 2017 йил 31 август куни Тошкентдаги «Қатағон қурбонлари хотираси музейи»га ташриф буюрганида ҳар бир вилоятда музейнинг филиалларини таш-

кил қилиш кераклигини айтди. Шу таклиф асосида 2017 йил 22 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасидаги қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги 936-сонли қарор қабул қилинди. Шунга мувофиқ 2018 йил 15 августда Андижон давлат университети тузилмасида «Қатағон қурбонлари хотираси музейи» ишга тушди. Ўшандан бери Андижон вилоятидан, Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан, ҳатто хорижий мамлакатлардан музейга ташриф буюрганлар сони 15 мингга яқинлашди. Музейга Президент девони ва Администрациясидан, Вазирлар Маҳкамасидан, турли вазирликлардан ҳам мутасадди ходимлар ташриф буюришмоқда.

2019 йил 3 октябрда музейга юридик фанлар доктори, профессор Ҳалим Бобоев, Адлия вазирлиги фахрийлар кенгаши раиси Эрмуҳаммад Шерматов, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Адлия вазирлигида кўп йиллар раҳбар бўлиб ишлаган Абдусамат Полвонзода ташриф буюрди. Ўз вақтида каминага ёрдам қўлини чўзган, Ёқубжон Исақулов ҳақидаги материалларни архивдан олишга кўмаклашган Абдусамат ака Полвонзода билан илк бор учрашганимдан беҳад қувондим. Унинг қилган яхшилигига ўз миннатдорчилигимни билдирилмаганимдан армонда юрардим. У киши ва ҳамроҳларига шахсан ўзим экскурсоводлик қилдим.





Абдусамат Полвонзоданинг Олий суд раиси, адлия вазири лавозимларида хизмат қилган даврда Марказ томонидан «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» номи остида қўлланилган қатағон сиёсати ва амалиётига қарши турганлиги ҳақида озми-кўпми тасаввурга эга эдим. Негаки биз ҳаммуаллифим Шоди Каримов билан 1998 йили «Ватан тарихи (Ўзбекистон шўролар истибдоди даврида)» номли ўқув қўлланмада Ўзбекистонда 80-йилларда совет ҳукумати амалга оширган навбатдаги қатағон сиёсатини баҳоли қудрат очиб беришга ҳаракат қилганмиз.

Абдусамат Полвонзоданинг ибратли фазилатларидан яна бири – фуқароларнинг ариза ва мурожаатларига жиддий қараб, иложи борица ижобий ҳал қилишга уринганига шоҳидман. Миллий санъатимиз дарғаларидан бири, асакалик бастакор Ғуломжон Рўзиев 22 ёшида Иккинчи жаҳон уруши даврида қизил армия сафига сафарбар қилинган, урушда катта хизматлар қилган, аммо тақдир тақозоси билан душманга асир тушган ва концлагерга жўнатилган. У ерда «Туркистон легиони»да «Истиқлол» деган саҳна асари ёзиб, уни легионерларга қўйиб берган. 1944 йил ёзида Вена шаҳрида туркистонликларнинг 2-конгресси қатнашчиларига «Истиқлол» асарини кўрсатиб олқишлар олган. Салкам 50 йил шўро КГБсининг «қора рўйхати»да бўлиб таъқибда юрган, уруш қатнашчиларига бериладиган барча имтиёзлардан маҳрум бўлган. Ғуломжон Рўзиев 2000 йили Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Абдусамат Полвонзодага ёзган мурожаат-аризасида 1994 йили унинг имзоси билан реабилитация ҳақида область КГБси бошлиғидан ҳужжат олганини изҳор этган (Қаранг: Водийнома. 2017 йил 2 (4)-сон. 67 – 70-бетлар).

Табаррук меҳмонларда музей, айниқса, музейнинг «**Андижон советлар истибдодининг янада кучайиши ва миллий уйғонишнинг янги босқичи даврида (1939 – 1991)**» номли залдаги экспонатлар, фактик материаллар, суратлар катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон ССРда пахта тайёрлаш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ жараёнлардаги «қўшиб ёзиш», «ўғрилиқ», «кўзбўямачилиқ»ни тергов қилиш билан Т.Гдлян ва В.Ива-

нов шуғулланди. Колхоз раислари ва совхоз директорларининг 60%, қишлоқ хўжалиги етакчи мутахассисларининг 45%, бригада бошлиқларининг 35%, шунингдек, область ва район партия комитетлари котиблари, республика миқёсидаги партия, совет ва хўжалик раҳбарлари ўз вазифаларидан олиб ташланди, уларга нисбатан жиноий иш очилди. Тоталитар тузумнинг барча кирдикорлари вафот этиб кетган партия ва давлат арбобларига юкланди. Шароф Рашидовнинг номи бадном қилинди. Ўзбекистон пахта саноати вазири бўлган Ваҳобжон Усмоновга 1986 йил 25 августда СССР Олий суди ўлим жазосини белгилаган, ҳукм ижро этилган. 1998 йил 17 апрелда Ваҳобжон Усмоновга берилган жазо бекор қилинган. Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Иттифоқнинг асосий пахта хосилини берган республика эди. 1970-йилларда 4 миллион тонна пахта давлатга топширилган бўлиб бу кўрсаткич 1980-йилларга келиб пахта топшириш режаси 6 миллион тоннага етказилган. Аммо пахта топширишдаги қўшиб ёзиш бори-йўғи 2–3 фоиздан ошмаган. Бундай қўшиб ёзишлар бутун Иттифоққа хос бўлиб қолган эди. Айрим республикалардаги қўшиб ёзишлар Ўзбекистонга қараганда анча юқори бўлган. Бундан Марказнинг хабари бўлган. Шароф Рашидов даврида Ўзбекистоннинг ҳаёт қиёфаси мислсиз даражада ўзгариб кетди. Бироқ чорак аср Ўзбекистонга биринчи раҳбар бўлиб турган Шароф Рашидовга нисбатан “Ўзбеклар иши”, “Ўзбек мафияси”, “Пахта иши”нинг сабабчиси қилиб кўрсатдилар. Аммо ҳақиқат қарор топди. Шароф Рашидов оқланди, унинг номи абадийлаштирилди, ёш авлодни Шароф Рашидовнинг ҳаёти билан яқиндан таништириш учун Жиззаҳ шаҳрида унинг мемориал уй-музейини ташкил этиш ва музей ҳудудини ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, она юрти Жиззаҳда ҳайкалли қад кўтарди, туман, кўчалар бу сиймонинг номи билан аталди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан тузилган «Пахта иш»ларини кўриб чиқиш комиссиясининг раҳбарларидан бири – Абдусамат Абдуҳамидович Полвонзоданинг саъй-ҳаракатлари билан андижонлик «Пахта иш»лари



жабрланувчиларидан – Абдупатто Солиев, Сайидали Болтабоев, Қаюмжон Исмоилов, Исроил Усмонов, Шаробиддин Дарвешов, Муҳаммаджон Нишонбоев, Жакбарали Ҳожиназаров, Зокиржон Назаровларга нисбатан тарихий ҳақиқат тикланиб, улар оқландилар.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг «Пахта иши» бўйича комиссияси раиси Исмоил Ҳакимович Жўрабеков ва комиссия раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий суди раиси вазифасини бажарувчи Абдусамат Абдуҳамидович Полвонзода комиссиянинг навбатдаги ишлари юзасидан суҳбатлашаётганларида олинган сурат, А.Полвонзоданинг «Пахта иши» доирасида ноҳақдан азоб чекаётган инсонларни жабр-зулмдан озод қилишдаги фаолияти ҳақидаги матн ҳам музейдан ўрин олган. А.Полвонзоданинг таржимаи ҳолидан кичик бир маълумот келтиришни лозим билдик.

Ҳозирда 71 ёшни қоралаган Абдусамат Полвонзода Сурхондарёда таваллуд топган, 1972 йили Ўрта Осиё давлат университети ҳуқуқшунослик факультетини имтиёзли диплом билан битирган, 1972 – 1974 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган. Ёш ҳуқуқшунос мутахассис иш фаолиятини прокуратура соҳасида бошлаган, аста-секин шу соҳада масъул лавозимларга кўтарилган. 1990 йилдан 2000 йилгача Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, 2000 йилдан 2005 йилгача Ўзбекистон Республикаси адлия вазири лавозимларида фаолият кўрсатган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 9 февралдаги фармони билан Абдусамат Абдуҳамидович Полвонзодага олий малакали судья даражаси берилган, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист», 1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси унвонларига ҳам эга.

Абдусамат ака Ўзбекистон учун ниҳоятда мураккаб ва оғир бўлган даврда – 80-йилларда ҳуқуқшунос сифатида шаклланди, чуқур

билими ва меҳнатсеварлиги боис республика прокуратурасида масъулиятли лавозимларда ишлади, ҳайъат аъзоси бўлди.

Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, Олий суд раиси вазифасини бажарувчиси бўлиб ишлаган пайтларида «Пахта иш»ларини қайта кўриш бўйича ҳукумат комиссияси раисининг ўринбосари вазифасида самарали фаолият кўрсатиб кўпчиликнинг ҳурмат ва эътирофига сазовор бўлди.

Абдусамат Полвонзода билан музейдан чиққач, ундан 80-йилларда Ўзбекистонда Марказ томонидан уюштирилган «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» ва уларни қайта кўриб чиқиш жараёнида вужудга келган муаммолар ҳақида ўз эсдаликларини ёзиб беришини илтимос қилдим. «Бу масала ниҳоятда нозик, лекин халқимиз бундан хабардор бўлишга ҳақли, шу боис бисотимдаги фактик материаллар асосида ўз мулоҳазаларимни баён этишга ҳаракат қиламан. Бунинг учун вақт керак», – деб розилик билдирди. Шу йил 24 – 29 февраль кунлари Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston tarixi» канали таклифи билан «Ўзбекистонда коллективлаштириш, қулоққа тортиш, сургун қилиш ва унинг оқибатлари» мавзуида туркум телекўрсатувлар қилишга таклиф этилган эдик. 25 февраль куни телефонлашиб, Абдусамат Полвонзоданинг уйида суҳбат қилдик. Шунда **«Пахта иш»лари қандай вужудга келган эди?»** номли эсдалик-хотираларининг бир қисмини бизга тақдим этди. Шунини айтиш жозик, эсдаликдаги айрим эпизодлар журналист Шохрух Акбаров томонидан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтида 2020 йил 7 январда эълон қилинган. Бу эсдаликнинг тўла матнини журналда эълон қиляпмиз. Мазкур мавзу ҳақидаги ҳужжат ва материаллар, «Пахта иши»дан азоб тортган ҳамюртларимизнинг хотираларини журналнинг кейинги сонларида ҳам эълон қилиб борамиз.

«Водийнома» журнали таҳририяти



«ПАХТА ИШ»ЛАРИ ҚАНДАЙ ВУЖУДГА КЕЛГАН ЭДИ?

Абдусамат Полвонзода

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Ўзбекистоннинг совет даври тарихида большевизмнинг халққа қарши қаратилган манфур қатағон сиёсати ва амалиёти эли-миз хотирасида ҳамон сақланиб келмоқда. Хусусан, совет марказидаги айрим шовинист мустамлакачи унсурулар «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» номи остида халқимизга қарши уюштирилган қатағони ниҳоятда фожиали тус олган. Шу боис бўлса керак, ана шу мудҳиш қатағон даҳшатларининг ижодкорлари бўлмиш Гдлян ва Ивановни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ўша даврни яхши билган инсонлар орасида ҳам, ёшлар орасида ҳам тез-тез кўтарилмоқда. Мен бу фикрни қўлаб-қувватлайман. Бугунги кунда ҳам Гдлян ва Ивановнинг Ўзбекистон халқига нисбатан содир этган ўта оғир жиноятларига ҳуқуқий баҳо бериш имконияти мавжуд.

Гдлян ва Ивановнинг қилмишларини ёқловчилар ҳам йўқ эмаслиги ҳақиқат. Бунинг сабаби шундаки, улар юртимизнинг яқин ва чин тарихини яхши билмайдилар, англамайдилар. Ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимизни билганларида эди, уларни ҳеч қачон ёқламаган бўлардилар.

Ўша даврда юз берган воқеалар ҳақида кенгроқ тўхталишга тўғри келади. 1983 – 1989 йиллар халқимиз учун ниҳоятда оғир дамлар бўлган. Қарийб 25 йил давомида Ўзбекистонни бошқариб, қолоқ аграр республикадан саноати ривожланган мамлакатга айлантирилган беназир инсон Шароф Рашидовнинг бевақт ўлимидан сўнг қатағон қиличини ишга солишга шай бўлиб турган марказ томонидан Ўзбекистонга туҳмат тошлари отила бошлади. Улар юртимизга бостириб кириш учун баҳона қидира бошладилар. Баҳона ҳам топила қолди.

1983 йилда Бухоро область ички ишлар бошқармаси ОБХСС бошлиғи А.Музаффаров бир савдо ходимидан пора олаётган пайтда қўлга тушиб, ҳибсга олинади. Бу ишни тергов қилиш пайтида Бухоро область савдо идораси раҳбарларидан бири Ш.Қудратов ўзи раҳбар-

лик қилаётган идорадаги савдо ходимларидан пора олиши, партия ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бошлиқларига пора бериши ошкор бўлиб, у ҳам қамоққа олинади ва тергов ҳаракатлари бошлаб юборилади.

Порахўрлик, табиийки, жамиятнинг илдизларига болта урадиган оғир жиноятлардан бири. Лекин у СССР миқёсидаги тергов идоралари шуғулланадиган жиноятлар сирасига мутлақо кирмас, бундай жиноятларни республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзи ҳам бемалол тергов қилиши мумкин эди.

Аммо ҳар ўн йилда қатағон қиличини ишга солиб халқни даҳшатда, қўрқувда ушлаб туришга одатланиб қолган марказга бу воқеа Ўзбекистонга бостириб кириш учун баҳона бўлди. Марказ Музаффаров ҳамда Қудратовнинг ишини тергов қилишни Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан олиб, СССР прокуратурасига топширди, Гдлян ва Иванов эса СССР прокуратураси томонидан тузилган тергов гуруҳига бошлиқ этиб тайинланди, уларга жуда катта ваколатлар берилди, уларга ҳатто ҳарбий вертолётлар, техника ва қуролланган солдатлар ҳам бириктириб қўйилди. Шундан сўнг улар Ўзбекистонда ўта жирканч, мудҳиш фаолиятларини бошлаб юборишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, СССР прокуратураси бошқарма бошлиғи, генерал Виктор Иванович Илюхин ўзининг «Қабоҳат ёхуд...» деб номланган китобида Гдлян ва Иванов СССР прокуратурасига таниш-билишлари орқали келиб қолган, малакаси паст, маданиятсиз, хавфли жиноятчи терговчилар эди деб баҳо берган. Мен бу фикрга юз фоиз қўшиламан.

Ҳақиқий терговчи ўз фаолиятини қонун талабларидан келиб чиқиб, фақат факт ва далилларга асосланган ҳолда амалга ошириши, айбланувчини қоралайдиган ва оқлайдиган жиҳатларни адолат тарозисига солиб кўрган-дан кейингина у ёки бу одам ҳақида узил-кесил хулосага келиши лозим.



Гдлян ва Иванов ҳамда улар бош бўлган тергов гуруҳи аъзолари ҳам ўз фаолиятини жиноят процессининг ушбу талабларига амал қилган ҳолда олиб боришлари шарт эди. Аммо улар узоқ олти йил мобайнида қонунларни сурбетларча оёқости қилиб келдилар. У ёки бу одамни ҳибсга олмоқчи бўлсалар бировларни мажбурлаб унинг устидан сохта кўрсатма ёздириб олишар, сўнг шу кўрсатма асосида ўша одам қамоққа ташланар, энди ундан бошқа бир кишига нисбатан кўргазма ёздириб олишарди. Ўз муддаоларига эришиш учун гумонланувчиларни ваҳшиёна қийноқларга солишди, яқин инсонларини қамаш йўли билан ёлғон кўрсатмалар ёздириб юзлаб ҳамюртларимизни қамашди. Чунки уларнинг иш принципи мана шундай ноқонуний усулларга асосланган эди.

Тергов гуруҳи бирин-кетин Бухоро область ички ишлар бошқармаси бошлиғи генерал Муин Норов ва унинг икки ўринбосари – полковник Шамси Раҳимов, подполковник Владимир Мулинни, сўнгра генерал Хушвақт Норбўтаев, генерал Ислом Сатторов, генерал Салим Собиров, полковник Тўра Ҳайитов, полковник Музаффар Алимов, И.Позилхоновни, Ички ишлар вазирлигининг яна бир қатор раҳбарларини тўқиб чиқарилган айблар билан ҳибсга олдилар. Бу жараён бутун республика бўйлаб давом этди.

1984 йилда Ўзбекистон учун яна бир кўнгилсиз воқеа юз берди. Шу йили Ўзбекистон Марказқўмининг ўн олтинчи пленуми бўлиб ўтди. Бу пленум Ўзбекистон Марказқўми ходимлари томонидан эмас, КПСС Марказий Комитети секретари, Сиёсий бюро аъзоси Е.К.Лигачев бошчилигида марказдан келган ходимлар томонидан тайёрланганди. Ўзбекистонга қора бўёқ чаплаган Марказқўм биринчи секретарининг маърузаси ҳам улар томонидан ёзилди, Марказқўмнинг биринчи секретарига минбарга чиқиб маърузани ўқиб бериш вазифаси юкланганди, холос. Маърузада пахта етиштириш ва давлатга топширишда кадрлар қатъиятсизлик кўрсатганлиги, қўшиб ёзишларга йўл қўйилгани алоҳида таъкидланди. Ваҳоланки, Ўзбекистоннинг 65 фоиз аҳолиси ўша пайтларда фақат пахта етиштириш билан шуғулланар, миллионлаб

одамлар – мактаб ўқувчилари, талабалар марказнинг топшириғи билан декабрь, ҳатто январь ойларида ҳам пахта териш билан деярли текинга шуғулланишарди. Йиғиштирилган ҳосил эса паст нархларда марказга жўнатиладди. Марказ йил сайин Ўзбекистонда пахта тайёрлаш режасини ошираверган. Қисқа вақт ичида режа тўрт миллион тоннадан олти миллион тоннагача кўтарилди. Бу Брежневнинг талаби эди. Давлатга пахта топширишда бор йўғи 2 – 3 фоиз қўшиб ёзиш бўлган, холос. Ана шу қўшиб ёзишларнинг асосий илҳомчиси ва ташкилотчиси Москванинг ўзи эди. Ўзбекистондан марказга минглаб хатлар юборилган. Бу хатларда пахта етиштириш учун сув етишмаслиги, Орол денгизининг қуриши, пахта учун берилаётган маблағ ниҳоятда озлиги, колхозчилар иқтисодий аҳволи, турмуш тарзининг ўта ачинарли ҳолати, пахта зараркунандаларига қарши ишлатиладиган гербицидлар туфайли кўплаб пахтакорлар заҳарлангани, уларнинг катта қисми дардга чалиниб ўлиб кетганлиги, устига-устак, пахта учун тўланадиган ҳақ ниҳоятда камлиги асослаб берилган эди. Аммо марказ минглаб пахтакорларнинг оху зорига пинак бузмаган. Ҳаттоки марказ раҳбарларидан бири пахта-ни Ўзбекистондан эмас, Мисрдан олиш мумкинлигини айтиб, харид нархини кўтаришга қарши турган. Дунёда ҳеч бир халқ бундай оғир шароитларда ишлашга мажбур қилинмаган. Пوراхўрлик эса биргина Ўзбекистон эмас, бутун совет империясига хос иллат эди. Ўн олтинчи пленум материалларида бу ҳолат мутлақо инobatга олинмади. Бу катта адолатсизлик эди.

Маърузада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг фаолияти қониқарсиз деб топилди, марказдан Ўзбекистонга кадрлар юбориш сўралди ва бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинди. Шундан кейин Ўзбекистонда минглаб маҳаллий кадрлар ишдан бўшатиладди. Шароф Рашидовдек улуғ инсон қораланди, Нўмон Бўрихўжаев, Виталий Александрович Зотов, Убайдулла Шодиев каби Ўзбекистон прокуратурасининг салоҳиятли раҳбар кадрлари ишдан ноҳақ бўшатиладди ёки амали пасайтирилди. Ваҳоланки, бу инсонлар ниҳоятда ҳалол, юқори савияли,



ҳақиқий профессионал юристлар бўлиб, улар ўзига мос ҳуқуқий мактаб яратишганди.

Яна кўплаб миллий кадрларимиз тўқиб чиқарилган айблар билан айбланиб узоқ муддатларга қамоққа ташландилар.

Шундан сўнг республикамиздаги турли раҳбарлик лавозимларига марказдан кадрлар кела бошлади. Масалан, Анишчев Марказқўм иккинчи секретари этиб, Огарёк Министрлар Совети раиси ўринбосари этиб, Романовский Олий Совет раисининг ўринбосари этиб тайинланди, Сатин Тошкент шаҳар партия қўмитасининг биринчи секретари бўлди. Республика прокурори вазифасига Бутурлин, унинг ўринбосарлигига Гайданов, тергов бўлимининг бошлиқлигига Лаптев, ички ишлар вазири биринчи ўринбосари лавозимига Дидоренко келди. Барча областларда обкомнинг иккинчи котиблари, область прокурорларининг кўпчилиги, область суди раислари ўринбосарларининг барчаси марказдан келганлардан қўйилди.

Бир сўз билан айтсак, улар ҳукмронликни тўла қўлга олиб, юртимизда «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деб аталган ишлар бўйича қатағонни авж олдирдилар.

Гдлян ва Иванов учун бу ўзгаришлар айна муддао бўлди. Энди улар истаган ишини қила оладиган бўлди. Бу ўринда шуни айтиш жоизки, Гдлян ва Ивановнинг тергов гуруҳи фақат юқори лавозимларда ишлаган шахсларга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борган, улардан иқдорлик кўргазмаларини олиш учун юзлаб қариндошлари, қўшнилари, ҳатто танишлари қамоққа ташланиб, қийноққа тортилган. Уларга тегишли ҳужжатларнинг кўплари жиноят ишларига қўшилмасдан яшириб қўйилган. Бу ҳужжатларнинг фақат бир қисми кейин топилган.

Марказқўмнинг ўн олтинчи пленумидан кейин Ўзбекистонда раҳбар бўлиб ишлаганларни тўқиб чиқарилган айблар билан қамаш оммавий тус олди. Республика Министрлар Советининг раиси Нормуҳаммад Худойбердиев, Марказқўм секретари, сўнг Ўзбекистон Олий Совети президиуми раиси бўлган Оқил Умрзоқович Салимов, Министрлар Совети раисининг ўринбосари Бектош Раҳимов, собиқ соғлиқни сақлаш вазири Абдулла Худойбер-

ганов, Навоий область партия қўмитасининг биринчи секретари Валерий Павлович Есин, Ўзбекистон пахта саноати вазири Ваҳобжон Усмонов, Бухоро область партия қўмитасининг биринчи секретари И.Жабборов, Марказқўмнинг иккинчи секретари Тимофей Николаевич Осётров, Марказқўмнинг биринчи секретари Иномжон Усмонхўжаев, Марказқўм секретари Эрежеб Айтмуротов, Марказқўм ишлар бошқармаси бошлиғи Турсун Умаров, Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область партия комитети биринчи секретари Қаллибек Камолов, Тошкент область обкомининг биринчи секретари Мирзамаҳмуд Мусахонов, Самарқанд область обкомининг биринчи секретари Назир Ражабов, ички ишлар вазирининг ўринбосарлари Қахрамон Тоштемиров, Петр Борухович Бегельман, Ёқуб Муҳаммаджонов ва бошқалар ҳибсга олиндилар.

Гдлянчиларнинг фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини қасддан поймол қилишлари, ҳақоратлашлари, хўрлашлари, жисмоний ва руҳий эзишлари оқибатида бир қатор кишилар ўз жонига қасд қилишга мажбур бўлдилар. Пискент туман партия қўмитасининг собиқ биринчи секретари У.Я.Баҳодиров, милиция полковниги Ҳожимуродов тергов пайтида ўз жонига қасд қилди. Гдлян бошлиқ терговчилар қамоққа олиш учун уйига келишганида Қашқадарё область партия қўмитасининг биринчи секретари Р.Ғойипов ўз жонига қасд қилади. 1984 йил 15 августда собиқ ички ишлар вазири Қ.Эргашев, 1985 йил 16 майда ички ишлар вазирининг собиқ биринчи ўринбосари Г.И.Давидов ҳам гдлянчилар қўлига тушгандан кўра ўлимни афзал кўришди. Иккинчи жаҳон урушида немис фашистларга қарши мардонавор курашган, Сурхондарё область Сариосиё туманидаги йирик агросаноат мажмуаси директори, меҳнат қаҳрамони Бобомурод Омонов эса тергов ҳибсхонасида соғлиғи кескин ёмонлашиб вафот этди. Бундай фожиали тақдирлар рўйхатини, афсуски, узоқ давом эттириш мумкин. Ушбу фожиалар туфайли юзлаб ўзбек оилаларига оғир мусибат кириб келди.

Кенг ваколатларга эга бўлган бу тергов гуруҳи ҳибсга олинган айбланувчиларга



нисбатан терговнинг умуман ман қилинган усулларини қўлларди, уларни ашаддий каллакесарлар билан бир камерага ўтқазиб, отувга ҳукм қилиш билан қўрқитиш, хотини, қизи, ўғилларини ҳибсга олиш, жисмоний ва руҳий қийнаш ва ҳоказолар орқали иқрорлик кўрсатмаларини олиш оммавий тус олди. Гдлянчилар айбланувчилар юзига тупуриб таҳқирлаганлар, «пешонангга зелёнка суриб қўяман» (отувга ҳукм қилинасан дегани), ўзбекларни дорга осиш керак деб дўқ урганлар ва ҳоказо.

Навоий область ИИБ бошлиғи бўлиб ишлаган Т.Ҳайитов (у кейинчалик оқланган) ҳибсга олинганидан кейин биринчи сўроқ пайтида Иванов унга иккита қоғозни кўрсатган. Биринчи қоғозда ўн олти нафар ички ишлар ходимининг номи ёзилган, иккинчи қоғозда республика партия ва давлат арбоблари, республика ва СССР Ички ишлар вазирлиги раҳбарлари Чурбанов, Усмонхўжаев, Есин, Жабборов, Осётров, Ибрагимов, Муҳаммадиев, Султонов, Қретов, Ҳаркевич, Қаҳрамонов ва бошқаларнинг номлари қайд қилинган эди. Иванов ундан шу ўн олти нафар ходимдан 53000 сўм пора олиб юқорида номлари кўрсатилган раҳбарларга пора берганман деб иқрорлик кўрсатмаси беришни талаб қилган. Т.Ҳайитов бундай кўрсатма беришдан бош тортгандан сўнг иккинчи сўроқ пайтида уни деразанинг олдига олиб бориб КГБ биносининг рўпарасида турган хотини ва қизини кўрсатади, иқрорлик кўрсатмасини бермасанг, хотининг ва болаларингни ҳибсга оламан дейди. Икки кундан кейин Иванов унга ўғли Маҳмуд ҳибсга олинганлиги тўғрисидаги қарорни кўрсатади.

Бухоро область обкомининг биринчи секретари А.Каримовнинг иши бўйича Гдляннинг кўрсатмаси билан А.Каримовнинг яқинлари ва танишларидан яна 50 – 60 киши, хусусан, Камол, Анора, Муҳиддин Саидовлар, Маҳмуджон Камолов, ўғли Баҳодир ва қизи, ТошДУ ҳуқуқшунослик факультетининг 22 ёшли битирувчиси Лола Каримова ҳам ҳибсга олинган. Каримовнинг хотини, ўғли, қизи Бухородан Душанбе шаҳрига этап қилиниб, у ердаги тергов изоляторида 8 ойдан кўпроқ ўтирганлар.

Усмонхўжаев иши бўйича унинг ўзидан ташқари яна 30 – 40 киши ҳибсга олинган. Усмонхўжаевнинг хотини, ўғли Ғайрат, икки нафар синглиси – Фазилатхон ва Каналхон 6 ойлаб ҳибсда сақланганлар. СССР Олий суди Усмонхўжаевнинг ишини кўришда хусусий ажрим чиқариб, бош прокурорнинг эътиборини айбсиз одамлар ноқонуний ҳибсга олинганлигига қаратди.

Тошкент область обкомининг собиқ биринчи секретари М.Мусахонов иши бўйича унинг фарзандлари, ТошДУнинг кафедра мудирини, физика-математика фанлари доктори Мирзаюсуф Мусахонов ҳамда иккита қизи – Сожида ва Нафиса Мусахонова ҳам ҳибсга олинган эди. Қ.Камолов ва Т.Жуманиёзов ишлари бўйича 50 – 60 нафар қариндош ва танишлари ҳибсга олинган, Примов иши бўйича тўрт нафар, соғлиқни сақлаш вазири А.Худойберганов иши бўйича бир неча ўнлаб қариндошлари қамоққа олинган ва қийноққа солинган.

Хоразм область партия кўмитасининг собиқ биринчи секретари М.Х.Худойберганов иши бўйича ўнлаб айбсиз одамлар, хусусан, ўғли К.Худойберганов, хотини Н.Худойберганова, қариндоши Ю.Рўзимов ҳибсга олинди, 9 ойга қадар қамоқда сақланганлар.

Р.Ғойиповнинг иккита айбсиз ўғли судгача 4 – 6 йил қамоқда сақланган. Бу иш бўйича кўплаб айби йўқ инсонлар қамоққа ташланганлар ва қийноққа солинганлар.

Гдляннинг бевосита кўрсатмасига биноан 9 нафар фарзанднинг онаси Поша Олимова, 11 нафар фарзанднинг онаси Бибизода Долиева, 12 нафар фарзанднинг онаси Анора Саидова ҳам ҳибсга олинган, улар устидан турмуш ўртоқларининг бойликларини яширганлар деган ноқонуний айблар билан жиноят иши қўзғатганлар.

Ҳибсга олинган аёллар, ўғил-қизларнинг барчасидан гўё қариндоши ёки отаси, танишлари томонидан сақлаш учун берилган пул ва бошқа бойликларни топшириш талаб қилинган.

Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексида гувоҳларни тунда чақириш ва сўроқ қилиш ман қилинган, лекин тергов гуруҳи ва Гдляннинг шахсан ўзи қонун талабига хилоф равишда гувоҳларни тунда чақириб сўроқ



қилиш билан шуғулланганлар. Бунинг ёрқин мисоли сифатида 1957 йилда туғилган Зиёда Камоловани кўрсатиш мумкин. Эмизикли боласи билан декретдалигига қарамай, терговчи Ибрагимов уни 1988 йил 2 июнь куни соат 24 да чақириб, эртасига 1988 йил 3 июнь соат 14 га қадар сўроқ қилган. Бу вақтда Зиёда Камолованинг онаси, эри, қайнонаси ҳибсда бўлган. Уларнинг ҳаракатларида ҳам жиноят таркиби бўлмаган.

Беруний райком секретари О.Раджабов иши бўйича 54 нафар қариндоши, қўшни ва танишлари асоссиз қамоқда сақланиб қийноққа солинганлар. Уларнинг ҳибсга олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар эса ишга тикилмаган.

«СССР халқ депутатлари мақоми тўғрисида»ги Қонунда депутатларни Совет ва уларнинг ижроқўми розилигисиз ушлаш ва ҳибсга олиш мумкин эмаслиги кўрсатилган. Бироқ терговчилар қонуннинг бу талабини бир неча марта бузишган. Масалан, Гдлярнинг қарорига биноан 1987 йил 30 ноябрда «Правда» колхозининг бош инженери Шарифбой Ражабов, депутат бўлишига қарамай, қамоққа олинган. Уни қамоққа олиш учун розилик олинмаган. У ўзининг депутатлигини терговчиларга айтса-да, терговчилар инobatга олишмаган. Кейинчалик Ражабовнинг иши жиноят таркиби бўлмаганлиги учун бекор қилинган.

Гдляр ва Иванов марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонда гўё жиноятчи тўдаларни фош қилганликлари ҳақида «Ўзбекларнинг ҳаммаси порахўр», «Ўзбекистон биз учун шарқий фронт», «Ўзбекистон Ўрта Осиё Чернобили» деган миллий шаънимизни таҳқирловчи сўзлар билан жуда катта шов-шув кўтара бошладилар. Ушбу тергов гуруҳи қонунларни ғараз ниятлар билан узоқ олти йил мобайнида сурбетларча оёқости қилиб келдилар. Улар қуролланган аскарлар билан ҳарбий вертолётларда олис қишлоқларгача бостириб кириб, одамларнинг бор-будини талаб, зўравонлик қилганлар. Қийноққа солинганларнинг кўпчилиги қариндош-уруғларидан, ён атрофидаги маҳалладош танишларидан қарз олиб пулларни терговчиларга келтириб беришга мажбур бўлишган. Терговчилар эса қанча кўп пул олиб

келсанглар, қариндошингни шунча тез қамоқдан чиқариб юборамиз деб алдаганлар.

Мана шу йилларда КПСС ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетларига, турли идораларга меҳнаткашларнинг шикоят аризалари оқими тинмай кела бошлади. Судлар чиқарган ҳукмлардан норозилик, асоссиз қамоққа олиниб, мол-мулклари талон-торож қилинган, тергов жараёнида қийноққа солинган, зўравонликка учраганларнинг дод-фарёди акс этгани бу муурожаатларда.

Барчага тушунарли бўлиши учун яна кўпчилик билмаган ҳақиқатни айтишимиз лозимки, Гдляр ва Иванов раҳбарлик қилган тергов гуруҳи СССРнинг турли областларидан келган 200 дан ортиқ терговчидан иборат бўлган. Улар фақат юқори лавозимларда фаолият кўрсатган, юртимизда катта обрўга эга раҳбарларни ва уларнинг юзлаб қариндошлари ҳамда таниш-билишларини қатағон қилганлар. Бу 200 терговчи олти йил мобайнида юртимизни оёқости қилиб, ҳеч кимни менсимай, ичкиликбозлик ва айшу ишрат билан вақт ўтказганлар.

Бизнинг ҳисобимизга қараганда, ушбу гуруҳ тергов қилган ишлар бўйича фақат олти киши оқланмаган, холос. Бирон-бир давлатнинг тергов амалиётида бу каби шармандалик бўлмаган.

30-йилларда Ягода ва Ежов сингари жиноятчилар инсониятга қарши жиноят содир этганлиги учун жаллод сифатида ном чиқарган эдилар. Юртимизнинг асл фарзандлари, давлат арбоблари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, таниқли ёзувчи ва шоирлардан Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир ва бошқалар уларнинг қатағон қиличидан нобуд бўлдилар. Маълумки, бу оғир жиноятлари учун Ягода ва Ежов қилмишига яраша ўлим жазосига ҳукм қилинган. Гдляр ва Иванов ҳам Ўзбекистонда содир этган ўта оғир жиноятлари учун жазога лойиқ эди. Улар бундай жазодан қочиш учун Москвада, Ленинградда, Тушино, Зеленоград, ҳатто Ереванда ўтказилган митингларда, юқорида айтганимиздай, ёлғон-яшиқ, халқимизнинг шаънига тегадиган гаплари билан сайловчиларни лақиллатиб СССР халқ депутатлигига сайланиб олдилар.



Бу пайтга келиб Ўзбекистонда гдлянчиларнинг қилмишлари юзасидан норозиликлар, уларнинг жиноий қилмишлари тўғрисидаги ариза ва шикоятлар ҳам борган сари кўпайиб бораётган эди. Халқимизнинг илғор вакиллари Аҳмаджон Мухторов, Эркин Юсупов, Одил Ёқубов, Владимир Одилов, Йўлдош Акбаров ва бошқалар Ўзбекистондан СССР Олий Советига депутат бўлиб сайландилар. Мен бу депутатларимизнинг номларини ҳамиша чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламан. Чунки улар, СССРдай қудратли, қатағон қиличини ишга солишга ҳамиша шай турадиган мустабид давлатда яшаганларига қарамай, ўз олдиларига халқимиз юзига қора чаплаган гдлянчиларнинг жиноий хатти-ҳаракатларини фош этишни, уларни жиноий жавобгарликка тортишни мақсад қилиб қўйдилар. Фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Эркин Юсупов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов, забардаст журналист, «Халқ сўзи» газетасининг биринчи бош муҳаррири Аҳмаджон Мухторов, Чкалов номидаги авиация заводи-нинг мутахассиси шижоатли Владимир Одилов, оддий ишчи, оловқалб Йўлдош Акбаров съезд минбаридан туриб СССР халқ депутатларининг эътиборини Гдлян ва Иванов тергов гуруҳининг ноқонуний ишларига торта бошладилар.

Гдлян ва Иванов иши СССР Олий Советида муҳокама қилина бошланганида Олий Советга таъйиқ ўтказиш учун Гдлян ва Иванов минглаб одамларни тўплаб митинглар ўтказарди. Оқибатда бир неча марта Олий Совет бир неча марта Гдлян ва Ивановни қамоққа олишга, жиноий жавобгарликка тортишга, лавозимларидан бўшатишга розилик бермади. СССР Олий Советида Гдлян ва Ивановнинг ишларини ўрганиш бўйича тузилган комиссиянинг ҳамраиси Рой Медведев комиссия иши бўйича саёз ва юзаки маъруза қилганида Йўлдош Акбаров ва Владимир Одилов сўзга чиқиб, Рой Медведевнинг маърузасини қаттиқ танқид остига олдилар.

Ўша пайтларда республика раҳбарияти томонидан депутатларимизга нутқлар матнини тайёрлаш борасида, хусусан, тегишли материаллар билан юридик ёрдам кўрсатиш

учун бириктирилганим сабабли уларнинг фаолиятдан хабардор эдим. Шу боис менда депутатларимизнинг СССР Олий Советидаги нутқлари матни билан «Водийнома» журнали ўқувчиларини таништириш имконияти бор:

Йўлдош АКБАРОВ:

Халқимиз – жуда сабр-тоқатли халқ. Балки, бизнинг кучлигимиз ҳам, ожизлигимиз ҳам мана шундадир. Лекин ҳар қандай сабрнинг ҳам охири бор.

Бизнинг жафокаш халқимизни Гдлян ва Ивановлар қаттиқ ҳақорат қилишди. Улар халқимизга «Ўғри» деган тамгани ёпиштиришди, аёлларимиз ва фарзандларимизни хўрладилар, Ўзбекистонни тиконли симлар билан ўраб ташлаш керак деб айтишди. Мен эса бу жиноятчиларнинг ўзларини тиконли симлар орқасига ташлашни талаб қиламан. Бундан бошқача йўл тутиши ушбу жиноятчиларга шерик бўлиб қолишни ва Ўзбекистоннинг йигирма миллионлик халқини янада қаттиқ ҳақорат қилишни англалади.

Мен комиссиянинг иши ҳақидаги маълумотномадан қониқмадим. Унда асосий саволларга жавоб берилмаган. Бугун мен, Гдлян ибораси билан айтадиган бўлсам, шарқий фронт полигонига нима учун айнан Ўзбекистон танлаб олинган, «Ўзбеклар иши» деган ибора ким учун керак бўлиб қолган, бутун бир миллатни ҳақорат қилиш ҳуқуқини уларга ким берган, уларнинг орқасида кимлар турибди деган саволларга жавоб олмоқчиман.

Шунинг учун ҳам комиссия ахборотига нисбатан ўзимнинг жиддий норози эканлигимни айтиб ўтишга қарор қилдим. Чунки ахборот қўрқоқларча ёзилган ва, юмишқ қилиб айтадиган бўлсам, ҳақиқий аҳволни акс эттирмайди. Бу ҳолатда комиссия аъзолари ўзларининг обрўларини йўқотиб қўйишлари ҳеч гап эмас, негаки улар Гдлян, Иванов, Гайданов, Лаптев, Карташян ва бошқалар содир этганлиги аниқ кўриниб турган ва тасдиқланган жиноятларини инкор қилиш билан ўзларининг виждонига қарши иш олиб бормоқда.

Комиссия жиноятчиларни ҳимоя қилиб гайрирахлоқий позицияда турибди, бу эса бизнинг республикаимиз халқи учун огир ҳақоратдир. Чунки уларнинг хатти-ҳаракатларидан мен



симаслик ва шовинизмнинг ҳиди анқиб турибди. Мен комиссия томонидан тўпланган материалларни ошкор этишни талаб қиламан. Нима учун бош прокурор Гдлян ва Ивановларнинг ўзбошимчаликларига ўз муносабатини билдирмай, оғзига толқон солгандек жим ўтирибди?

Мен комиссиянинг ҳар бир ҳамраиси ва ҳар бир комиссия аъзоси съезд томонидан берилган топшириқларни қанчалик виждонан бажарганлиги тўғрисида тушунтириши беришларини талаб қиламан. Уларнинг позициялари мени ажаблантирмақда ёки улар ҳам нимадандир қўрқиниб қолганми? Улар ҳеч нарсадан чўчимай дадиллик билан объектив ахборот беришлари шарт, акс ҳолда, уларга нисбатан ишончсизлик билдириши ва комиссияни тарқатиб юбориши лозим. Мен Рой Медведевнинг позициясига тушунмаяпман. Ахир у ўзининг китобларида Берия ва Ежовлар томонидан содир этилган жиноятларни дадиллик билан очиб ташлаган эди-ку. Шундай экан, нима учун у ҳозир бундай қилишдан қўрқмоқда? Мен комиссияга Болтиқбўйи республикалари вакиллари билан сайланган аъзоларнинг позицияларига мутлақо тушунмаяпман. Улар ўзларининг республикалари ҳақида гап кетганда ҳуқуқий давлат ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида оғзиларини тўлдириб гапиришади, бизнинг республикамиз ҳақида гап кетганда мум тишлаб олгандек жим ўтиришади.

Ниҳоят, мен сизларга мурожаат қилиб шуни айтаманки, комиссия айрим мансабпараст кимсаларнинг манфаатларини ўйлаб бизни алдамоқчи бўлмоқда. Юқорида мен тўхталиб ўтган масалалар муҳокама қилинишини талаб қиламан.

Яна шуни айтмоқчиманки, Гдлян ва Иванов устидан бўладиган суд қонунга биноан, улар оғир жиноят содир этган жойда – Ўзбекистонда бўлиши лозим деб ҳисоблайман...»

Владимир ОДИЛОВ:

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Мен сўзга чиқмасликнинг асло иложи қолмагани ва оғзига толқон солган одамдек жим ўтиришига ҳаққим йўқлиги учун ҳам минбарга чиқишга мажбур бўлмоқдаман. Жуда хунук ишларни қилишга қилиб қўйиб, ўзларини қўй оғ-

зидан чўп олмагандек оппоқ қилиб кўрсатишга уринаётган Гдлян ва Ивановларнинг фаолияти юз минглаб ўзбекистонлик сайловчиларнинг газабини кўзгатмоқда. Бу янги пайдо бўлган «сиёсатдон»лар ўзларини қатъиятли қилиб кўрсатишга уринаётганлиги республикамизда содир этган жиноятларидан чалғитиши ва жавобгарликдан қочишдан бошқа нарса эмас.

Бугун бу ерда айтадиган ҳар бир гапим учун қаерда бўлса ҳам жавоб беришга тайёрман.

Яқинда матбуотда тергов гуруҳи томонидан одамлардан олинган қимматликларнинг умумий миқдори 43 ёки 33 миллион сўмдан иборат бўлиши мумкин деган фактлар чоп этилди. Аниқ айтиши мумкинки, Гдлян тергов гуруҳи 22 миллион сўмни давлатга топширган. Лекин у ўзининг чиқишларида 140 миллион деб айтган эди. Шундан ёлгон гапириши Гдляннинг энг асосий иш усуллари билан бири экан деб ишонч ҳосил қилдим. Шунинг учун менда у одамлардан олинган қимматликларнинг қанчасини давлатга топширган деган ҳақли савол тугилди.

Мана, менинг қўлимда шу ишларга оид ҳужжатлар бор:

Гдлян Тўрткўл туманидаги Дмитров номи колхозда бир гуруҳ терговчилари билан В.Н.Тожиевнинг уйига бориб, қимматликларни олади. Бу ҳолат уларнинг баённомасида қуйидагича расмийлаштирилган: қора полиэтилен халтада учта қутича бор, биринчи қутичада заргарлик буюмлари – тилла тангалар, узуклар, сиргалар, соатлар; ўралган дастрўмолчада заргарлик буюмлари, беш ва ўн сўмлик тилла тангалар; иккинчи қутичада заргарлик буюмлари ва тилла тангалар. Учинчи қутичада ҳам заргарлик буюмлари ва тилла тангалар. Олинган буюмлар ўралди ва СССР прокуратурасининг 268-сонли муҳри билан муҳрланди.

Баённома Гдлян ва бошқа шахслар томонидан имзоланган.

Баённомада олинган қимматликларнинг белгилари, миқдори, вазни ва ҳоказолар батафсил баён этилиши лозимлигини билиши учун ҳуқуқшунос бўлиш шарт эмас.

Тожиевдан 1987 йил эрта тонгда олинган ва баённомада кўрсатилган қимматликлар қанақа ва қандай суммада эканлигини ким айта олади?

Бу тасодифий ҳол эмас, аксинча, у Гдлян то-



монидан ишлаб чиқилган ифлос тизим бўлиб, буни уларнинг қарийб барча ишларида кўриш мумкин.

Қимматликларга қонунга хилоф равишда жўрттага аниқлик киритилмаган. Шу йўл билан Гдлян қимматликларнинг маълум қисмини ўзлаштириб олиш учун имконият яратган.

Бунинг натижасида Гдлянда қимматликлар ва пуллардан, одатда, оддий омбор мудирларида бўладиган камомадлар сингари йирик миқдордаги камомад бор. Бироқ, оддий омбор мудиридан фарқли равишда, Гдлян депутатлик мандатидан фойдаланиб жазосиз қолмоқда. Мен СССР бош прокурорига мурожаат қилиб ундан қонун олдида ҳамма тенг эмасми деб сўрамоқчиман.

Бир қатор газеталар, масалан, 1989 йил 21 октябрда «Советская молодёжь» (Латвия) газетасида Гдляннинг каттагина интервьюси чоп этилган бўлиб, унда Гдлян шундай дейди: «Хуқуқий давлатни биринчи гишtidан бошлаб биз қурамыз, биринчи гишт деганимиз бу сўз эркинлиги, ҳар бир кишининг иқтисодий, сиёсий, маданий, миллий ривожланишини таъминлашдан иборат деганимиздир».

Мен шуни баралла айтаманки, бу сўзларнинг барчаси ишонувчан гўл одамларга мўлжалланган даҳшатли иккиюзламачиликдан бошқа нарса эмас.

Энди мен Гдляннинг аниқ ишларидан бир мисол келтираман. СССР бош прокурорининг ёрдамчиси А.М.Овчарова 1985 йиллардаёқ Бухоро ишлари деб номланган ишлар бўйича айблов хулосаси судда эълон қилинганидан кейин шундай деб ёзган эди: «...судда 30 дан зиёд гувоҳлар гдлянчилар томонидан калтакланганларини, хотинларинг, қизларинг ва сингилларингнинг номусига тегамиз деб таҳдид қилиб, инсоний ва миллий шаънимизни таҳқирлашди» деб гапириб беришди.

Мен ўзим Бухоро ишлари билан боглиқ бўлмаган бошқа ишлар билан танишганимда ҳам улар барча ишлар бўйича ўзбошимчалик билан иш юритганлигига ишонч ҳосил қилдим...

...Мен Гдлян ва Ивановни содир этган жиноятлари учун депутатлик ваколатидан маҳрум қилишни ва қонунда кўзда тутилган тартибда жиноий жавобгарликка тортишни таклиф қиламан...»

Ўзбекистонлик бошқа депутатларимиз ҳам Гдлян ва Иванов содир этган жиноятларни факт ва далиллар билан очиб ташлашди, уларни жиноий жавобгарликка тортишни талаб қилишди. Аммо гдлянчиларнинг митинглардаги ёлғон сўзларига лаққа тушган айрим депутатларнинг қаршилиги туфайли вакилларимизнинг талаблари инобатга олинмади. Кейинчалик раислик қилувчи Лукьянов бизнинг депутатларимизга мутлақо сўз бермай қўйди.

1990 йилнинг апрель оyi ўрталари эди, Йўлдош Акбаров ва Владимир Одилов Олий Совет мажлисидан жиғибийрон бўлиб меҳмонхонага келишди.

– Биз сўзга чиқиш учун биринчилардан бўлиб рўйхатга ёзилган эдик. Лекин Лукьянов яна сўз бермади. Кеча Манеж майдонида Гдлян ва Иванов Ўзбекистондан олиб кетган пуллар ҳисобига ташкил этилган ва уларни ҳимоя қилиш учун ўтказилган митингда СССР халқлари депутатлари ҳам қатнашган экан. Кўпроқ ўшаларга сўз берилди, улар Гдлян ва Ивановларни ҳимоя қилишди. Агар биз минбарга чиқсак Гдлян ва Ивановларнинг пўстагини қоқишимизни жуда яхши билгани учун сўз бермади, – деди улар хуноб бўлиб. Сўнг: – Абдусамат ака, қандай қилсак, Гдлян ва Ивановлар ишида бурилиш яшаш мумкин, бизга шу масалада юридик маслаҳат беринг, – дея менга мурожаат қилишди.

Мен ўйлаб кўришга ваъда бердим. Алламаҳалгача шу ҳақда бош қотирдим ва тўсатдан хаёлимга СССР Олий Советига Ўзбекистон ССРдан сайланган депутатларнинг қатъий талаби қўйилган мурожаатномасини тайёрлаш ва у СССР Олий Совети мажлисида ўқиб эшиттирилиши лозим деган фикр келди, мурожаатнома матнини қоғозга туширдим. Йўлдош акани ярим кечада уйғотиб, унга тайёрланган матнни ўқиб бердим. У Йўлдош акага маъқул бўлди.

Эртасига эрталаб бошқа депутатларимиз ҳам мурожаатнома матнини маъқуллашди ва унга ўз имзоларини қўйишди, СССР Олий Совети мажлисида ўқиб бериш Йўлдош Акбаровнинг зиммасига юкланди.

Мана ўша мурожаатноманинг ўзбек тилидаги матни:



«СССР Олий Советига Ўзбекистон ССРдан сайланган депутатларнинг мурожаатномаси

Гдлянни ҳимоя қилиб кеча Манеж майдонида ўтказилган митингнинг кучли таъсирига берилган СССР Олий Советининг кўпчилик аъзолари сўзга чиқишиб, тергов гуруҳи томонидан қонунийликнинг қўпол равишда бузилишига йўл қўйилганлиги тўғрисидаги мавжуд далилларни чуқур ва мазмунан таҳлил қилишдан сессияни чалғитишди.

Биз, Ўзбекистон ССРдан сайланган депутатлар, бу ишларнинг тагида хунук сиёсий ўйинлар ётганини кўриб турибмиз, шундан келиб чиқиб қуйидагиларни таклиф қиламиз:

Агар Олий Совет депутатлари прокуратура тақдим қилган далилларни етарли эмас деб ҳисоблаётган бўлсалар, у ҳолда СССР халқ депутатлари мақоми тўғрисидаги қонундан келиб чиқиб СССР прокуратурасига уч кунлик муддат ичида ўзларидаги барча мавжуд материалларни тақдим қилиш топширилсин. Прокуратуранинг тақдимномаси овозга қўйилсин. Тергов билан бевосита шуғулланган ходимларнинг, ҳеч бўлмаганда тергов гуруҳининг раҳбарлари ҳисоботи тинглансин. Акс ҳолда, муҳокама бозорга айланиб кетмоқда.

Баъзи бир депутатлар кўзи кўр одам ҳам кўрадиган нарсани кўрмакликка олмоқда.

Бу эса ишга юзаки ёндашиш бўлиб, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин, чунки кўпчилик депутатлар масала моҳиятига чуқур кириб боришга ҳаракат қилаётганига бизда ишонч йўқ.

Агар бизнинг илтимосимиз қаноатлантирилмайдиган бўлса, биз тегишли чоралар кўриш ҳуқуқини ўзимизда қолдирамиз.

СССР Олий Совети депутатлари:

1. Акбаров Й.Т.
2. Одилов В.Т.
3. Юсупов Э.Ю.
4. Ёқубов О.
5. Мухтаров А.
6. Мирқосимов М.М.
7. Давронов Н.

8. Қирғизбоева Т.Б.

9. Жўраева Т.

10. Сафершаев Ф.

Сессия мажлисида сўз берилмаган бўлса-да, Йўлдош Акбаров ушбу мурожаатнома ни жойидан туриб баланд овозда ўқий бошлаганида кутилмаганда залга жимлик чўқади. Бу жимлик мурожаатнома ўқиб бўлинганидан сўнг ҳам бир неча дақиқа давом этади. Сўнг мурожаатнома бўйича сўзга чиқадиганлар кўпайиб кетганини кўрган раислик қилувчи танаффус эълон қилади. Танаффусдан сўнг Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон ва яна бир қанча республикаларнинг вакиллари сўзга чиқиб, мурожаатномада қўйилган масалани қўллаб-қувватлашади.

Шундан сўнггина СССР Олий Совети Гдлян ва Ивановни лавозимларидан бўшатишга рухсат берди, аммо уларни жиноий жавобгарликка тортиш ва қамоққа олиш ҳақидаги талабларимизни рад этди.

Шунинг ўзи ҳам катта ғалаба эди.

Гдлян ва Ивановга қарши кураш давом эттирилди. Охир-оқибат Гдлян ва Иванов устидан жиноят иши қўзғатилди. Уларнинг юртимизда қилган ноқонуний ишларини текшириш ва содир этган жиноятларини фош этиш учун СССР прокуратурасининг бошқарма бошлиғи, генерал Виктор Иванович Илюхин бошчилигида тергов гуруҳи Ўзбекистонга келиб, тергов ишларини бошлаб юборди.

Маълумки, Гдлян ва Иванов тергов гуруҳи фаолияти асосан республикамизнинг юксак лавозимларида ишлаб, ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб халқнинг чуқур обрў-эътиборига сазовор бўлган инсонларни, хусусан, Министрлар Совети, Марказқўм котиблари, обком ва райкомнинг биринчи котибларини ҳибсга олишга қаратилган, уларга нисбатан терговнинг ноқонуний усуллари қўлланган эди.

Виктор Илюхиннинг тергов гуруҳи гдлянчилар томонидан ҳибсга олинган инсонларга нисбатан қандай ноқонуний чоралар қўллангани ҳақида рад этиб бўлмайдиган жуда кўп факт ва далиллар тўплади. Шулар ҳақида бир оз тўхталамиз.

Бектош РАҲИМОВ, Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган:



«...Кечқурун яна сўроққа чақиршиди. Қўйилган масала шу бўлдики, улар талаб қилган пул суммасини топиришим билан мени қўйиб юборишар экан. Улар шундай шарт қўйдикки, агар улар айтган суммани топирсам, пулнинг қандайдир қисмини ўзимга олиб қолишимга рухсат беришаркан.

Терговчилардан бири ўзбек эди, у мени шу шартга кўндиришига роса уринди. Сўнг улар яна сўкишига ва қўрқитишига ўтишди. Гдлян мен буйруқ берсам, КГБ офицери бўлган ўглингни ишдан олишади ва КГБдан ҳайдаб юборишади деб айтди. Улар мен қилмаган ишимни қилганман деб иқрорлик кўрсатмасини беришимни талаб қилишарди. Сўроқ пайтида пулим йўқлигини, шунинг учун ҳеч нарса бера олмаслигимни айтганим учун улар қаттиқ норози бўлишди...» (1989 йил 11 майдаги сўроқ баённомасидан кўчирма)

Оқил САЛИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми раиси бўлиб ишлаган:

«...биринчи куниде Ивано мандан республикада кимдан қанча пора олганим ва «юқори»да ишлаганлардан кимга қанча пора берганлигим ҳақида иқрорлик кўрсатмаларини беришимни талаб қилди. Менинг ҳеч кимдан пора олмаганман ва ҳеч кимга пора бермаганман деб айтганларимни терговчилар мутлақо эътиборга олишмади...

...Иванов менга биз партия манфаатларидан, XIX партконференция қарорларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилишимиз, шунинг учун биз талаб қилган кўрсатмаларни бериб бизни қўллаб-қувватлашинг керак деб айтди. Акс ҳолда, қариндошларингни қамаб, хонадонингни остин-устин қилиб ташлаймиз, Усмонов бизнинг йўригимизга юрмаган эди, отувга ҳукм қилинди деб таҳдид қилди... (1989 йил 11 майдаги сўроқ баённомасидан кўчирма)

Ережеб АЙТМУРАТОВ, Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг секретари бўлиб ишлаган:

«...Мен 1987 йил 20 августда Тошкентда қамоққа олиндим. Бир неча кун мени Ўзбекистон КГБсининг тергов изоляториди сақлашди, сўнг Москвага олиб келишди. Шу пайтдан Гдлян ва

Иванов сўроқ қила бошлашди. Менга анчагача чин юракдан иқрор бўлишининг аҳамиятини тушунтиришиб, қўйилган айбларга иқрор бўлишим кераклигини маслаҳат беришди. Ким иқрорлик кўрсатмасини бермаса отувга ҳукм қилинади дейишди, агар уларнинг айтганига юрсам, мени ҳатто қамоқдан озод қилишларини ҳам айтишди. Башарти иқрорлик кўрсатмасини бермасанг, хотинингни, ўглингни, қизингни, укангни қамоққа оламиз деб кўрқитишди. Ҳатто ҳомиладор аёлни ҳам ҳибсга олганмиз, сен ҳам шундай бўлишини иштайсанми деб сўрашди. Мен мутлақо айби йўқ одамларнинг қамоққа олинишини истамасдим...

...Эртасига Гдлян ва Иванов мени яна чақиршиди. Гдлян 50 кишидан пора олганман деб ёзиб беришимни сўради, поранинг миқдори 450000 сўмдан кам бўлмасин деб айтди...» (1989 йил 4 майдаги сўроқ баённомасидан кўчирма)

Қаллибек КАМОЛОВ, Қорақалпоғистон партия қўмитасининг биринчи секретари бўлиб ишлаган:

«...Менинг ишимни тергов қилаётган терговчиларни, биринчи навбатда, Гдлян ва Ивановни ишининг ҳақиқий ҳолати қизиқтирмас эди. Мандан ўзларига керакли бўлган кўрсатмалар беришимни талаб қилишарди. Улар мандан 15 – 20 миллион пулни пора тариқасида олганман деб ёзиб беришимни, бундан ташқари, КПСС МК апаратининг ходимлари Могильниченко, Смирнов, Истомин, Ишков ва бошқаларга пора берганман деб тўхмат қилишимни талаб қилишарди. Мен уларга ҳеч қачон пора бермаганман, шу сабабли пора берганман деб ёзиб бера олмайман деб айтдим. Шундан сўнг Гдлян ва Иванов агар ёзиб бермасанг, ёнингга хотин-бола чақаларингни ҳам ўтқазиб қўямиз деб мени кўрқитишига ўтишди. Агар биз айтган кўрсатмаларни берсанг, жазони камайтирамиз, агар кўнмасанг, 12 – 15 йилга Магаданга ёки Колимага жўнатамиз, у ерда сен ҳозирги аҳволинг билан узоққа бормайсан. Ёки бўлмаса отувга ҳукм қилинасан, хотининг ва болаларингни қамаймиз деб дўқ қилишди...

... Мени Гдлян ва Иванов биргалликда ҳам, ҳар бири алоҳида ҳам сўроқ қилишди. Улар менга агар юқори турувчи ходимларга, шу жумладан, КПСС МК ходимларига қарши кўрсатма-



лар берсанг, судда унча кўп муддат олмайсан деб айтишди...» (1989 йил 16 майдаги сўроқ баённомасидан кўчирма)

И.Б.Усмонхўжаев, Ҳ.Умаров, Н.Т.Туропов, И.Д.Жабборов, Р.Х.Абдуллаева ва бошқа қатор айбланувчилар Гдлян ва Иванов ҳамда уларнинг тергов гуруҳи ўзларига қандай тазйиқлар ўтказгани ҳақида кўрсатмалар беришган.

Гдлян ва Иванов устидан кўзғатилган жиноят иши бўйича тўплаган ҳужжатлар ўттиз томдан иборат бўлди. Бу ҳужжатлар билан танишган СССР бош прокурори Н.Трубин Гдлян ва Ивановнинг айби факт ва далиллар билан тўлиқ исботланди деб СССР Президенти Горбачёвга хат ҳам ёзган эди. Лекин орадан бир ой ўтгандан сўнг, яъни 1991 йил 30 августда айна шу бош прокурорнинг ўзи сиёсий ўйинларга берилиб Гдлян ва Иванов устидан кўзғатилган жиноят ишини уларнинг ҳаракатида жиноят таркиби йўқ деб ҳаракатдан тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарди.

Гдлян ва Ивановнинг жавобгарликка тортилмай қолганлиги учига чиққан адолатсизлик бўлди, қонунийлик ва ҳақиқат оёқости қилинди. Шунинг учун ҳам Н.Трубиннинг қонунга зид қарори бекор қилиниши лозим.

Бу пайтларда «Пахта иши» ва бошқа ишлар бўйича судланганларнинг 4000 га яқини жазо муддатларини Россиянинг турли вилояларида ўтаётган эди. Уларнинг барчаси «Пахта иш»ларини қайта кўриш бўйича тузилган комиссиянинг саъй-ҳаракатлари билан ватанига қайтарилди. И.Усмонхўжаев, Н.Худойбердиев, Қ.Камолов, Е.Айтмуротов, Т.Умаров, М.Мусахонов ва бошқалар эса Россиянинг Нижний Тагил шаҳридаги колонияда эдилар. Улар ҳам Тошкентга келтирилиб, махсус тиббий қисмга (ИТК-18) ётқизилди, тиббиёт хулосаларига асосан кекса-касалмандликлари туфайли 1991 йил бошида қамоқдан озод этилдилар.

Бу ўринда яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, улар Тошкентга келтирилиб, уйларига жўнатилганидан норози бўлган СССР бош прокурорининг ўринбосари Дзенинас Ўзбекистон Олий судига хат билан мурожаат этиб, Нижний Тагилдан келтирилганларнинг ҳужжатларини юборишимизни қатъий талаб қил-

ган бўлса-да, ҳужжатлар жўнатилмади.

Мен Виктор Иванович Илюхин билан кўп маротаба кўришиб, суҳбатлашганман. У Гдлян ва Иванов терговни ноқонуний ва ўзбошимчалик билан олиб борганларидан ташқари аҳолидан тортиб олинган пуллардан жуда катта миқдорини ўзлари ўзлаштириб юборганликлари ҳақида далиллар топилганини, бундан ташқари, товламачилик йўли билан баъзи айбланувчилардан катта миқдорда пора олганликлари ҳақида кўрсатмалар мавжудлигини ҳам айтган эди. Айна В.И.Илюхин тергови натижасида Оқил Салимов икки йил, генерал Отамурод Муҳаммадиев икки йилу уч ой, Бектош Раҳимов, Ҳамдам Умаров, Назир Ражабов тўққиз ой қамоқда ўтирганидан сўнг қамоқдан чиқарилган, бошқа кўплаб ҳамюртларимизнинг ҳам жиноят ишлари бекор қилинган.

Кейинчалик СССР бош прокурори Н.Трубин уни ишдан бўшатганидан кейин Илюхин Гдлян-Иванов тергов гуруҳи хунрезликлари, жаллодликлари ҳақида китоб ёзди ва қўлёзмани олиб Тошкентга келди. У менга китобининг қўлёзмасини кўрсатди ва уни нашр этишда ёрдам беришимни илтимос қилди. Виктор Иванович Илюхин билан Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И.Ҳ.Жўрабеков ҳузурига бордик. Исмоил Ҳакимович уни самимий, дўстона қабул қилди ва ўша пайтда Матбуот давлат қўмитаси раиси бўлган Рустам Шоғуломовга қўнғироқ қилиб, Илюхиннинг китобини ўзбек тилига таржима қилиш ва чоп этиш ҳақида кўрсатма берди.

Кўп ўтмай Илюхиннинг китоби «Қабоҳат ёхуд...» номида катта тиражда чоп этилди...

Энди Гдлян ва бошқаларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласига келсак, Гдлян ва Ивановни ўша пайтлардаёқ Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 119-1-моддаси (давлат ёки жамоат мулкани жуда кўп миқдорда талон-торож қилиш), 128-модда (рэкёт), 152-модда (пора олиш), 149-модда 2-қисми (ҳокимият ёки мансабини суиистеъмол қилиш), 150-модданин 2-қисми (ҳокимият ёки хизмат ваколатидан ташқари чиқиш), 156-модданин 2-қисми (айбсиз кишини била туриб жиноий жавобгарликка тортиш), 158-модданин 1- ва



2-қисмлари (била туриб қонунсиз қамаш ёки ушлаб туриш), 159-модданинг 2-қисми (кўрсатма беришга мажбур қилиш), 160-модданинг 2-қисми (била туриб ёлғон хабар бериш), 87-модданинг 2-қисми (ўз-ўзини ўлдириш даражасига етказиш), 93-модданинг 2-қисми (уриш ва қийнаш), 112-модданинг «в» банди (туҳмат) билан жиноий жавобгарликка тортиш лозим эди. Лекин СССР бош прокурори Н. Трубин виждонсизларча жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатганлиги туфайли улар жазодан қутулиб қолишди.

Ўтган ўттиз йил ичида Гдлян ва Иванов омавий ахборот воситалари орқали, хусусан, телевидениенинг ТВЦ каналида ҳамда ижтимоий тармоқларда сурбетларча уйдирмалар тарқатиб келишмоқда. Улар ҳатто СССР Олий суди, Ўзбекистон Олий суди, Россия судлари, Тожикистон Олий суди, Туркменистон Олий суди ва бошқа судларда оқланган ҳамюртларимиз ҳақида юзсизларча туҳмат қилишмоқда. Биз эса ўта андишали бўлганимиз боис уларнинг туҳматларига эътироз билдирмаяпмиз, улар содир этган жиноятларни тўла ва кенг кўламда очиб ташламаяпмиз. Ҳолбуки, мунтазам равишда такрорланаётган бундай туҳмат ва ҳақоратлар учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-моддасида жиноий жазо назарда тутилган. Жиноят кодексимизнинг 64-моддасида яна бир муҳим қоида мавжуд, яъни агар оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади. Демак, республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари Россия Федерациясининг прокуратурасида сақланаётган Гдлян ва Ивановга тегишли 30 томлик жиноят ишини олишлари, мазкур иш бўйича тергов ҳаракатларини мантқиқий охирига етказишлари ва уларни жиноий жавобгарликка тортишлари мумкин. Чунки улар бу жиноятларни Ўзбекистон ҳудудида ва Ўзбекистон фуқароларига нисбатан содир этганлар. Бунда ҳеч қандай қонун бузилишига йўл қўйилмайди. Бизнинг терговчиларимиз ишни холис ҳал этиш учун етарли малакага эга. Ҳар бир асосиз қамалган ва қийноққа тортилган ватандошимизни имкони борича аниқлаб, улар билан Гдлян-И-

вановларни юзлаштириш лозим. Шунда тарихий ҳақиқат қарор топади.

Бу ҳаракатлар дадиллик билан амалга оширилмас экан, катта қарвоннинг ортидан итларнинг акиллаши тўхтамайдиганга ўхшайди.

Маълумки, «Пахта иши»нинг терговини «десантчи»лар, хусусан, Бутурлин, Гайданов, Дидоренко раҳбарлигида бир неча минг терговчилар олиб борганлар. Уларнинг тергов тегиригига тушган 20 000 га яқин қишлоқ хўжалик ходимларидан 4500 дан зиёди айбдор деб топилиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган эди.

Аслини олганда, «Пахта иши» бўйича судланганларнинг барчаси қўшиб ёзишда мажбуран иштирокчи бўлиб қолишган. Ушбу масалага кенгроқ қарасак, пахтачиликдаги қўшиб ёзишлар ва бошқа суиистеъмоллар собиқ марказ томонидан йиллик пахта режаси ҳаддан ташқари юқори белгиланиши оқибатида вужудга келганлигини кўриш мумкин. Собиқ марказ республиканинг табиий шароити, имкониятларини ҳисобга олмай ҳар йили оширилган пахта режасини белгилар, сўнг бажарилиши мумкин бўлмаган ушбу режани сўзсиз бажаришни талаб қилар эди. Маҳаллий раҳбарлар эса бу талабга бўйсунушга мажбур эди.

Масаланинг бу жиҳатларига Бутурлин ҳам, Гайданов ҳам мутлақо эътибор бермаган. Чунки уларнинг мақсади Ўзбекистонни, ўзбек халқини ёмонотлиқ қилиш орқали ўзларини ишнинг кўзини биладиган, жиноятларни ҳеч нарсадан қўрқмай дадил фош эта оладиган етук мутахассис қилиб кўрсатиш, юксак лавозимлару мукофотлар олиш бўлган.

1989 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Олий суди раҳбарияти Ўзбекистон Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислон Каримовга вужудга келган вазият ҳақида, тергов жараёнида йўл қўйилган қўпол қонунбузарликлар, инсон ҳуқуқлари топталганлиги ва «Пахта иши» бўйича келтирилган зарар миқдори бўрттириб кўрсатилганлиги ҳақида маълумотнома тақдим этди. Ушбу маълумотномага асосан И.Каримов топшириғи билан ҳукумат комиссияси тузилди. Аввал 1989 йил 12 сентябрь ойида етказилган зарар миқдори-



ни аниқлаш бўйича ҳукумат комиссияси, сўнгра «Пахта иши»ни тўлиғича ўрганиш учун 1990 йилда комиссиянинг янги таркиби тасдиқланди. Унга ўша пайтда ҳукумат раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаётган И.Х.Жўрабеков раис этиб тайинланди, мен эса раис ўринбосари бўлдим.



Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг «Пахта иши» бўйича комиссияси раиси Исмоил Ҳакимович Жўрабеков ва комиссия раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий суди раиси вазифасини бажарувчи Абдусамад Абдуҳамидович Полвонзода комиссиянинг навбатдаги ишлари юзасидан суҳбатлашишмоқда.

Комиссия 50 кишидан, асосан, ҳуқуқшунослардан иборат бўлиб, улар орасида Олий суд судьяларидан Абдуқодир Сарабеков, Аҳрор Қодиров, Собир Исмоилов, Султонбой Бердиқиличев, Азамат Дўстбобоев, Олий суднинг масъул ходими Мухтор Мирзаолимов, область ва туман судьяларидан Шавкат Ҳақназаров, Эркин Хўжақулов, Йўлдош Очилов, Ғофир Собиров, Нуриддин Тўхлиев ва прокуратура ходимлари бор эди. «Пахта иши»га оид 40 000 га яқин барча жиноят ишлари область судларидан Республика Олий суди ихтиёрига чақириб олинди, уларнинг ҳар бир варағи синчиклаб ўрганилди. Комиссиянинг ушбу аъзолари 1989 – 1991 йилларда ҳар куни 12 соатгача фидокорлик билан ишладилар, ўзларининг ватанпарварликларини, судьялик қасамёдига содиқ эканликларини амалда кўрсатиб, адолатни тиклашга жуда катта ҳисса қўшганла-

рини самимий миннатдорлик билан таъкидлайман.

1989 йил октябрь ойида 500 – 600 га яқин асосан Қашқадарё областидан келган кишилар Ўзбекистон Марказқўми биноси олдида тўпланишиб, фақат И.А.Каримов билан учрашишларини қатъий талаб қилиб туриб олишди. Чунки Ислол Каримов айнан Қашқадарё областида ишлаганидан кейин республикага раҳбар бўлган эди. Тўпланганлар ўзлари ва судланган қариндошлари тазйиқлар остида қўшиб ёзишга мажбур бўлгани, моддий бойликларни ўзлаштирмаган бўлсалар-да, суд ҳукмига биноан 4 – 5 йил қамоқда ўтирганлари, бу ҳам камлик қилгандай, ойлик маошидан 50% ушлаб қолинаётгани, 8 – 10 тадан бола-чақаси бор оддий қишлоқ одами тергов жараёнида бор мол-мулкидан ажрагани, номлари

қора бўлгани етмагандай, суд томонидан тайинланган моддий зарарни тўлашга мажбур бўлиб қолишгани тўғрисида гапиришарди.

Республика «Пахта иши» комиссияси вакили сифатида Марказқўмга келганларнинг тўрттаси билан қабулхонада суҳбатлашдим, муаммонинг моҳиятига етганимдан кейин тўпланганларга: «Республика Олий судига боринглар, шу ерда бир тўхташга келамиз», – деб айтдим.

Олий суд биносига келганларнинг барчаси катта мажлислар залига сиғмади. Чамаси, 300 кишидан иборат оломон, бири қўйиб, иккинчиси гапирар эди. Биз Олий суд раиси М.Маликов билан уларни тинчлантиришга уриндик. Воҳанинг полвонсифат эркаклари кўз ёш қилишлари юрак-бағримизни эзиб юборди. Улар куюниб: «Адолат борми?» – дердилар.



Олий суд раисига Жиноят-процессуал кодексининг 350-моддасига асосан ҳукмларнинг зарарни ундириш қисми ижросини тўхтатишни таклиф қилдим. Раис шу ернинг ўзида барча область судларига телеграмма жўнаттирди, шу мазмундаги телеграмманинг нусхалари йиғилганларнинг қўлига ҳам берилди...

область судларидан келтирилган «Пахта иши»га тааллуқли дастлабки ишларни кўриш чоғидаёқ илгари ҳеч ким эътибор бермаган бир қатор ҳуқуқий муаммолар аниқланди.

Биринчидан, «десантчи»лар «Пахта иши» бўйича республикага етказилган зарар миқдорини бир неча юз барабар бўрттириб кўрсатганлиги маълум бўлди. **Иккинчи масала** эса анча муҳимроқ ва ҳуқуқий жиҳатдан жуда мураккаб эди. «Пахта иши» бўйича судланганларнинг асосий қисми тергов материаллари бўйича ҳам, тергов хулосаси бўйича ҳам, суднинг ҳукми бўйича ҳам бир тийин ўзлаштирмаганлиги, улар пахта плани бажарилганлиги ҳақидаги нотўғри ҳужжатларга, юқорида кўрганимиздек, тазйиқ остида имзо чекканлари аниқланди.

Юқорида айтиб ўтганимдек, 1990 йилнинг биринчи ярмида мен республика раҳбарияти томонидан СССР Олий Советида Гдлян-Иванов тергов гуруҳининг жиноятлари муҳокамасида қатнашаётган Ўзбекистон депутатларига ҳуқуқий ёрдам бериш учун Москвага юборилгандим. Шу ерда СССР Олий суди раиси Е.А.Смоленцевга «Пахта иши» бўйича хулосалар ҳақида хат ёзиб, унда ушбу ишларни кўриш бўйича тавсиялар беришни сўрадим. Хатни Москвадаги элчихонамининг котибаси компьютерда териб бергандан сўнг СССР халқ депутати Владимир Одилов билан бирга Е.А.Смоленцев ҳузурига кириб, хатни ўз қўлига бердик. У хатни ўқиб чиқиб, бу фикрлар нотўғри деди беписандлик билан.

Шу хатни «Водийнома» журнали ўқувчилари эътиборига ҳавола қилмоқчиман:

*«СССР Олий судининг раиси
ўртоқ Е.А.Смоленцевга*

Маълумки, 1983 – 1989 йилларда Ўзбекистон «Пахта иши» деб номланган ишлар бўйича 5

мингга яқин киши жиноий жавобгарликка тортилиб, судландилар.

Партия, совет ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига асоссиз судланганлик, қонунсиз тергов усуллари олиб борилганлиги, тайинланган жазоларнинг оғирлиги, жиноятга ҳеч қандай дахлдор бўлмаган айбланувчиларнинг қариндошлари ва танишларининг пул маблағлари тергов органлари томонидан олиб кетилганлиги ва бошқа масалалар ҳақида минглаб шикоятлар тушмоқда.

Пахта тайёрлаш системасидаги суиистеъмолликлар натижасида келтирилган моддий зарар ва расмий эълон қилинган талон-торож миқдорининг тўғрилиги жиддий шубҳалар туғдирмоқда.

Республика жамоатчилиги ва СССР халқ депутатларининг бир гуруҳи талабларига кўра Ўзбекистон Компартияси Марказқўми суд ва Ўзбекистон ССР прокуратура органлари ходимларидан иборат бўлган Республика Министрлар Совети комиссиясини ташкил қилди.

Ҳақиқий ҳолатни аниқлаш учун ҳамма «Пахта иши»лари чақириб олинди, ўрганиб чиқилмоқда.

Ҳозирги вақтнинг ўзидаёқ эълон қилинган пахтачиликдаги зарар ва талон-торожлар миқдори тахминларга асослангани, сунъий равишда бир неча мартаба ошириб кўрсатилгани аниқланди.

Бизнинг фикримизча, бир қатор ишлар бўйича колхозлар, совхозлар кассаларидан олинди, пахта заводлари ходимларига берилган, улар эса, ўз навбатида, ўзларида ҳосил бўлган пахта камомадини яшириш мақсадида район маиший комбинатларига, тўқимачилик корхоналари ва бошқаларга берган анчагина пул маблағлари асоссиз равишда талон-торож суммасига киритилган.

Пировардида кўпчилик ҳолларда кўрсатилган пуллар давлат банкига гўё сотилган товарлар пули сифатида топширилган. Бу пуллар, шубҳасиз, қўшиб ёзишлар ва товарсиз операциялар қилинганини кўрсатса-да, лекин талон-торожлар суммасига асоссиз киритилган, чунки қонуннинг аниқ маъноси ҳисобга олинган тақдирда, талон-торож қилишлик айбланувчи томонидан давлат ва жамоат мулкани қонунсиз равишда, пул тўламасдан



текин олишни назарда тутди. Кўрсатилган ҳолатларда пуллар давлат банкасига қайта топширилган ва давлат ҳисобидан олинмаган.

Қашқадарё область судининг 1985 йил 18 ноябрдаги ҳукми бўйича Нишон пахта заводи-нинг ходимлари Худойбердиев П. ва бошқалар совхоз ходимларидан пахта қўшиб ёзганлари учун ҳаммаси бўлиб 3 миллион 768 минг сўм пора олганликда айбли деб топилганлар. Уларнинг бу ҳаракатлари ҳам талон-торож қилган ва қўшиб ёзган деб квалификация қилинган. Ҳақиқатда эса пахта заводи ходимлари шу 3 миллион 768 минг сўмдан район маиший хизмат комбинатларига 3 миллион 339 минг сўмни камомадларини ёпиши учун берганлар. Кейинчалик бу пулларнинг асосий қисми давлат банкасига кирим пули сифатида топширилган. Бошқа кўп ишлар бўйича ҳам шу каби қўпол хатоликларга йўл қўйилган. Пахтачиликда суиистеъмолликлар маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан ҳақиқий иқтисодий манфаатдорлиги бўлмаган республиканинг реал имкониятлари ҳисобга олинмаган ҳолда шафқатсизларча марказлаштирилган планлаштириш оқибатида юз берган. Бунинг натижасида хўжаликнинг буйруқбозлик усуллари, «План бу – қонун» ва шу каби бошқа шиорлар кенг кўламда қўлланилган. Кўпчилик партия, совет раҳбарлари ҳақиқатда имкони бўлмаган, айниқса, ноқулай об-ҳаво шароитларида бажариши мумкин бўлмаган юқоридан юборилган кундалик пахта териши графигини қаттиқ туриб талаб қилишга мажбур бўлганлар. Бунда ҳар қандай тушунтиришлар партиявий ва бошқа чоралар билан рад қилинган, партия комитетларининг ҳар кун кечаси ўтказиладиган бюросида тазйиқлар ўтказилган.

Масалан, Қашқадарё обком партиясининг собиқ иккинчи секретари Головачев хўжалик раҳбарларини қўрқитиб, ўз ҳукмини ўтказиб, уларни пахта «сотиб олиш»га мажбур қилган. Қўшиб ёзишга қарши чиққан «Коммунизм» колхозининг раиси Эшматов Головачев район партия бюросига чақирилиб, унга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган. Натижада Эшматов колхоз кассасидан пулларни олиб пахта заводи ходимларига берган, унга эса 1283 тонна пахта топширилганлиги ҳақида товарсиз чипта ёзиб беришган. Эшматов ва колхознинг бошқа

ходимлари бу пулларни ўзлаштирмаганлар ва бу операциядан ҳеч қандай гаразли манфаат кўрмаганлар. Эшматовга жуда кўп миқдорда талон-торож қилган ва қўшиб ёзган деган айб қўйилиб, 7 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Кўпчилик хўжалик раҳбарларининг ҳеч қандай гаразли манфаатдорлиги бўлмаганлигини пахта тайёрлаш плани бажарилганидан кейин ҳам уларни пахта қўшиб ёзишга мажбур қилганлик ҳоллари тасдиқлайди. Аҳвол жисмоний зўрлик ишлатиш даражасига бориб етган. Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхоз раиси Сувонов Б. қуйидагича кўрсатма беради: «Бизнинг колхозимиз 1983 йил ноябрь ойининг бошларида пахта тайёрлаш планини бажарди. Ўша вақтда райкомда вакил обкомнинг иккинчи секретари Головачев эди. У менга пахта қўшиб ёзишни таклиф қилди. Мен унга колхоз йиллик планини бажарганлигини, далада эса пахта қолмаганлигини айтдим. Шундан кейин мен 8-9 кун давомида Головачевнинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилдим. У барибир мени топиб олди, уятли сўзлар билан ҳақоратлади ва қўли билан икки марта урди, томоғимдан бўғди. Мен пахта қўшиб ёзишга мажбур бўлдим, пахта заводи классификаторига 180 минг сўм бердим. Ўзимиз бир тийин ҳам ўзлаштирмадик».

Сувоновнинг кўрсатмалари бошқа иш материаллари билан ҳам тасдиқланади. Харақтерли жойи шундаки, Сувоновнинг иш бўйича кўрсатилган суммадан қайси қисми пахта заводи ходимлари томонидан ўзлаштирилгани ва қайси қисми давлат банкасига қайтарилгани аниқланмаган. Шунга қарамай, жуда кўп маблағни талон-торож қилгани ва қўшиб ёзгани учун 10 йилга озодликдан маҳрум этилган. Головачевга келсак, у амнистия бўйича жавобгарликдан озод қилинган.

Тергов ва суд жараёнида зарарни қоплаш учун айбдорларнинг қариндошлари ва танишларидан қонунсиз пуллар йиғиб олинган. Умумий ҳисоблаганда, фуқаролардан бир неча миллион сўм қонунсиз олинган. Ҳозирги вақтда аксарияти кўп болали бўлган судланганларнинг иш ҳақидан 50 фоизи зарарни қоплаш учун ушлаб қолинмоқда.

Бизнинг фикримизча, давлат вакиллари тазйиқи остида сохта чипталар олиш учун



пул берган хўжаликлар ходимларининг ҳаракатлари талон-торож қилиш ва пора бериш жинояти таркибларини ташкил этмайди, чунки бунда гаразлик элементлари йўқ бўлиб, бу ҳаракатлар товарсиз операциялар ва қўшиб ёзишлар ҳақидаги кўрсатмаларни бажаришга қаратилган.

Кўпчилик ишлар бўйича охириги зарурат ҳақидаги қонун-қоидаларни қўллаш учун асослар бор деб ҳисоблайман. Албатта, бунда фақат гап жиноятда иштирок этишидан ўзи учун ҳеч қандай шахсий манфаат кўрмаган (яъни бир тийин ҳам ўзлаштирмаган – Р.Ш.) шахсларнинг ҳаракатлари тўғрисида бормоқда. Қонунда охириги зарурат ҳолатини характерловчи, айниқса, бу тоифадаги ишларнинг ўзига хос бўлган аломатлари йўқ. «Пахта иш»лари келиб чиқишининг ўзи кўп жиҳатдан иқтисодиётдаги ҳаддан ташқари марказлашган бошқарув системасининг жуда оғир оқибатлари билан боғлиқдир.

Шунинг учун бу энг муҳим масала бўйича конкрет маҳаллий шароитларни ҳисобга ол-

ган ҳолда социалистик ҳуқуқий онгга мувофиқ тўғри қарор қабул қилиш мумкин. «Пахта иш»лари бўйича доимий равишда хавф остида бўлган ва бешафқат оёқости қилиб келинган инсон ҳуқуқларининг ижтимоий қимматини гараз мақсадлари бўлмаган ҳолда давлат вакилларининг ўзлари мажбурлашлари бўйича кишилар томонидан давлатга етказилган мажбурий зарарни таққослаганда, албатта, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз афзаллик берилмоғи лозим. Бундай муносабат ҳуқуқий давлат, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий адолат тамойилларига мувофиқ бўлади.

Қонунга асосланган бундай қарорнинг қабул қилиниши аҳолисининг асосий қисми пахта етиштириш билан машғул бўлган Ўзбекистонда маънавий-сиёсий вазиятни анчагина яхшилашга ёрдам беради...»

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети комиссияси раиси ўринбосари
А.А.Полвонзода

Ушбу хатда кўрсатилган мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қашқадарё область Талимаржон туманидаги 2-давлат хўжалиги ходимларига нисбатан кўзғатилган жиноят иши бунга яққол мисол бўла олади. Бу иш бўйича собиқ бўлинма бошлиқлари, бухгалтерлар, жами 24 киши судланган. Гувоҳлар – давлат хўжалиги бўлинма бошилиқларининг кўрсатма беришича, Талимаржон туман ижроия қўмитасининг раиси пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш режасига қўшиб ёзишга кўрсатма бериб келган. Бу буйруқ бажарилмаганлиги учун унинг кўрсатмасига асосан хўжалик бош бухгалтери Б.Хидиров, кассирлар Баҳритдинова ва Эргашев бир суткага қамалганлар.

Бўлинма бошлиғи Ю.Жалилов қалбаки ҳужжатларни имзолашдан бош тортиб, давлат хўжалиги раҳбарларининг рухсатсиз қўшни хўжаликка ишга ўтган. Бироқ 1982 йил 25 декабрь куни унинг уйига директор ўринбосари, партия қўмитаси секретари ва комендант келиб, ультиматум қўйишган – ё қалбаки ҳуж-

жатларни имзолайсан, ё ҳозироқ квартирани бўшатасан. Жалилов қишда, бошқа квартираси бўлмаганлиги, қаҳратон совуқда оиласи ва ёш болалари билан ҳеч қаерга кўчиб кета олмаслиги сабабли қалбаки ҳужжатларни имзолашга мажбур бўлган.

Шу каби ҳолатлар республикамизнинг барча областларида ҳам юз берган.

Бу ўринда айтиб ўтиш керакки, қўшиб ёзишлар фақат Ўзбекистонда эмас, барча совет республикаларида бўлган. Марказ Ўзбекистонга «десант» ташлаганида гўёки Иттифоқ миқёсида тарқалган бу ҳолатдан беҳабар бўлгандай қилиб кўрсатишга уринди. СССР прокуратураси ҳайъат мажлисининг бирида Гдяннинг бевосита раҳбари Каракозов пахтачиликдаги қўшиб ёзиш Ўзбекистонга нисбатан бошқа республикаларда анча кўпроқ бўлган деб эътироф ҳам этган. Демак, аслида, айнан собиқ марказнинг буйруғига асосан социалистик давлатнинг «катта ютуқлари»ни намойиш этиш учун қўшиб ёзишлар вужудга келган эди. Давлатнинг ўзи



одамларни қўшиб ёзишга мажбурлаб, сўнг уларни қатағон қилди. Дунё тарихида халққа нисбатан қилинган бундай улкан ғирромлик жуда кам учрайди.

Шу сабабли ҳам СССР Олий суди раиси Е.А.Смоленцевнинг мурожаатимизга бепи-сандлик билан қарагани бизга оғир ботди.

Шундан сўнг бутун масъулиятни зимма-мизга олиб «Пахта иш»ларини қайта кўриб чиқишга қарор қилдик. Бу мақсадни амалга ошириш учун Ўзбекистон Олий суди «Пахта иш»ларини қайта кўриб чиқиш бўйича Пле-нум қарорини қабул қилиб судьяларга те-гишли тушунтиришлар бериши лозим эди. Е.А.Смоленцевга ёзилган хатда «Пахта иш»ла-рини қайта кўриб чиқиш концепцияси баён этилган эди. Шу туфайли пленум қарорига ушбу концепция асос қилиб олинди.

Маълумки, Ўзбекистон Жиноят кодекси-нинг 14-моддаси «Охирги зарурат» деб ном-ланган. Унда: **«Жиноят қонунида назарда тутилган ҳаракатларни охирги зарурат ҳолида қилинса, яъни давлат манфаатла-рига, жамият манфаатларига, шу шах-нинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёки ҳуқуқларига қўрқинчли бўлган хавф-ни қайтариш учун қилинган бўлса ва шу хавфни ўша ҳолда бошқа чоралар билан қайтариш мумкин бўлмаган бўлса ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарар-га қараганда камроқ бўлса, жиноят ҳи-собланмайди»**, – деб кўрсатилган. Шундан келиб чиқиб Олий суд Пленуми қарорининг лойиҳасини тайёрладик ва тегишли идора-ларга кўриб чиқиш учун жўнатдик.

Республика прокуратураси Пленум қарори лойиҳасига салбий хулоса берди. Шунга қа-рамай, ушбу қарор лойиҳаси навбатдаги Пле-нумнинг кун тартибига киритилди.

Кўп тортишувлардан сўнг Олий суд раиси М.Маликов раислигида Ўзбекистон Олий суди Пленуми 1990 йил 20 июлда **«Республика суд-лари томонидан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган талон-торож қилиш, қўшиб ёзиш ва бошқа суиистеъ-молликлар ҳақидаги ишларни кўриш ама-лиётида вужудга келган баъзи масалалар тўғрисида»** деб номланган қарорни қабул

қилди. Шу қарорни қисқартирилган ҳолда эъ-тиборингизга ҳавола этаман:

«Пленум пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган талон-торож қилиш, қў-шиб ёзиш ва бошқа суиистеъмолликлар ҳақи-даги ишларни кўриш практикасида юзага келган масалаларни муҳокама қилиб, судлар томонидан бир қанча ишларни кўришда қо-нунсизлик ва фуқаролар ҳуқуқлари жиддий ра-вишда бузилганлигини қайд қилади.

Талон-торож қилиш ёки пора олиш жиноят-ларини содир этишликка ҳеч қандай қасдлари ва тамагирлик ниятлари бўлмаган фуқаро-ларни шундай жиноятларни қилганликлари учун судлаш фактлари бўлган. Кўп ҳолларда қўшиб ёзиш ва бошқа суиистеъмолликларда айбли бўлганларнинг ҳаракатлари талон-то-рож қилганликда квалификация этилган.

Конкрет ишларни кўриш вақтида кўпинча колхозлар, совхозларнинг кассаларидан оли-ниб, тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари-га берилган, кейинчалик давлат банкасига тушган пул маблағлари асоссиз равишда та-лон-торожлар суммасига киритилган. Тергов органлари томонидан айбланувчиларнинг жи-ноятларига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган қа-риндошларига ва танишларига тегишли бўл-ган пул маблағларини олиб кетиш фактлари ҳам бўлган.

Тергов олиб бориш ва ишларни судда кўриш вақтида жиноятларни содир этиш ҳолатла-рини тўла ва объектив текшириш, айбланув-чини қораловчи ҳолатларни ҳам, оқловчи ҳо-латларини ҳам аниқлаш зарурлиги ҳақидаги қонун талаблари бузилган. ЎзССР ЖПКнинг 22-моддасига хилоф равишда дастлабки тер-говнинг ва суд томонидан кўриладиган ишнинг тўлалигига ва объектив олиб борилишига салбий таъсир кўрсатишига қарамай, ишлар асоссиз равишда ажратиб келинган. Бу эса жиддий суд хатолигига олиб келган.

Кўпгина ишлар бўйича содир қилинган жи-ноятга тўғри ижтимоий баҳо берилмаган: ре-спубликанинг ҳақиқий имкониятлари ҳисобга олинмай қаттиқ марказлашган планлашти-риш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалигида-ги қўшиб ёзиш ва бошқа суиистеъмолликларни келтириб чиқаришга ёрдам берувчи ҳақиқий



сабаблар ва шароитлар чуқур аниқланмаган.

Судлар ҳукм чиқариш вақтида қонунда назарда тутилган асослар бўлмагани ҳолда фуқаролик суд юргизиш тартибида кўрилишига оид бўлган келтирилган моддий зарарни қоплаш масалаларини ҳал қилганлар.

Юқорида кўрсатилган қонун бузилишларнинг кўп қисми кассаця ва назорат инстанциялари томонидан ишлар кўрилганида эътиборсиз қолиб келган.

Ўзбекистон ССР Олий судининг Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

2. Талон-торож қилиш фақатгина тўғри қасд билан ва айбланувчи томонидан давлат ва жамоат мулкани қонунсиз, пул тўламасдан текинга олиб ўз фойдасига қаратиш билан содир этилиши судларга тушунтирилсин. Қонунга мувофиқ талон-торож қилиш жинояти содир этилаётганлигидан бехабар бўлган шахслар бу жиноятнинг иштирокчилари деб ҳисобланмайдилар. Колхоз ва совхоз кассаларидан товарсиз операциялар содир этиш учун олинган, пировардида давлат банкаларига келиб тушган пул маблағларини талон-торож қилинган деб ҳисоблаб бўлмайди.

3. Судлар ҳар бир конкрет ҳолатда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг тазйиқи остида жиноят қилишда мажбуран иштирок этганлик фактларига албатта ҳуқуқий баҳо беришлари лозим. Шу билан бирга, мазкур раҳбарларнинг қонунга хилоф талабларини бажармаган тақдирда шахснинг қандай ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари хавф остида қолганлигини аниқлаш керак.

Агарда шахс унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек, унинг яқин кишилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига хавф тугдирувчи шароитга туширилган бўлиб, уни бошқа воситалар билан бартараф этиш имкони йўқлиги аниқланса ва у олдини олган зарар содир этган хатти-ҳаракатларидан муҳимроқ бўлса, гарчи кўрсатилган ҳаракатлар расмий жиҳатдан жиноий жазо тайинлаш мумкин бўлган ҳаракатларни ўз ичига олса ҳам, бундай ҳаракатлар охири зарурат ҳолатида содир этилган деб ҳисобланмоғи лозим, чунки жамиятни демократлаштириш,

ҳуқуқий давлат шароитларида инсоннинг конституцион ҳуқуқлари ва озодлигининг ижтимоий қиммати биринчи даражали аҳамият касб этади.

4. Юридик шахсларнинг қонунда махсус кўрсатилган ҳолатлардан ташқари ҳолларда жиноят ишларида даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок эта олмасликлари судларга тушунтирилсин».

Ушбу қарор амалий жиҳатдан ҳам, илмий-назарий жиҳатдан ҳам тарихий аҳамиятга эга бўлди. Комиссиянинг, Олий суд ходимларининг иши жадаллашди. 1990 йил декабрь ойигача «Пахта иш»лари бўйича беш юзга яқин судланганларнинг ишлари кўриб чиқилди, улар кўшиб ёзиш жиноятини юқори раҳбарлар томонидан тазйиқ ўтказилганлиги оқибатида содир этганликлари учун оқландилар.

Аммо орадан кўп ўтмай комиссия ишига тўсиқлар қўйила бошланди. Бир неча ой муқаддам «Пахта иш»лари бўйича комиссия хулосалари битилган хатга беписандлик билан қараган СССР Олий суди раиси Смоленцев 1990 йил октябрь ойида Ўзбекистон Олий суди Пленумига тақдимнома киритиб, 20.07.1990 йилда қабул қилинган Пленум қарорининг юқорида келтирилган учинчи бандини бекор қилишни қатъий талаб этди. Хусусан, тақдимномада охири зарурат ҳолати ҳақидаги қоидаларни Ўзбекистон Олий суди талқин қилишга ҳақли эмас, бундай ваколат фақат СССР Олий суди ваколатига киради деб кўрсатилган эди.

Олий суд раиси М.Маликов 1990 йил охирида Ўзбекистон адлия вазири этиб тайинлангани учун бу пайтда мен Олий суд раиси вазифасини бажарувчи бўлиб қолган эдим. Шу боис олдимда нима қилиш керак деган савол бутун залвори билан кўндаланг бўлди.

Чунки СССР Олий судининг тақдимномаси биз учун бажарилиши шарт бўлган буйруқ эди. Биз бу буйруқни бажарадиган бўлсак, «Пахта иши»ни қайта кўриб чиқиш ишига нуқта қўйилади ва оқланишини умид билан кутиб турган минглаб жабрдийдаларнинг тақдири ўлда-жўлда қолади.

Ўзбекистон ССР Конституциясида респу-



бликамиз суверен республика деб айтилган. Шундай экан, Ўзбекистон Жиноят кодексининг охирги зарурат ҳолати ҳақидаги қоидаларига тушунтириш беришга Ўзбекистон Олий суди ҳақли деган хулосага келдим ва бутун масъулиятни бўйнимга олиб тақдимномани Пленум муҳокамасига қўйишга қарор қилдим.

Пленум арафасида олдимга жуда ҳурмат қиладиган устозим, жиноят ҳуқуқи фани бўйича таниқли профессор, Олий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгашининг аъзоси Борис Аронович Блиндер келди. Устозга Олий суд Пленуми муҳокамасига қўйилган масала ҳақида гапириб берган эдим, юзига ташвиш соя солди.

– Абдусамат, – деди у аста, – хатога йўл қўймаётганингга ишончинг комилми? Ахир бусиз ҳам душманларинг бир талай-ку.

Мен устозга:

– Комиссиянинг позицияси ҳуқуқий нуқтаи назардан мутлақо бенуқсон, – деб жавоб бердим.

Шу аснода устознинг 1970 йилда Тошкент давлат университети ҳуқуқшунослик факультетининг 3-курс талабаси бўлган пайтимизда ўқиган лекцияси ёдимга тушди:

– Эсингиздами, жиноят ҳуқуқи бўйича бизга дарс бергансиз, ўшанда профессор Матвей Давидович Луцкийнинг «Ҳақиқий ҳуқуқшунос ҳуқуқнинг туб маъносини, адолатни ҳис қила билиши, ўзининг принципларидан қайтмасдан собитқадам туриши лозим» деган фикрини алоҳида таъкидлаган эдингиз.

Бу гапдан сўнг Борис Ароновичнинг юзидан чуқур ҳаяжон акс этди.

– Бунга қара-я, орадан йигирма йил ўтиб кетган бўлишига қарамай, менинг сабоқларимни унутмабсан, – деди устоз мамнуният билан.

Шу тариқа суҳбатимиз бир соатдан кўп давом этди. Охир-оқибат Блиндер Пленум қарори қонунга зид эмаслигига ишонч ҳосил қилди.

1990 йил 28 декабрь куни ўтказилган Ўзбекистон Олий суди Пленумида мен муҳокама этиладиган масала бўйича маъруза қилдим. Музокара эса жуда катта тортишувлар билан ўтди. Ҳатто айрим Олий суд судьялари ҳам

тақдимномани ёқлаб гапиришди. Шунда профессорлар Борис Аронович Блиндер ва Гофур ака Абдумажидов сўзга чиқиб, «Пахта иш»лари комиссиясининг фаолиятини маъқуллаб, СССР Олий суди раисининг тақдимномаси ноқонуний эканлигини асослаб берганларидан сўнг Пленум иштирокчиларининг фикри ўзгарди, тақдимномани рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига талқин бериш Ўзбекистон Олий судининг мутлақ ваколати доирасига киради деб таъкидланди.

Бу орада СССР Олий суди раиси Е.А.Смоленцев менга бир неча бор қўнғироқ қилиб, ўзбошимчалик қилишда давом этаверсанг, республика раҳбари И.Каримовга айтаман, ўзинг эса жавобгарликка тортилсан деб дағдаға ҳам қилди, мен эса СССР Олий суди йўл қўйган қўпол хатоларга, бунинг оқибатида бир неча минг одам асоссиз судланганига эътиборини қаратдим.

Тақдимнома рад этилганидан кейин СССР Олий суди Пленуми 1991 йил 17 майда Ўзбекистон Олий суди Пленумининг 1990 йил 20 июлда қабул қилган қарори учинчи бандини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиб, ижро учун Республика Олий судига юборди.

СССР Олий судининг ушбу Пленумига Ўзбекистон Олий суди раҳбарлари таклиф этилмаганди.

Мен яна қайтадан Республика Олий суди Пленумини чақириб, СССР Олий суди Пленумининг 1991 йил 17 майдаги қарорини ўқиб эшиттирдим, муҳокамадан сўнг СССР Олий суди Пленуми қарори Ўзбекистон қонунларига зид бўлганлиги учун Ўзбекистон Республикасида қўлланилмайди деган қарор қабул қилинди.

СССР Олий суди раҳбарияти ва ЎзССР Олий суди раҳбарияти ўртасида 1920 йиллардан буён бундай зиддият бирон марта бўлмаган эди.

Ўша кунларнинг бирида Марказқўмга чақирилдим. Маъмурий ва ташкилий бўлим раҳбарлари менга «Пахта иш»ларини кўриб чиқишни тўхтатиш тўғрисида 1-котибдан топшириқ бўлганлигини маълум қилди.

Бу ёмон гап эди.



СССР Олий суди раиси Е.А.Смоленцевнинг республика раҳбарига айтаман, жавобгарликка тортилсан деган дағдағаларини эслаб Исллом Абдуғаниевичга қўнғироқ қилган бўлса керак деб ўйладим.

Шундан сўнг Марказқўмдан Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси Исмоил Ҳақимович Жўрабеков олдида бориб, унга Марказқўмда бўлиб ўтган суҳбат тафсилотларини батафсил гапириб бердим. Исмоил Ҳақимович «Пахта иш»ларини қайта кўриб чиқиш самарали бо-раётганлигидан мамнун бўлиб юрар, комиссия ишида бирон-бир муаммо туғилса, уларни ҳал этиш чораларини тезкорлик билан кўрар эди. У киши юз берган воқеани эшитиб, асабийлашиб ўрнидан туриб кетди ва хона бўйлаб тез-тез юра бошлади. Бир неча дақиқадан сўнг:

– Сиз қилинган ишлар бўйича маълумотнома тайёрлаб менга беринг, бу масалани ўзим Исллом Абдуғаниевичга айтаман, – деди.

Бу орада ўзимизнинг баъзи мансабдор шахслар, ҳуқуқшунос олимларимиз СССР Олий суди таъсири остида комиссиянинг фаолиятига қарши ҳар хил гаплар тарқатганлиги ва республика раҳбарини чалғитиши оқибатида комиссия иши бир неча ой тўхтаб қолди. Ҳатто уни тугатиш-тарқатиш масаласи ҳам кўтарила бошланди.

Комиссия фаолияти атрофида давом этаётган ҳар хил ноўрин, майда гапларга чек қўйиш учун СССР Олий суди ва Ўзбекистон Олий судининг қарорлари юзасидан ўз фикрларини билдиришларини сўраб Москвадаги энг етакчи ҳуқуқшунос олимларга хат билан мурожаат қилдим.

Хатларга СССР Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Олий суди Пленуми қарорлари ҳамда оқланганларнинг ҳужжатлари илова қилиниб Москвага, академик В.В.Кудрявцев, профессорлар С.В.Бородин, Ю.П.Касаткин, И.М.Гальперин, Н.В.Радутная ва бошқаларга жўнатилди.

Орадан кўп ўтмай улардан Ўзбекистон Олий суди Пленуми қарорини маъқуллаган жавоб хатлари келди. Ўша хатларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз:

Ўзбекистон Олий суди раиси вазифасини бажарувчи ўртоқ Полвонзода А.А.га

СССР прокуратураси раҳбар кадрлар тайёрлаш институти директорига 1991 йил 23 майда юборган хатингизда қўйилган саволларга ўзимнинг қуйидаги мулоҳазаларимни билдирмоқчиман:

1. Пахта маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган қўшиб ёзиш ва бошқа сушистеъмолликлар ҳақидаги ишлар бўйича охириги зарурат ҳолатида содир қилинган қонун бузилишларини ижтимоий хавфли ҳаракат деб танимаслик проблемасига доир масала юзасидан Республика Олий судининг кенгайтирилган тарзда берган тушунтиришларини тўғри деб ҳисоблайман.

Бу хил изоҳларнинг умумиттифоқ қонунларига ҳеч қандай зидлик томони йўқ.

2. Ўзбекистон ССР Олий суди Пленумининг 1990 йил 20 июлдаги қарори 3-бандида баён этилган ҳолатлар ўз мазмуни билан пахта ҳосилини тайёрлаш ва қайта ишлашда иштирок этиб, қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан охириги зарурат қонуни нормаларни қўллашни янада ойдинлаштиради ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасига суд йўли билан изоҳ беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Жиноят кодекси нормаларига бу хил аниқлик киритилиши мутлақо тўғридир.

Ўзбекистон Республикаси Олий судини бундай ҳуқуқдан маҳрум этишлик эса республиканинг суверенлигини жиддий чеклаш ва шу республика Олий судининг ҳуқуқини камситиш бўлади...

4. ЎзССР Олий суди Пленуми юқоридаги қарорининг 3-бандида охириги зарурат қонуни нормаларига берилган талқин, бизнинг фикримизча, жиноят ҳуқуқини инсонпарварлаштириш йўлида қўйилган янги қадам ва ҳуқуқ фанининг бу соҳадаги илмий ютуғидир...

*Ю.П.Касаткин,
юридик фанлар доктори, профессор
1991 йил 28 май*

«Ўзбекистон Олий суди раиси вазифасини бажарувчи ўртоқ Полвонзода А.А.га



СССР ва ЎзССР Олий судларининг қўшиб ёзиши ишлари бўйича охирги зарурат ҳақидаги қонун нормаларини татбиқ этиши тўғрисидаги қарорлари ва шу масала бўйича профессор Абдумажидов Ғ.А.нинг ёзган хати билан танишиб чиқдим. ЎзССР Олий судининг шу масала юзасидан тутган йўлини маъқуллайман ва қуйидагиларни билдираман.

Охирги зарурат тўғрисидаги модда ССР Иттифоқ қонуни бўлибгина қолмай, айни вақтда, у иттифоқдош республикалар Жиноят кодексининг ҳам узвий қисмидир. Шунинг учун бу моддада кўзда тутилган қоидаларга тушунтириши бериши Ўзбекистон ССР Олий судининг ҳам қонуний ҳуқуқи ҳисобланади. Бу масалага шу хил ёндашиши СССР Конституциясига ҳам, ЎзССР Конституциясига ҳам, шунингдек, СССР Олий суди ҳақидаги қонунга ҳам мувофиқдир...

Ҳурмат билан, академик В.Н.Кудрявцев
1991 йил 28 май

Ўзбекистон ССР Олий судининг 1991 йил
13 майдаги 01–61–91 сонли қўшиб ёзишга

йўл қўйган шахсларга нисбатан охирги зарурат тўғрисидаги қонунни қўллаш ҳақидаги хати бўйича

Х У Л О С А

Ўзбекистон ССР Олий суди Пленумининг 1990 йил 20 июлдаги «Республика судлари томонидан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган талон-торож қилиш, қўшиб ёзиш ва бошқа суиистеъмолликлар ҳақидаги ишларни кўриш амалиётида вужудга келган баъзи масалалар тўғрисида»ги қарорининг 3-бандини, шунингдек, Олий суд хатига илова қилинган 8 та жиноий иш материаллари бўйича тузилган маълумотномаларни ўрганиб чиқдим. Менинг фикримча, шу ишлар бўйича охирги зарурат тўғрисидаги қонун совет жиноят ҳуқуқи доктринасига мувофиқ тўғри қўлланган.

Сўз юқорида айтилган 8 та жиноят иши бўйича содир этилган ноқонуний ҳаракатлар ҳақида, бу ҳаракатларнинг охирги зарурат

ҳолатида содир этилганлигига, шунинг учун ҳам жиноий жазо белгиланмаслиги ҳақида бо-раётир...

С.В.Бородин,
СССР Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институтининг бош илмий ходими,
юридик фанлар доктори, профессор,
РСФСРда хизмат кўрсатган юрист

Олимларнинг ушбу хулосаларини тўплаб, И.Х.Жўрабеков ҳузурига келдим. У киши ҳужжатлар билан танишиб ниҳоятда хурсанд бўлиб кетди, Президент Ислом Каримов олдига кириб, вазиятни батафсил тушунтириб, олимларнинг хулосаларини топширди.

Эртасига, 1991 йил май ойининг охирида «Халқлар дўстлиги» саройида республика қишлоқ хўжалик ходимларининг қурултойи бошланди. 4500 нафар одам иштирок этган бу анжуманнинг Президиумида И.Каримов ва И.Жўрабеков жой олди. Олий суд раиси вазифасини бажарувчи сифатида мен ҳам қурултойда қатнашдим.

Президент Ислом Каримов қурултойдаги нутқида: «СССР Олий суди «Пахта иши» бўйича бизга тазйиқ ўтказмоқда, лекин улар билсинларки, Ўзбекистонда ўзининг Олий суди бор, бизлар Москвадан бериладиган маслаҳатларга муҳтож эмасмиз!» – деб баралла айтди. Қурултой қатнашчилари республикамиз раҳбарининг ушбу сўзларини узоқ давом этган қарсақлар билан қарши олишди. Президентимиз «Пахта иш»ларидан энг кўп жабр тортган қишлоқ хўжалик ходимларининг дилидагини топиб айтган эди.

«Пахта иш»лари комиссияси ўз ишини яна давом эттирди. Барчамиз Президентимизнинг ўша пайтдаги мардлигига қойил қолган эдик. Шунга қарамай, марказдан бўлаётган тазйиқлар давом этаверди.

СССР бош прокурори Н.Трубин 1991 йил 29 майда республика раҳбарига тақдимнома юбориб, Республика Олий суди Пленумининг мазкур қарори Иттифоқ қонунига мутлақо зид эканлигини кўрсатиб, тегишли тартибда чора кўрилишини талаб қилди. Мана, шу хатдан олинган кўчирма билан танишинг:



...ССР Иттифоқи Олий суди раиси 1990 йил 28 октябрда Ўзбекистон ССР Олий суди Пленумига тақдимнома киритиб, 1990 йил 20 июлдаги 4-сонли Пленум қарорининг 3-бандини бекор қилишни талаб этди.

Пленум ушбу тақдимномани икки ой давомида кўриб чиқмади, уни фақат 1990 йил 28 декабрда кўриб чиқди ва тақдимномани қаноатлантормади. СССР Олий суди раисининг тақдимномасини кўриб чиқиш Пленум кун тартибига ҳатто киритилгани ҳам йўқ, республика прокурори тақдимнома билан таништирилмади ва у Пленум ишида иштирок этмади, бу ҳам қонун талабига зиддир. Кейинчалик республика прокурори бу ҳақда Ўзбекистон ССР Олий суди раиси вазифасини бажарувчиси Полвонзодадан сўраганида у республика прокурорининг бу масала бўйича позицияси бизга маълум эди, чунки «муқаддам... прокуратура ўз хулосасини берган» деб тушунтириши билан кифояланди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ССР Олий суди Пленуми қонунни кўпол равишда бузиб жуда муҳим бўлган масала бўйича икки марта қарор қабул қилди.

СССР Олий суди раисининг тақдимномаси ва СССР бош прокурорининг қўллаб-қувватлаши бўйича 1991 йил 17 майда яқдиллик билан ССР Иттифоқи Олий суди Пленуми Ўзбекистон ССР Олий суди Пленумининг 1990 йил 20 июлдаги «Республика судлари томонидан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган талон-торож қилиш, қўшиб ёзиш ва бошқа суиистеъмолликлар ҳақидаги ишларни кўриш амалиётида вужудга келган баъзи масалалар тўғрисида»ги қарорининг 3- бандидаги тушунтиришни ССР Иттифоқи қонунчилигига мос эмас деб топди.

Хусусан, қарорда Ўзбекистон ССР Олий суди Пленуми тушунтиришлари ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жиноят қонунчилиги асосларининг 14-моддасига мос келмайди деб кўрсатилган. Унга кўра, охирги зарурат Совет давлати, жамоатчилик ё у ёки бу шахс ва бошқа фуқаролар манфаатларига хавф солган пайтда вужудга келади, ушбу ҳолатларда бошқа воситалар билан бартараф этиб бўлмайди. Ўзбекистон ССР Олий суди Пленуми қарорининг 3-бандида кўрсатилган ҳолларда

шахснинг ёки унинг яқинларининг ҳуқуқ ва манфаатларига таҳдид вужудга келган бўлса, у қонуний воситалар билан бартараф этилиши мумкин. Шунинг учун қонунчиликнинг бундай ҳолатларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шахснинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини талон-торож қилишда, қўшиб ёзишда ёки бошқа суиистеъмолликларда иштироки бошлигининг ёки юқори турувчи мансабдор шахснинг мажбурлаши Ўзбекистон Жиноят кодексининг 38-модда 3-бандига биноан жазо тайинлашда фақат жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олинishi мумкин.

Бундан ташқари, умумиттифоқ қонунига тушунтириши бериш, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жиноят қонунчилиги асосларининг 14-моддаси ана шундай қонунлар сирасига киради, Ўзбекистон ССР Олий суди Пленуми ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалари жиноят қонунчилиги асосларининг 14-моддасига тушунтириши бериб ўз ваколатидан ташқарига чиққан, чунки Ўзбекистон ССР «Ўзбекистон ССРда суд тузилиши тўғрисида»ги Қонунининг 56-моддасига тегишли равишда у республика қонунчилиги масаласи бўйичагина раҳбарий тушунтиришлар бериши мумкин.

Шундай қилиб, масъул мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон ССР Олий суди Пленумида ноқонуний раҳбарий тушунтиришлар бериб, республика прокурорининг Олий суд Пленумида мажлисларида қатнашиши тўғрисидаги қонунчиликни кўпол равишда бузган, шунингдек, назорат тартибиде «Пахта иш»ларини қайта кўришда ноқонуний Пленум қарорига асосланган, бунинг оқибатида кўплаб айбдор шахслар оқланган. Бу билан жиддий хатоларга йўл қўйган.

Юқорида баён қилинганлар таъсир чорасини кўриш учун юборилмоқда.

СССР бош прокурори, ҳақиқий давлат
адлия маслаҳатчиси И.С.Трубин
1991 йил 29 май

Ушбу тақдимнома қўшимча изоҳ талаб қилмайди, чунки унга москвалик олимлар юқорида келтирилган илмий асос ва инкор этиб бўлмайдиган жавобларни берганлар.



СССРдек қудратли давлатнинг бош прокурори бўлган Н.Трубиннинг тақдимномасига Президентимиз қандай муносабат билдираркин деб кутар эдик. Ислон Каримов бош прокурор Трубиннинг тақдимномасини ўқиб, у кутган чораларни кўриш ўрнига тақдимноманинг чеккасига «Архивга ташлансин!» деб ёзди-да, ўз имзосини қўйди.

Натижада «Пахта иш»ларини қайта кўриб чиқиш давом эттирилди. Мен имзо чеккан протестларга асосан 3,5 минг киши тазйиқлар остида қўшиб ёзишда иштирок этганлиги учун оқланди. Уларга етказилган моддий ва маънавий зарар қопланиши учун бюджетдан катта миқдордаги пул маблағлари ажратилди, барчаси иш жойларига тикланди. Пахта ишлари бўйича судланганларнинг баъзилари давлатимиз раҳбари томонидан афв этилди, баъзиларининг тайинланган жазолари ўзгартирилиб, оилалари бағрига қайтдилар.

СССР прокуратураси СССР халқ депутатлари съезди комиссиясига ҳавола этган маълумотларда 5 миллиард, унинг иккинчи вариантыда 2 – 4 миллиард талон-торож қилинган деб кўрсатган бўлса, Ўзбекистон компартиясининг XXI съездида 6 миллиард деб айтилганди. Гайданов муттаҳамларча бу рақамларни 10 миллиард деб айтди, Гдлян эса турли митингларда, оммавий ахборот воситаларида зарар миқдорини бир неча ўн миллиард деб жар солган.

Кўриниб турибдики, шафқатсиз қатағон камлик қилгандай, зарар масаласида ҳам Ватанимизга мисли кўрилмаган тухмат тошлари отилган.

Юқорида айтганимиздек, комиссия «Пахта иш»лари бўйича материалларни синчиклаб ўрганиб, 1978 – 1983 йилларда ўзлаштирилган сумма қирқ миллион сўмга ҳам етмаганлигини узил-кесил аниқлади. Ушбу рақам суд қарорлари билан тасдиқланган. Юқорида келтирилган миллиардлик рақамлар эса «десантчи»лар сиёсий лўттивозлигининг яққол исботи деб ҳисобланиши лозим.

Барчага тушунарли бўлиши учун шуни ҳам айтишим керакки, ушбу қирқ миллион сўмга яқин пулларни ўзлаштирган шахсларнинг барчаси қилмишига яраша жиноий жавобгарликка тортилган ва уларга нисбатан чиқарил-

ган ҳукмлар комиссия томонидан қонуний деб топилган.

СССР давлати тарқаб кетгандан сўнг собиқ СССР Олий судининг архиви Россия Федерацияси Олий суди ихтиёрига берилган эди. Жиноят иши қайси судда кўрилиб ҳукм чиқарилган бўлса, жиноят ишлари ўша суднинг архивида сақланиши керак. Биз ўша марказда кўрилган ишларни ҳам Олий судда қайта кўриб чиқишимиз лозим эди. Шунинг учун Москвага бориб, Россия Федерацияси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари Владимир Иванович Радченкога масалани тушунтирдим. Бу ўринда шуни айтишим керакки, Владимир Иванович Гдлян ва Иванов бошчилигидаги тергов гуруҳининг Ўзбекистонда қилган қора ишларидан яхши хабардор эди. У Россия Федерацияси Олий суди раиси В.Лебедев билан маслаҳатлашиб чиқди ва жиноят ишларини бериш мумкин эмас, лекин улардан нусха кўчириб олиб кетишингизга рухсат беришимиз мумкин деди.

Шундан сўнг Исмоил Ҳакимович Жўрабеков ёрдами билан Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонасининг пастки қаватидан иккита хона ажратиб берилди. Москвадаги таниқли тадбиркор Алишер Усмонов чет элда ишланган нусха кўчириш аппаратини олиб берди ва у элчихонага ўрнатилди. Ўзбекистон Республикаси Олий судидан икки киши бориб, тўрт ойдан кўпроқ вақт ичида минг томга яқин барча жиноят ишларидан нусха кўчириб Тошкентга олиб келтирилди.

Улар орасида 1970 йилларда ишлаган Олий суд раиси Саъдулла Пўлатхўжаев, Республика Министрлар Советининг собиқ раиси Раҳмонкул Қурбонов ва бошқаларнинг ишлари ҳам бор эди...

Бу ишлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий судида синчиклаб ўрганиб чиқилди ва дастлабки тергов аксарият ҳолларда бир ёқлама, юзаки, қонун талабларига хилоф равишда ўтказилганлиги, биринчи инстанция судлари мавжуд камчиликларга эътибор бермай судланувчиларга асоссиз жазолар тайинлаганлари аниқланди, уларга нисбатан чиқарилган ҳукмлар бекор қилинди.

Оқланганлар орасида Ўзбекистон пахта саноати вазири бўлган В.Усмонов (вафотидан



сўнг), Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси бўлиб ишлаган Н.Худойбердиев, Қорақалпоғистон Республикаси раҳбари бўлган Қ.Камолов, Марказқўм секретари бўлган Э.Айтмуратов, Ички ишлар вазирлигининг бир қатор масъул ходимлари ва бошқалар бор.

Ҳамюртларимизнинг ишлари Моквадагина эмас, бошқа республикаларда ҳам кўрилган эди. Масалан, М.Мусахонов иши Тожикистон Республикаси Олий судида кўрилган. Ишларни қайта кўриш жараёнида М.Мусахонов жиноят ишига тааллуқли қўшимча ҳужжатлар, хусусан, дастлабки терговда Мусахоновдан «керакли» кўрсатмаларни олиш учун унинг ўғли, профессор Мирзаюсуф Мусахонов, икки кизи ва бошқа қариндошлари, танишлари қамоққа ташланганлиги, аммо бу ҳақдаги ҳужжатлар Мусахонов ишига қўшилмай, сўроқ материалларидан қонунга хилоф равишда олиб қўйилганлиги аниқланди. Бу ҳужжатларни олиб Душанбе шаҳрига учиб бордим ва Тожикистон Республикаси Олий суди раиси Шароф Жўраевич Маҳмудов билан учрашиб, ҳужжатларни тақдим қилдим. Шароф Жўраевич ҳужжатлар билан танишиб, «Сиз олиб келган ҳужжатлар Мусахонов ишини қайта кўриш учун асос бўлади», – деб айтди. Орадан бир қанча вақт ўтганидан кейин Шароф Жўраевич қўнғироқ қилиб Мусахоновнинг оқланганини маълум қилди.

В настоящее время с Вашим приходом на пост Генерального секретаря ЦК КПСС очень многое сделано в наведении дисциплины и порядка во всех отраслях народного хозяй-

ства, уходят прошлое факты приписки и очковтирательства, нарушений норм социалистической законности и другие негативные явления, пришла гласность и демократия.



Я работал в должности I секретаря Пскентского райкома КП Узбекистана с ноября 1980 года по июнь 1986 года.

Проверкой проведенной органами прокуратуры в 1985 – 1986 года в некоторых хозяйствах района были выявлены факты, приписки и покупки хлопка-сырца урожая 1982 – 83 годов. Всего около 600 тон, что составляет 0,9 процента по заготовленному за эти 2 года.

За свои действия многие руководители колхозов и совхозов района сняты с работы и привлечены к уголовной ответственности.

О фактах приписки и покупки хлопка-сырца те годы я как I секретарь райкома партии догадывался, но ничего не мог, так как общая атмосфера была такая, что руководитель любого ранга ничего не мог сделать.

В июне 1986 года за бесконтрольность в работе хозяйственных органов, что привело к припискам и очковтирательству в 1982 – 83 годах, мне был объявлен строгий выговор с занесением в учётную карточку и я был снят с должности I секретаря райкома партии.

С июля 1986 года по настоящее время работаю инженером ремонтно-производственного предприятия Галабинского РАПО по своей специальности.

31/VIII, 1/IX и 2/IX 1987 года меня приглашали на допрос в здание КГБ работники прокуратуры Союза ССР, которые ведут расследование всех имевших место в 1982 – 83 годах негативных явлений в нашей республике.

В течение 3 дней с 10 часов утра и до позднего вечера они угрожали, что посадят в тюрьму если я не скажу сколько денег давал бывшему I секретарю Ташкентского обкома КП Узбекистана тов. Мусаханову М.

С тов. Мусахановым М.М. у меня никогда не было никаких близких отношений и никогда никаких денег я ему не давал. Я просил очной ставки с тов. Мусахановым М.М., но они сказали, что очной ставки не будет. Таким образом, допросив три дня подряд они отпустили меня домой.

15 октября меня снова пригласили в прокуратуру, следователь тов. Хусаинов А. показал мне показания тов. Мусаханова М.М. на несколько десятков людей, у которых он якобы брал взятки с указанием сумм и сколько раз.

В этих показаниях Мусаханова М.М. стояла и моя фамилия, как будто я давал ему взятки три раза (2 тыс., 3 тыс., 5 тыс. руб) в общей сложности 10 тыс. руб. без указаний даты и места дачи.

Я повторил ранее сказанное, что я никаких взяток никогда тов. Мусаханову М.М. не давал и опять попросил очной ставки, на что был снова отказ.

Затем следователи опять начали меня угрожать, что меня не выпустят до тех пор, пока я не напишу «добровольно» необходимые им показания.

Так они продержали меня до 9 часов вечера, а затем отпустили домой и сказали, чтобы я на следующий день принес с собою паспорт. На следующий день начались опять те же самые угрозы.

Наконец тов. Хусаинов А. сказал: «Вы хотите жить на свободе? Быть около своих детей, тогда делайте то, что мы говорим и напишите якобы добровольный приход с повинной и что тов. Мусаханов М.М. занимался вымогательством, а за это, по статье 153 часть 3 УК УзССР, вам нечего не будет, мы отпустим вас домой, живите спокойно и только на суде должны подтвердить эти «показания».

Все эти бесконечные допросы с угрозами вывели меня из нормального психического равновесия и я вынужден был дать ложные показания, т.е. то что чего они от меня хотели.

Следователь Пулатов С. сам написал и вынудил меня переписать заявление и сказал что даль денги, как будто из своих личных сбережений и из наследства, оставшейся от родителей, чтобы никому об этом не говорил.

Вот уже третий день меня мучают угрызения совести, как человека, как коммуниста, что я поступил очень подло и наклеветал по тов. Мусаханова М.М. и не нахожу себе места, что клеветой на человека я добыл себе свободу и дошел до такого критического состояния, что не могу прямо смотреть людям в глаза и иногда появляются мысли наложить на себя руки.

Я прошу организовать проверку правильности моих слов и восстановить нормы соблюдения прав социалистической законности.

Верю, что справедливость и правда должны восторжествовать.



Мой отец, Бахадыров Яхья, родился в 1908 году. Коммунист с 1934 года, в годы войны работал начальником политотдела I Нижнечирчикской МТС, а также на других ответственных постах, принимал активные участие в восстановление сельского хозяйства района. Умер в 1972 году. Его именем названа улица

в гор. Солдатский, где мы в настоящее время проживаем. И поэтому, считаю, что своей клятвой на человека я предаю светлое память отца. Написано мною лично по велению партийной и гражданской совести.

*(подпись) Бахадыров У.Я.
20/X 1980 года*

Комиссии Съезда народных депутатов СССР
от Мусаханова Мирзаюсуфа Мирзамахмудовича, член
КПСС с 1978 проф., доктор ф-м н, заведующего кафедрой
теоретической физики ТашГУ
прож. Ташкент 700 000, Ц 1 д 52 кв 15
тел. 338265 д: 460867 р.

ЗАЯВЛЕНИЯ

Мой отец, Мусаханов Мирзамахмуд Мирзрахмонович, глухой, больной старик (сейчас ему 78 лет) был арестован группой Гдляна 20 августа 1987 г. Факты его биографии, его образ жизни и те жизненные принципы, которых придерживался мой отец в Узбекистане широко известны и он пользовался всеобщим уважением и авторитетом как порядочный, честный человек, принесший реальную пользу своему народу.

До ухода на пенсию в 1985 г. с 1970 г. он работал первым секретарём Ташкентского обкома партии. В эти годы им проводилась политика интенсификации сельского хозяйства и механизации хлопкоуборочных работ в Ташкентской области, за счёт которых был обеспечен двухкратный рост основных социально-экономических показателей области.

Эти показатели и сейчас сохранились. К примеру, как и в прошлые годы в разгар уборки собирают по 6% от плана в день, а плановый сбор хлопка завершают к ноябрьским праздникам. Что это значит, хорошо поймут жители хлопкосеющих областей.

Но группе Гдляна было наплевать на общественное мнение, но несомненно имеющиеся, как говорят, в компетентных органах объективные сведения об отце, об образе его жизни, его доходах и расходах, жизни его детей. Нет, как объяснял в ответ на наши вопросы

Гдлян, 95% партийной организации Узбекистана – преступники, так как все они звенья в цепи всеобщего взяточничества начиная от самого низа и до самого верха.

Раз так, то Мусаханов обязан быть преступником. А факты мы добудем.

И вот допрошены уже после ареста отца многие люди (порядка сотни). Мы знаем, что их допрашивали по многу раз, угрожали компроматом, тюрьмой, вынуждали разными грязными методами оговаривать отца.

Многие из них заболели, а один даже покончил с собой.

В настоящее время на суде (Верховный Суд Таджикистана, судья Махмудов К.С.) все эти обстоятельства вскрываются.

Мой отец глухой, больной старик и должен был иметь защитника с момента ареста, об этом мы писали в прокуратуру СССР, в другие адреса. Но это не было сделано.

Отец в его старческом возрасте и состояние здоровья был для Гдляна легкой добычей. Он оговорил себя, других и даже своих детей, которых очень любил.

В результате, я и моя сестра Саджида просидели в тюрьме 5 месяцев с 24 октября 1988 г. по 24 марта 1989 года, а моя другая сестра Нафиса также была задержана и пробыла несколько дней в ИВС МВД УзССР.

В настоящее время (16.07.89) дело по мне



и моей сестре Саджиде прекращено за отсутствие состава преступления.

Также, за отсутствие состава преступления прекращено дело в отношении Ходжаева З.Г., которого следствие «назначило» на роль хранителя ценностей отца.

Ходжаев З.Г. за освобождение из под стражи был вынужден фактически заплатить выкуп. Как выяснилось, его дочь принесла под нажимом следствия около 90 т. рублей облигации, которые принадлежали родителям её мужа.

К Ходжаеву З.Г., а тем более к этим облигациям наша семья не имела никакого отношения. Было только известно, что он является руководящим работником областной торговли.

Моя жена, другие родственники подвергались многочасовым допросам. Мой тесть, крупнейший учёный Узбекистана академик Азимов С.А., не выдержав обстановки террора, скончался от инфаркта в ноябре 1988 года.

24.10.88 в 12 часов дня меня забирает с работы следователь Асланов, которого сопровождал какой-то человек. С 15.00 до 23.00 часов следователи Асланов и Дадажанов непрерывно допрашивали меня, требуя выдать миллионы. После выводить на улицу, где как оказалось, ждали меня сестра Нафиса и жена Азимова Шахноз. Жена тянет ко мне руки – Асланов бьет её по рукам и заталкивает меня в машину. Привозят в ИВС МВД УзССР.

25.10.88 опять абсурдные требования выдать миллионы, многочасовые допросы. Я рассказываю о ценностях всей нашей большой семьи, что когда было ещё жива мама Мусаханова Джамиля Акрамовна (она скончалась в 1976 г.) она установила порядок хранить все ценности, в том числе и моей семьи, в домашнем сейфе отца. Этот порядок поддерживался и после. Весной 1987 году отец раздал своим детям их ценности и то, что он предназначал из своих сбережений для каждого из нас. Так у меня оказалось сберкнижка отца с вкладышем – запиской, заверенной помощником отца Арко Леонид Владимировичем, где было сказано, что это сберкнижка предназначалась мне (такие-же сберкнижки предназначались и другим детям) там было сумма около

10 тыс. рублей. Кроме того, я забрал у отца 5 тыс. рублей наличными (это были деньги за проданную мебель, которая была в своё время подарена родителями моей жены) и несколько золотых часов (7 штук), подаренных мне и моей жене моими родителями и родителями жены в разное время (на свадьбу, защиту диссертации, 40 летний юбилей). Мне не верят, угрожают арестом жены, сестёр, брата, других родственников. Требую очной ставки с отцом. Говорят – когда им понадобится, тогда и будет.

26.10.88 снова требую очной ставки с отцом. В ответ показывают видеообращение отца, где он говорит абсурдные вещи, что он мол накопил миллионы, а я мол о них знаю. Асланов говорит – хотите покажу Вашу жену в глазок камеры? Вы представляете, что с ней здесь будет? И в этом духе до поздна.

27.10.88 угрозы длительными сроками тюрьмы для меня, моих близких. Так непрерывно до поздна. Заходит следователь Карташьян и ещё кто-то. Требуется показаний. Мне плохо. Даёт что-то пить. Заставляет снять очки (у меня –11 Д, без очков я не вижу). Говорит, что они докажут, что я сам взяточник, как все здесь в Узбекистане, что все мои ученые степени и звания я купил, что если я не дам показания, то мне и моим родным будет обеспечен самый длительный срок в тюрьме, что мои дети по совершеннолетию также попадут в тюрьму, что будет обеспечен тотальный террор всему роду, что я из жадности за деньги продаю жизнь отца.

Поздно ночью увозят в Таштюрьму, я оказываюсь в одной камере вдвоём с Саидом, с которым был вместе в ИВС МВД УзССР, Саид мне объясняет, что главное для выхода из тюрьмы, чтобы мои показания совпали с показаниями других.

Рассказывает, что он мол знал людей, целые семьи, которые по тем же причинам, что и я сидели в тюрьме по много месяцев, а потом мол отдали и вышли. Здесь не отдалив, так уголовный мир заставить ему отдать эти миллионы.

Камера 23 спецподвала МВД для особо опасных преступников. На следствии говорят, что жена, сестры сидят в тюрьме по моей вине. В



камере это подтверждают. На следствии говорят, что я из жадности продаю жизнь своего отца, будущее своих детей, судьбу жены и всех близких. В камере объясняют, что не отдашь следствию – пытками уголовный мир заставит. 03.11.88 предъявляет обвинение в сокрытии миллионов отца. Отказывалось это признать, угрожают этапом в Москву.

11.11.88 предъявляю заявления, где требую сказать конкретно в чем состоит обвинение. В ответ угрожают снова тотальным террором, раскрутить меня как взяточника. Так продолжается изо дня в день. 15.11.88 после интенсивной обработки в ИВС МВД доведёт до попытки самоубийства в камере 23 спецподвала Таштюрьмы. 16.11.88 следователи Дадажонов, Асланов, Абдурахимов и прокурор Салаутдинов говорят, что отец ценный свидетель, что как только выдадим миллионы, так сразу его выпустят на свободу, что и будет на свободе и после суда (по состоянию здоровья).

Переводят в камеру 71, где появляется новый сокамерник вместо Саида, это Тофик. Он уговаривает, угрожает, чтобы я дал ложные показания, иначе меня этапируют в Москву, а там мне конец.

27.11.88 перевозят в ИВС МВД. Подеожен Валера, который представлялся бывшим помощником первого заместителя Моссовета, привезённым в Ташкент на чине ставки. Настойчиво уговаривает, даже диктует ложные показания. Иначе, говорит, сделают из тебя взяточника.

30.11.88 допрашивает Гдлян и другие. Гдлян оскорбляет отца, самого, говорит, что у его подследственных всегда matka наизнанку, что я лже-профессор, купивший свои степени

и звания, а теперь жадность обуяла – продало жизнь отца за награбленные у народа миллионы, что все узбеки – взяточники.

Говорит, что отец из-за меня помрет в тюрьме и мы не сможем даже похоронить его по человечески, а если я дам показания по ценностям, то отец сможет выйти на свободу под подписку о невыезде. Иначе все будут сидеть в тюрьме. Будут репрессии в отношении всего рода, всех детей.

До 06.12.88 держат в ИВС МВД, а затем переводят в тюрьму КГБ. Непрерывные допросы. Теперь добавляется угроза начать дискредитацию меня. Показывают заготовленный текст письма в адрес ЦК КП Уз, ТашГУ, где я объявлен преступником.

Постоянное напряжение.

24.03.89 отпускают под подписку о невыезде.

Пишу заявления в адрес КПК, прокуратуры СССР о том, что я испытал. Такое-же заявление написала моя сестра Саджида.

На допросах на судебном процессе 27.12.89 следователи Асланов, Карташьян, Сафронов, Дорощенко, Пулатов дали показания, что они никаких нарушений не делали. Тогда возникает вопрос, как же люди давали абсурдные показания, оговаривая себя и других, а один (Баходыров), как выяснилось, даже покончил с собой?

То, что сделали со мной следователи группы Гдляна доказывает, что они были хозяевами судьбы любого человека в Узбекистане.

А.Мусаханов
08.01.90



Абдуманноб Эгамбердиев

«САРИҚ АЖДАР ҲАМЛАСИ» китобидан парчалар

Олтинчи боб

ХАЧИР ҚАРВОНИ

Қачонлардир чўққидан қулаган қоя чуқур жарлик тепасида маҳкам ўрнашиб қолган. Йўл шу ерга келганда ниҳоятда то-райиб, кескин бурилади-да, учбурчак ҳосил қилади. Бурилишдан ўтган биринчи отлик орқасида келаётган учинчи отликни кўра олмайди. Бу ердан туялар эҳтиётлик билан, отлар, хачирлар эса секинлаброқ ўтади.

Ой ёруғида йўлга тушган карвоннинг бир қисми жарлик тепасидаги шу тор учбурчак бурилишдан ўтганида энг охир келаётган қоровулни кимдир шартта хачирдан юлқиб олди-да, ёнига осилган ханжари билан қиличини жарликка, ўзини йўлга улоқтирди. Сўнг унинг қўл-оёғини боғлаб, оғзига латта тикқач, йўл ёқасига ташлаб қўйди. Уйқусираб бораётган иккинчи қоровул шарпадан ҳушёр тортди-да, хачирдан тушиб, шериги ёнига шошилди. Номаълум йўлтўсар охирги хачирдаги хуржунни ирғитиб юборганди, хуржун бориб қоровулнинг қиличига илашиб қолди. Қароқчи шу пайт ёндан бориб, йўловчига қилич билан ҳамла қилди. Қиличга чап бериб жарлик қирғоғига бориб қолган қоровул белига тушган тепкидан пастга қулади. Унинг қулаётгандаги додлаши туялар бўйнидаги қўнғирокдарнинг жаранг-журунги натижасида бурилишдан анча нари кетиб қолган карвонбоши билан бошқа савдогарларга эшитилмади.

Охирги икки туяга ҳар хил моллар юкланганди. Ундан олдиндаги икки туяда эса моллардан ташқари кажаваларда иккитадан тўртта қул бўлиб, улар икки эркак ва икки

аёл эди. Қулларни карвонбоши кетма-кет туяларга миндирмай, орага мол ортилган хачирлар киритар, ҳар тўрт-беш туядан сўнг қоровул қўярди.

Эркак қуллар туя устида кетаётиб номаълум йўлтўсар билан иккинчи қоровулнинг олишуви ва қоровул жарга қулаб кетганини кўрдилар, олдиндаги туяда кетаётган аёл қуллар эса қулаганнинг овозини эшитдилар, холос. Қуллар тўсатдан юз берган бу фожиага таажжуб аралаш бефарқлик билан қарадилар. Йўлтўсар туялардаги бойликларга қўшиб қулларни ҳам олиб кетиши мумкин эди. Ними фарқи бор?! Барибир улар – бировнинг мулки! Савдогар кимгадир сотади, эҳтимол, у одам яна бошқасига ўтказади. Улар сотилса ҳам, ўғирланса ҳам барибир эмасми?! Айни вақтда қоровулнинг ўлимига улар «ажаб бўлди» дегандек қарадилар. Фақат фожиа фавқулодда юз бергани учун аёл қуллар қўрқиб кетишганди. Улар аёллик қалби билан бир дақиқа қул эканликларини ҳам унутгандилар.

Йўлтўсар туялар ёнидан ўтиб келиб, эркак қулларга қўли билан «тушинглар» ишорасини қилди. Қуллар бир-бирларига ҳайрон тикилиб қолишди. Шундан сўнг йўлтўсар қиличини ўқталиб пўписали имлади. Қулларнинг бирига ойдинда бу номаълум одамнинг башараси қандайдир танишроқ кўринди. У эслади. У буни кундузи Селат бозорида кўрган эди. Ёш, бақувват, бўйчан йигит. У қуллардан бирини сотиб олмоқчи бўлганди. Лекин пули етмагани учун кар-

вонбошидан дакки эшитиб изза бўлиб кетганди. Мана, энди у сотиб ололмаган қулни ўғирламоқчи, шекилли.

Қулларда кўп ўйлашга фурсат йўқ эди.

– Тушаверайлик! – деди улардан бири йўлтўсар тушунмайдиган тилда. – Агар у бизни ўлдирмоқчи бўлса ўлдириб қўя қоларди-ку!

– Бизни узоқ мамлакатларга элтиб сотса-чи?!

– Гапига кўнмасак, шартта ўлдиради-қўяди. Унда ҳеч қачон уйимизга қайтиб боролмаймиз ахир!

– Рост айтасан, Зоал, зап калланг ишлайди-да! Ке, унда туядан туша қолайлик.

Иккала қулнинг оёқлари бир занжир билан ёнма-ён боғланган эди. Улар секин-секин силжиб, юриб кетаётган туя кажавасига осилдилар. Кейин туя тўхтамагунча тушиб бўлмаслигини йўлтўсарга имо-ишоралар билан тушунтирдилар. Қароқчи йигит иккала қулни шартта кўтариб олиб, йўл четига қўйди. Улар навбатдаги бурилишга яқин келиб қолган эдилар. Туялар ўтиб кетди. Йўлтўсар қоровулларнинг эгасиз келаётган хачирларидан бирини ушлади-да, қулларни унга мингаштириб ўтқазди. Кейин хачирни орқага етаклади. Йўлга улоқтирилган қоровул боғлиқ қўл-оёғини бўшатиб олиб, ётган жойидан берироқда, йўл четига қисилиб турарди. Йўлтўсар унга «кетавер» деб имлади. Қоровул оқсоқлана-оқсоқлана карвон орқасидан юриб кетди.

Нарироқ борилгач, йигит қулларни йўлдан юқорига қараб кетган сўқмоқдан бошлаб дарахтга боғлоқлик от ёнига етаклаб борди. Кейин у шартта отга минди-да, хачирни олдига солиб илдам ҳайдади. Улар тоғдаги илонизи сўқмоқ бўйлаб анча юқори кўтарилиб қолганларида пастдаги йўлнинг сўқмоқ бошланадиган жойига ўн беш-йигирма чоғлик отлик ва пиёда одамлар келиб тўхтадилар. Улар ўзаро алланарсалар тўғрисида баҳслашардилар. Чамаси, карвон қоровуллари олиб кетилган қулларни топмоқчи

эдилар. Улар сўқмоқ бошида бир оз тарадудланиб туришгач, яна орқага қайтиб кетишди. Улар назарида, икки қулнинг ўғирланиши карвондаги бой савдогарларни қўлга тушириш учун қўйилган тузоқ эди. Чунки қароқчилар савдогар, мулкдорлар учун олинадиган тўлов қуллар нархига нисбатан бир неча баробар ортиқ туришини яхши биладилар. Нима тахминга борганларидан қатъи назар, ҳар қалай, карвон соқчилари тоққа кўтарилишга журъат этолмадилар.

Номаълум йигит хуржундан эгов олди-да, қуллар оёғидаги занжир ҳалқасини қирқиб ташлади. Қуллар бир оз енгил тортдилар. Лекин ҳамон уларнинг дили ғулғулада эди. Бу ёғи нима бўларкин? Қулларнинг Парфиёна томондан эканларини билиб олган йигит қаёқдандир эшитган форсча сўзни эҳтиётли шарт хитоб қилди:

– Озод! Озод!

Қуллар биринчи марта ўз халоскорларининг овозини эшитдилар. Наҳотки, бу қароқчи уларнинг халоскори бўлса?!

Улар яна йўлга тушдилар. Энди йигит олдинда, хачирга мингашган қуллар эса орқада борардилар. Йигит қўл-оёқлари бўшатирилган қуллардан ҳадиксирамасди. Демак, унинг ёмон нияти йўқ. Қуллар анча хотиржам тортгандек эдилар. Аммо... аммо бу йигит уларни қаёққа, нима мақсадда олиб кетаётган бўлсайкин?..

Таъби хира карвонбоши Шихитда молларнинг ҳаммасини очдирмади. У ирим-сиримларга ишонарди. Йўлда кайфият бузилса, савдо унмайди деб у шундай қилди. Эртаси барвақт карвон Эршига жўнади.

Бозор майдонига яқин Арғуон дарвозаси ёнидаги карвонсаройга кириб келингач, карвонбоши молларни омборларга яхшилаб жойлатди-да, хачирлар эгасига кира ҳақини берди. Карвон Бақтрадан чиққан эди. Тоғ йўли ниҳоят оғир ва машаққатли бўлгани учун кира ҳақи бошқа йўллардагига қараганда ортиқроқ туради. Карвонбоши менинг қулларим учун ким ҳақ тўлайди деб



ўтган тунда олиб кетилган хачир эвазига пул бермади. Киракаш оғринди. Лекин жарликка қулаб ўлган қоровул товонини унинг бола-чақаларига бериб юбориш тўғрисида ҳеч ким оғиз очмади.

Бақтра билан Эрши ўртасидаги йўл Помир-Олой тоғлари орқали ўтгани учун унинг талайгина қисмида то Ўш кентига етгунча чақир тошлар устидан юришга тўғри келади. Туялар бу йўлда яхши юролмади. Шу туфайли бу йўлдан махсус киракаш хачир карвони қатнайди. Сахро ва чўлда сувсизликка туядан чидамлироқ юк кўтарадиган ҳайвон бўлмаганидек, тоғ йўлида хачир ҳам беназир. Чақир дошли тор тоғ йўлида туяга кўп юк ортмайдилар. Сабаби, оғир юкли туянинг оёқларини чақир тошлар қаттиқ жароҳатлайди. Туя оёғини эҳтиётлаб устидаги оғир юкни осилма харсангларга уриб олади-да, фалокат юз беради.

Карвондаги туялар карвонбошиники. У чақир тошли йўллар бошланганда туялар оёғига кигиз боғлатиб қўйди. Текис йўллардагина туяларга оғир юк ортиш, кажаваларга савдогарларни, қулларни ўтказишга рухсат берди. Карвонбоши Довондан нари, кунботар томондаги яна қанча-қанча юртларга бормоқчи. Йўлнинг бу қисмида туя иш беради. У туяларсиз карвонбоши бўлолмай қолади. Шунинг учун ҳам у не-не машаққатлар чекиб бўлса-да туяларни тоғ йўлидан олиб ўтиб келган эди.

Эртаси эрталаб карвонбоши зарбоф тўн кийиб, салобат билан Довон ихшидининг саройи – Аркка йўл олди. Орқасидан бораётган икки хизматкорнинг қўлларида биттадан чиройли гуллар нақшланган қутичалар бор эди. Бошқа бир хизматкор янги либослар кийдирилган қулни ҳайдаб борарди.

Ясовуллар карвонбошини ўтовсимон, катта юмалоқ хона эшиги олди эргаштириб келдилар. Карвонбоши иккала табақасига кийиклар, архарлар, узун оёқли учқур отлар сурати ўйиб ишланган баланд эшикдан ичкари кириб, тахтда ўтирган ихшид

қаршисида бош эгди. Турли мамлакат ҳукмдорлари саройларида бўлган, тажрибали карвонбошининг нигоҳи Бадахшон ложувардидан ясалган антиқа тахтга тушди. У билан ёнма-ён ҳукмдор ҳузурига кирган Қундузбекнинг ишораси билан карвонбоши қўлларини кўксига қўйиб, ихшиднинг тиззаларига бошини теккизгудек такрор таъзим бажо келтирди. Сўнгра у ихшиднинг чап томонига, ўнг қўл бек Мўдтойнинг рўпарасига чўк тушганди, бек ишора қилгач, гиламдан бемалолроқ жой олди. Ясовулбеги Қундузбек Мўдтойнинг ёнига ўтирди.

– Карвон йўлларининг ғамхўри ихшидга Парфиёна ва Бақтриёнадан совғалар келтириб эдик, – деди карвонбоши эҳтиром билан.

Ихшиднинг нигоҳидаги маънони сезган Қундузбек тахтачани ёғоч болғача билан уч марта тикиллатиб урди. Соқчи-ясовул кириб, қўл қовуштирди.

– Тортиқлар келтирилсин!

Хизматкорлар қутичаларни келтириб, Муғуванинг оёғи остига астагина қўйдилар. Қутичаларнинг биридан карвонбоши Нусайдан¹ сотиб олган ажойиб қадахни олдилар. Ҳунарманднинг моҳир қўли фил суягидан шохсимон эгма қадах, суякнинг иккинчи ингичка учидан ажойиб қанотли махлуқнинг олдинги оёқлари ва калласини ишлаганди. Иккинчи қутичадан Бақтриёна кумуш лаганларини олдилар. Лаганларнинг ўртасида устига иккита жангчи ўтириб олган филнинг бўртма тасвири бор эди.

Антиқа буюмларга иштиёқманд Қундузбеккина ўзга юртлик савдогарнинг тортиқларини мароқ билан кўздан кечирди. Ихшид шунчаки назар ташлаш билангина чекланди. Ўнг қўл беги Мўдтой расмият юзасидан лаганлардан бирини қўлига олиб, орқа-олдига кўз югуртирди-да, қайта қутичага солиб қўйди.

Тортиқларга Довон ҳукмдори билан ўнг

¹ Нусай – Парфиёнанинг эски пойтахти. Унинг харобалари ҳозирги Туркманистон ҳудудида.



қўл бегининг бундай лоқайд қарашлари карвонбошини бир қадар ранжитди. Зукко савдогар уларга зимдан яна бир бор разм солди. Ихшид Муғува соч-соқолига оқ оралаган бўлса-да, анча тетик ва яшамол кўринарди. У чап қўли билан дам-бадам бўлиқ соқолини силаб қўярди. Одати шундай, шекилли. Ихшиднинг кўзлари тўқ-мошранг. Кўзлари ботиқ, қарашларидан анчайин қатъият сезилиб турарди. Тақир, юмалоқ бошида тож! Ўнг қўл беги Мўдтой² ўрта бўйли, қушбурун, абжир, ҳаракатчан кўринади. Соқол қўймаган, аммо ярашиқли, учлари хиёл эгик кўнғир мўйлови бор.

– Парфиёнада Ўрабаз исмли бир кул сотиб олиб эдим. У моҳир ҳунарманд, ёғочни силлиқ йўнади, темирчилик ишларини ҳам яхши билади. Улуғ ихшид, шу тортиқни ҳам қабул этсангиз! – деди карвонбоши ўрнидан туриб, қўл қовуштираркан, ярим таъзим қилиб. Бу совға орқали у яхшироқ эътибор қозонмоқчи эди. Яна олдингидай лоқайдлик сезилди. Тортиқ-кул ҳақида лоақал бирор оғиз сўз ҳам айтмади Довон ҳукмдори.

– Ўзингиз кўрган эллар ўртасидаги савдо йўллари ҳақида сўзлаб берсангиз яхши бўларди, – деди Муғува.

Карвонбоши келтирилган совғаларга бу қадар лоқайд муносабатда бўлинса-да, Довон ихшиди меҳмонни дарҳол қабул қилгани сабабини шундагина тушунди.

– Илгари кўрган мамлакатларимдан бошлайми ёки...

– Бақтриёна билан Парфиёна оралиғидаги йўллар тўғрисида биз унча-мунча билемиз. Улардан наридаги юртлар ҳақида гапиринг!

Мен Бобилда туғилганман. Эламнинг бош шаҳри. Сўз орқали форслар пойтахти Тахтижамшидга бориб турардим. Йўлнинг қарама-қарши томонига ҳам қатнаганман. Экбатан³, ундан то юнонларнинг Эгай ден-

гизи бўйидаги шаҳри Эфесгача борганман. Сузадан Эфесгача бўлган йўлни «Шоҳ йўли» дейишади. Шохли Искандар подшолиги қулагач, бу ягона йўл ҳам хароб бўлди. Натижада моллар учун тўланадиган бож жуда ортиб кетган. Мен бу йўлдан худди шу олағовур пайтлари қатнай бошладим. Бундан бир неча йил бурун Парфиёна подшоси Фроат юнонлардан Бобилни тортиб олгач, кўҳна шоҳ йўли яна жонланди. Бу гал сизларни юртларинг... Довонга Гекатомпил, Нусай, Марфиёна⁴, Бақтриёна... орқали келдим.

– Ўтган йилги Нусайдан келган сотиқчиам Парфиёна Румо ерларигача чўзилиб бориб қолаёзди деб эди, – деди Муғува Мўдтойга қараб.

– Худди шундай, улуғ ихшид! – деди карвонбоши савдогар. – Карвонлар энди Парфиёнадан то Румо⁵ ерларигача тўсиқсиз бора олади... Сўнг... сўнг ундан нари кунботар сув томондаги элларга ҳам ўтса бўлади дейишади. Лекин ҳали у юртларга бориб савдо қилаётган карвонларни мен учратганим, эшитганимам йўқ.

– Кўп ўтмай Узун карвон йўли Довонда кесишади. Румодан то Чингача, Бобилдан Хваразеймгача⁶ қатнайдиган кўп сонли карвонлар бизди кентлар, депаралар орқали ўтади! – деб қўйди ўзига ўзи гапиргандай Муғува.

Муғува тахт суянчиқларига тирсагини қўйган кўйи бир нуқтага тикилиб, жим қолди. Карвонбоши ихшид бошлаган гапини давом эттиришини кутарди. У Муғуванинг буткул хаёл денгизига чўмганини билмасди. Ихшиднинг фикр-зикрини банд этган режадан ўнг қўл беги Мўдтой билан ясовулбеги Қундузбеккина яхши хабардор эдилар. Шу сабабдан улар ҳукмдорга халақит бермаслик учун лом-мим демай, сукут сақлаб ўтирардилар. Карвонбоши ҳам ихтиёрсиз

² Хитой манбаларида Муғува билан Мудтой «Мугуа», «Моцай» тарзида (русча транскрипция) кўрсатилган.

³ Экбатан – ҳозирги Ҳамадон ёнидаги қадимги шаҳар.

⁴ Гекатомпил – Нусайнинг ғарбидаги шаҳар; Марфиёна – ҳозирги Марв вилояти.

⁵ Румо – Рим.

⁶ Хваразейм – Хоразм.



вазиятга бўйсунди.

Кейинги йилларда Довон ихшиди Муғува асосий карвон йўлларининг албатта ўз мамлакати орқали ўтишига эришиш чораларини кўришга киришганди, зеро, шундагина Довон мамлакатининг бойлиги кўпаяди, бинобарин, унинг қудрати ҳам ортади. Шу орқали Довон ихшиди Муғувани барча мамлакатларда танийдилар, биладиларгина эмас, савдо йўлларининг ҳомийси сифатида ҳам тан оладилар. Буларнинг ҳаммаси унинг тахтини мустаҳкамлайди, шон-шухратини оширади! Мана, ҳозир ҳам ихшид йўловчи савдогарлар, элчилар, сайёҳлар, элма-эл тентиб юрадиган дарбадарлардан Узун йўл тўғрисида эшитган, билганларини эсга келтириб ақл тарозисидан ўтказишга уринаётибди. Турли тилларда сўзлаган бу тоифа одамларнинг гапларига қараганда, бу Улуғ ва Узун карвон йўли гоҳ-гоҳ кесилиб ҳам қолар, барҳам ҳам топар, маълум вақтдан сўнг яна тикланиб, ягона Узун йўлга айланиб турарди. Буни Эрши орқали ўтиб турган карвонларнинг дам озайиб, дам кўпайиб туришидан ҳам билса бўлади.

Довон ихшидига яна шу нарса ҳам аёнки, Румо билан Парфиёна ўзаро жанг арафасида бўлсалар-да, улар ўртасида ҳозирча савдо алоқалари узилмай туради. Бунга учинчи, воситачи мамлакат савдогарларининг фаолияти ҳам бирмунча ёрдам беради.

Улуғ савдо йўли кунботар томонга тобора ичкарилаб борарди. Бундан бир неча йил аввал узоқ кунчиқар томондаги буюк Чин мамлакатидан биринчи бор элчи Чжан Цяннинг келиши Муғувани хурсанд қилганди. Шундан сўнг ўзларини Хань деб атовчи Чин билан Довон ўртасида илк савдо алоқалари ўрнатилганди. Демак, Румо билан Парфиёнадан бошланган карвон йўли Довон орқали, фақат Довон карвон йўллари орқалигина Чин савдо йўли билан кўшилиши мумкин! Ахир, Довоннинг Чин билан бўлажак ва бўлаётган савдо алоқалари эндигина шаклланиб, ривож топиб

келяпти-ку! Шундай қилиб, кун чиқадиган денгиз қирғоғидан бошланиб, қуёш ботадиган катта сув қирғоғигача бориб тақаладиган Улуғ карвон йўли Довон кентлари ва қишлоқлари орқали ўтади! Иккита Улуғ карвон йўли – Румо билан Чинни боғлайдиган Узун йўл, Ҳинд билан Хваразейм оралиғидаги нисбатан қисқароқ йўл кесишган Довонда. Бундан омадли бошқа бирор мамлакат бормикан дунёда?! Довон мамлакатининг толеи кулгани яна шундан ҳам маълумки, унинг атрофини юксак чўққилар, улкан доvonлар ҳамда қор ва муз билан қопланган осмонўпар тоғлар ўраб туради. Бу бошқа ҳеч қайси юртда йўқ. Чинликлар бу тоғларни бекорга Тянь-шань – Осмон тоғлар деб атамаганлар! Қайси йўлдан юрилса ҳам Довон мамлакатига келиш учун ёзда ҳам қор эримайдиган, ҳатто муз билан қопланган доvonларни босиб ўтиш керак бўлади. Шунинг учун бу мамлакат Довон дейилади, яъни доvonлар мамлакати ёки атрофини доvonлар қуршаб турувчи мамлакат демакдир. Унинг тоғлари – одам зоти ўтиши мумкин бўлмаган тош деворлари улуғ Ахурамазда иродаси билан яратилган! Шу пайтгача ҳеч ким Довонга қилич кўтариб келолган эмас! На Қуруш, на Доро, на шохли Искандар киролган эмас бу ўлкага! Бу диёрга на Румо, на Парфиёна лашкари кела олади! Чин эса қўшин етиб келолмайдиган олис масофада! Чиннинг кўплаб элчи гуруҳлари ҳам бу узоқ, машаққатли йўлда овқат етишмай тез-тез ҳалок бўлиб туради. Агар Чин бу томонга қўшин юборгудек бўлса, ҳолдан тойган шэнбинлар йўлини ўтиб бўлмас тоғлар, тик ва сирғанчиқ доvonлар тўсади. Довонни босиб олиш, забт этиш мумкин эмас! Демак, бошқа мамлакатлар, ўзга давлатлар Довон билан Довон орқали савдо қилиш тўғрисидагина ўйлашлари мумкин, холос! Ахир келган ва келаётган Чин... Хань элчиларининг барчаси худди шуни тасдиқлаяптилар-ку! Довон ихшиди, улар айтмасалар ҳам, буни яхши билади!



Карвонбоши беихтиёр томоқ қириб юборди. Ихшид қаршисида ўтирган беклар билан меҳмон савдогарга қаради. «Ҳа, айтгандай, – деб қўйди ичида Муғува, – ўзга юртлик карвонбошига ижозат бериш керак!»

– Яна қандай гапингиз бор бизга?

– Арзимаган икки оғиз гап.

Карвонбоши кўпни кўрган, анча-мунча воқеа-ҳодисаларга дуч келиб, бошидан не-не можароларни кечирганди. У талайгина шоҳлар, хонлар, ихшидлар... қаршисида тиз чўкиб, таъзим бажо келтирган, турли мамлакат ҳукмдорлари этагини тавоф этиб, ҳатто қароқчилар тутқинида ҳам бўлган, бир неча марта босқинга, талонга учраган, Селат билан Шихит кентлари оралиғидаги тоғ йўлида кеча оқшом юз берган ҳодисани одатича майин, ихшиднинг ғурурига тегмайдиган қилиб баён этди.

– Мен ишонаманки, – деди у гапини якунлаб. – Бу номаъқулчиликни бир-икки-та оч иш ёқмаслар қилган. Бундай одамлар ҳамма юртларда ҳам топилади. Аммо бу кўнгилсиз воқеани карвон йўллари ғамхўри улуғ ихшидга билдирмасликни ўзимга эп кўрмадим. Эшитишимча, каттами-кичикми ножўя ишларга ўз вақтида чора кўриб қўйиш зарур деб билар экансиз, улуғ ихшид!

Карвонбоши эгилиб таъзим қилганча орқасига тисарила-тисарила эшикдан чиқиб кетди.

Мутуванинг юзи ўзгариб, афти бурушди ҳам, шекилли. У қовоқ уюб ясовулбеги Қундузбекка қаради:

– Ўзга юрт карвонлари Довонга келишдан безмасликлари даркор!

– Албатта қароқчини топамиз! Бошқа ҳеч ким йўл тўсгани журъат этолмайди! – деди Қундузбек.



Еттинчи боб БОЗҒОНЛАР ОВОЗИ

– Яна бир марта отай ошиқларди, – ялинди ўйинда ютқазиб қўйган қиморбоз шерикларининг истеҳзоли қаҳқаҳалари остида.

– Йўқ, Жувдар, аввал қарзингни уз, сўнг ошиқларга қўл узатасан!

– Оббо, ҳеч вақом қолмади деяпман-ку!

– Бўлмаган гап! Қарзингни узишга ярайдиган энг яхши нарсанг ҳали турибди ўзингда! У адоғ ҳам бўлиб қолмайди!

– Нима экан у?! Сандон билан бозғонни айтяпсанларми?

– Йўғ-э! Бозғонингам, сандонингам ўзингга сийлов.

– Нимани айтяпсанлар, бўлмаса?!

– Хотинингни келишгангина, дўндиқлигини ҳамма билади!

– Хўш, хотиним чиройли бўлса, сенларга нима?!

– Ўзингни кўпам соддаликка солаверма, Жувдар! Кечқурун хотинингни олиб келасан, эрталаб қайтариб олиб кетасан. Бирон ери камиб, ейилиб қолмайди. Эҳтиёт қиламиз. Шу билан қарзимдаи қутулдим деб ҳисоблайвер!

– Яна улфат, ўртоқ эмиш булар! Ярамаслар! Энди тушундим кимларминан ҳамтавоқ бўлганимди!

– Ихтиёр ўзингда, ё хотинингни олиб келасан, ё ўзингни дарахтга боғлаб, сўқимга боқилаётган тана сингари олдинга кўк беда ташлаб қўямиз. Қиморда ютқазган қарзини тўлолмаса, бошига нима кун тушишини ўзинг яхши биласан-ку!

– Биламан...

– Билсанг, бўпти-да! Ади-бади айтишмасдан, келтира қол хотинингни.

Жувдар жаҳл билан ташландиқ чалдевордан ташқарига отилди.

– Биз тўртгамиз, у бўлса танҳо! – ва лақлашарди қиморбозлар. – Ҳар гал уни ютиб қарзга ботираверамиз. Охири хотинини олиб келиб, қарз узишга кўникиб қолади. Бу бизгаям ёмон эмас, Жувдаргаям ортиқча зарар келтирмайди! А, лаббай, нима дединглар?

– Хотиниям, Жувдар қиморда ютқизса, жаҳли чиқмайдиган бўлиб қолади!

Қиморбозлар тиззаларига уриб-уриб, қийқириб кулардилар. Улар тилида нақд бўлиб қолган ўлжани қўлга киритиш гашти наша кайфини янада ошираётганди.

– Бошда битга-биттадан кирамиз жононни ёнига.

– Аввал мен кираман, кейин сен...

– Ҳеч қайси ярамас хотиним ёнига биринчи бўлиб ҳам, охириги бўлиб ҳам киролмайди! – ўшқирди Жувдар ташқаридан. – Мана, олинглар! Бу нарсалар қарзимдан икки баробар ортиқ туради.

Жувдар қиморбозлардан бирининг ҳовучига ложувард, ҳақиқ маржонларни зарда билан ташлади-да, орқасига қайтиб, шаҳдам қадамлар билан чордевордан узоклашди.

Эртаси эрталаб темирчи уста Жувдар растадаги устахонасида иш билан машғул бўлди. Дили хуфтон эди. Қўшни дўконлардаги ҳамкасблар ҳайрон бўлишарди: нега Жувдар бугун камгап, қош-қовоғи осилган?

Чироқ ёқса кўнгли ёришмаётган Жувдар ҳатто дўконига яқинлашишаётган Чин элчиларига ҳам парво қилмади. Унинг заҳари



қайнар, босқон остига ўтда қизитилган гоҳ у, гоҳ бу темир асбобни қўйишни шогирдига жеркиб буюрарди. Ҳатто бир-икки марта жаҳл билан босқонни қуруқдан-қуруқ уриб ҳам юборди.

Ханликлар раста бўйлаб устахоналарни томоша қила-қила, шошмай келардилар. Улар дам у, дам бу уста билан суҳбатлашардилар-да, болға, қисқич, омбирларни қўлларида синчиклаб кўргач, ўзларининг мамлакатларида қандай темирчилик асбоблари борлиги тўғрисида гапириб берардилар. Мана, улар Жувдарнинг устахонаси рўпарасига келиб тўхтадилар. Салом-алиқдан сўнг ханликлар Жувдар тайёрлаган сувлуқ, айил тўқаси, қуйишқонга қопланадиган увулдирик, шунингдек, темир билан жездан ясалган найза учларини кўздан кечира бошладилар.

– Сувлуқни сунну... хунлар ўйлаб топишган, – деди ханликлардан бири довонча гапиришга тиришиб. – Эҳтимол, сизлар улардан, хунлардан ўргангандирсизлар.

– Билмайман! Мен сувлуқ қилишни отамдан ўрганганман, отам бобомдан ўрганган, – гапни кесиб қисқа жавоб қайтарди Жувдар.

Устанинг гап оҳангига парво қилмаган ханлик яна уни саволга тутди:

– Найза учларини кўпроқ темирдан ясайсизларми, жезданми?

– Буни устакалон Туронболға⁷ билади!

– Довон темиридан ясалган найза учлари пишиқроқми, бошқа мамлакатлар темиридан ясалганларими?

– Темирни қаёқдан олиб келинганини мен суриштириб ўтирмайман! Олиб келишганидан айтган нарсаларини ясаб беравераман. Менга пулини кумушминан тўлайдилар, уни қора кунимга яраб қолар деб беркитиб қўяман. Гап тамом! – зарда билан гапини тугатди Жувдар. У яна нимадир деб жеркимоқчи эди, лекин ўзини босди.

Бу ханликлар кетма-кет саволлари би-

лан уста Жувдарнинг жонига тегдиларгина эмас, ҳатто унинг ярасини баттар янгиладилар ҳам. Жувдар уларнинг саволларига жавоб қайтараётиб бир йил амал-тақал жамғарган бор-будини ўтган тунда бой берганини беихтиёр эшлашга мажбур бўлганди. Қандай шармандалик-а! Эшитганлар нима дейишадп энди? Садқаи улфат, ўртоқ кетишсин, аблаҳлар! Жувдар тўппа-тўғри келиб, хотинига бўлган гапни оқизмай-томизмай айтди. Ўтган оқшом хотини уни, улфатларини қарғаб йиғлади: «Мени ким деб ўйлаяпсан? Ўлсам ҳам бундай ҳақоратга йўл қўймайман. Ўзинг боргин-да, бўйнингдан бойлатиб, олдинга кўк беда ташлат. Бутун кентга шарманда бўл!» Жувдар: «Мен сенга ундай қил деётганим йўқ, ўзинг бошқа бир иложини топиб, мени қутқар бу ҳақоратдан. Ўлсам ҳам ҳеч қачон қўлимга ошиқ олмайман энди!» – дея ёлворди хотинининг оёғига йиқилиб. Хотини ота-онаси тортиқ қилган ва шу пайтгача бир илож қилиб сақлаб келётган ложувард, ҳақиқ маржонларини эрига олиб чиқиб берди. Негаям ханликлар саволига жавоб қайтараётиб: «Қолган кумуш тангаларни қора кунимга сақлаб қўяман», – деб юборди ўзи?! Ҳа, кўнглингда бори дилингни тирнаб турса, салгаёқ тилингга кўчар экан-а!

Ханликлар бошқа, қўшни устахоналарга ўтиб, қилич ханжарларнинг жез билан темирдан қандай ясалиши, ўтда қанча вақт, қандай товланиши, қайси дарахтлардан соп йўнилиши билан қизиқа бошладилар.

Бугун ҳамма нарса, ҳатто болға одатдаги жойига эмас, бошқа ерга қўйилиши ҳам Жувдарнинг жаҳлини чиқарарди. Уста яна ишга берилиб кетди. Унинг ўн тўрт ёшли шогирди Рахшанак паст бўйли, қисқикўз ханликлар орқасидан анграйиб қарагани учун ёғоч челақка туртиниб кетиб, ундаги сувни Жувдарнинг оёғига тўкиб юборди.

– Ҳай овсар! Иш пайти анграйма! – шогирдини жеркиб койиди уста.

Рахшанак ўзини йўқотиб қўйди. Жувдар

⁷ «Болға» устанинг лақаби.



бир қўлида қисқич билан қип-қизил чўғ бўлган темирни сандон устига қўйди-да, шогирдига катта болғани узатиб юборишни буюрди. Эсанкираб қолган Рахшанак ўртанчи болғани уста қўлига тутқазди. Жаҳли чиққан Жувдар болғани улоқтирди-да, шогирдининг юзига шапалоқ тортиб юбормоқчи бўлди. Рахшанак шапалоққа чап берман деб юзини устанинг иккинчи қўлидаги чўғ бўлиб турган темирга уриб олди. У шу заҳотиёқ эси оғиб, йиқилди. Қўшни усталар йиғилишди. Туронболға ҳам етиб келди. У Жувдарга ўқрайганди, уста кўзини қаёққа яширишни билмай, ерга тикилди. Сув сеппиб, силкитиб Рахшанакни аранг ўзига келтирдилар:

– Ҳой Тўхтар, бу ёққа кел! – Туронболға растадан ўтиб бораётган шопмўйлов ясовулни чақирди. Ясовул Туронболғага қўшни эди. Шу сабабдан устакалон унга ўз ўғлидек бемалол иш буюраверарди. – Сен уйингга кетяпсанми? Замбарни бир томонини ушла. Манави болани уйимга олиб кетамиз.

Жувдар Рахшанакни бурноғи йили кентнинг Куба дарвозаси яқинидаги карвонсаройдан топиб олган эди. Бола отасининг аллақачонлар вабо касалидан ўлиб кетгани, онаси эса бундан икки йил муқаддам оламдан ўтганини айтганди. Етим қолган Рахшанак оч-яланғоч гоҳ узоқ қариндош аёлнинг

уйида, гоҳ қўни-қўшнилариникида тирикчилик ўтказиб юрган. Ўн иккига кирганда у Гесой⁸ орқали ўтаётган карвонга эргашиб Эршига келиб қолган ва бу ерда дайдиб юрган.

Рахшанак Туронболғанинг уйида икки ҳафтача яшади. У ўзини тузалган ҳисоблаб, Жувдарнинг устахонасига келди. Туронболға болани кўриб қолиб, яна қайтариб юборди. «Юзинг яхши тузалиб кетмагунча ишлама!» – дея койиб берди уни.

Бир неча кундан сўнг тунда Рахшанак тасодифан Туронболға билан хотини аста гаплашаётганини эшитиб қолди:

– Бу етимчани шунча кун олиб турганимиз ҳам етар, – деди Туронболғанинг хотини. – Ўзимизда ҳам тешик томоқлар оз эмас.

– Яна бирор ҳафта сабр қил. Бир оз яраси битсин, кейин уни бирорта раҳмдил темирчи дўконига шогирдликка жойлаб қўяман. Ўша одам унга жой ҳам беради.

Рахшанак эрта тонгда қаёққадир ғойиб бўлди. Туронболға устахоналардаги шогирд болалардан беш-олтитасини Рахшанакни қидиришга юборди. Кентдан уни тополмадилар, Гесойга борадиган карвон билан ўз юртига кетиб қолган бўлса керак деган қарорга келдилар.

⁸ Гесой – ҳозирги Косонсой ёнидаги қадимий шаҳар.